

15284

1598

Матлаббека
Улуғбек қизи Деҳқонқиз

Аруз бўстони

بهاره در خوار و گشت نگر احوال این زمان
داده از این کسیر و گریه نزن تا آن فی خرد بدانه که او را
دورن شواله بود که بر شین و بسا اندام کند و بپایان غنا و طبع و از
دلم گمان درسی خوار با هست در حال غمست جهان صراحتها
تراکی نکته افروزم از شما او بر ربط بعد از شویس جانها

436.2

8

Ч-48

МАТЛАББЕКА УЛУҒБЕК ҚИЗИ
ДЕҲҚОНҚИЗ



АРУЗ БЎСТОНИ

678



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

280

УДК: 821.411.21-1
821.512.133-1

84. (5Ўзб)6
Д-44

Деҳқонқиз М.У. Аруз бўстони. / –Т.: «Янги аср авлоди», 2010.
– 236 б. (Тақризчи: М.Нарзиқулова)

Аруз шеърляти мумтоз адабиётимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида сайқал топиб келган. Бу борада Ҳазрат Навоийнинг аруз шеърлятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш уринли бўларди, назаримизда.

Тақдим этилаётган мазкур сайланма шеърлар ҳам Матлаббека Улугованинг турли йилларда ёзилган ашъорларидан жамланган бўлиб, унда узоқ асрлар давомида меросга айланган бадиий ўхшатишлар ва сержилва байтлар китобхонни ўзига маҳлиё қилади.

ББК 84(5Ўзб)6

Тақризчи:
М.НАРЗИҚУЛОВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти катта илмий
ходими, филология фанлари номзоди

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Адабиёт
институти томонидан маъқулланган.*



ISBN 978-9943-08-641-8

© Матлаббека Улугбек қизи Деҳқонқиз, «Аруз бўстони». «Янги аср авлоди», 2010 йил

КИРИШ

Аруз шеърляти ўзбек халқи тарихининг ажралмас бир бўлагидир. У VI-VII асрларда Арабистонда пайдо бўлиб, IX-X асрлардаёқ ўзбек тилига ҳам кириб келган экан. У йилма-йил тараққий қила бориб, ўрта асрларга етганда шеърлятимиз ёппасига аруз вазни билан ёзилганди. Аруз-хонлик шу даражада кучайганки, ҳатто мадрасаларда уни ёзиш усули фан сифатида ўргатилган. Ана ўша даврларда Ҳазрати Навоий ва Ҳазрати Бобур каби қатор етук шоирлар етишиб чиққанини биламиз. Шунга кўра, аруз шеърляти халққа ҳам сингиб борган. Шундай қилиб, бу шеърлятнинг тараққиёти то XIX асргача давом этиб келди, аммо XX асрдан бошлаб замон ўзгаргани сабабли бўлса керак, бу анча сусайди. Эндиги шоирлар осонроқ йўл деб бармоқ вазнида ижод қила бошладилар. Лекин аруз шеърлятини яхши кўрганлар кейинчалик ҳам ўз ижодларини шу йўналишда давом эттирдилар. Бунга Ҳабибий, Чустий, Собир Абдулла каби ижодкорларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Бироқ ҳеч қандай шоир ёки шоирлик даъво қилмасдан ўз кўнгил гулшанларини яратиб, баҳоли қудрат ўзларича ёзадиганлар ҳам кўп эди. Худди ана шундай аруз шеърляти шайдоси бизнинг сулолада ҳам бор. Менинг бувимлар Матлаббека Улуғбек қизи – Деҳқонқиз (Матлуба Улугова) Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, «Шуҳрат» медали нишондоридилар. Бувим 42 йил давомида ўрта мактабларда ўқитувчи ва раҳбар бўлиб ишлаб келганлар, шу даврларда учта вилоятдан ҳикматлар териб, уларни мактабда ишлатиш тажрибасини манзур даражага олиб чиққанлар. Шунга кўра Ўзбекистон педагогика илмий тек-

шириш институти тавсияси билан 1994 йилда «Ҳикматлар гулдастаси» ва 1999 йилда «Маънавият чашмаси» тўпламларини «Ўқитувчи» нашриёти чоп этган. Бундан ташқари 2002 – 2007 йиллар давомида 3 марта катта ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган тарбиявий қўлланмалар ҳам ёзганлар.

Улар ўз ўқитувчилик ишларини аъло даражада бажариш билан бирга аруз вазнида шеър ёзишнинг ҳам ашаддий шайдоси бўлганлар. Улар 16 ёшларидан 34 ёшларигача аруз ёзишни машқ қилган эканлар. Шундан кейингина арузнинг барча жанрларида ёзадиган бўлгач, уни оққа кўчириб, сўнг бошқаларга кўрсатган эканлар. Хулласи, бувимнинг дафтарларида 1957 йилдан сўнгги ёзганлари мавжуд. 70-йилларга келиб уларнинг ёзганлари кўпайиб кетган, лекин қунт қилиб чоп эттира олмаганлар. Бу даврларда аруз ёзишни менинг онамга, яъни қизларига ҳам ўргатибдилар. Онамнинг «Кўнгил гулшани» деган китобчалари нашр этилган.

Бувим айна пайтда 87 ёшдалар. Лекин мумтоз адабиётдан, аруз шеъриятидан гап очилса, ёшариб кетадилар.

Мустақиллик шарофати билан матбуот эркинлиги вужудга келгач ва айниқса, ҳурматли Президентимиз И.Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» номли асарлари нашрдан чиққач, ўзларига катта йўл очилганини кўриб қисқа муддат ичида «Аруз чиноридан бир барг», «Аруз гулзори» ва «Кўнгил боғи» деган тўпламларини нашр эттирдилар. Ушбу «Аруз бўстони» китоблари эса сайланма тарзида тайёрланган ашъорлардан иборатдир.

*Нозима ФАЙЗИЕВА,
Фалсафа фанлари номзоди*

МУАЛЛИФДАН

Ассалому алайкум!

Азиз китобхон! Агар вақтингизни сарфлашга арзитиб, китобларимни ўқисангиз битта узр сўрайдиган ерим бор.

Менинг отам биринчи марта ўзларининг тоғаларининг қизларига уйланганлар. 10 йиллаб фарзанд кўришмагач, яна менинг онамга уйланганлар. Шунда мен туғилганман. Мендан сўнг укам туғилгач, мени катта онам мутлақо ўзлариники қилиб олганлар. Мен ўз онамни опамдек кўрар эдим, катта онамга эса қаттиқ ўрганиб қолгандим. Менга Матлаббека деган номни ҳам улар қўйган эканлар.

1930 йил отамнинг мол-мулкини олиб қулоқ қилаётганларини кўриб, чидай олмаган катта онам қаттиқ касалланиб вафот этдилар. Ўшанда ётганларида олдиларига чақириб: «Болажоним, мени сендан бошқа зурриёдим йўқ, мени эслаб тур. Катта бўлганингда менинг ҳақимга дуо қилиб юр», деганлар. Мен бу гапни ҳеч эсимдан чиқармаганман.

1994 йили биринчи марта китоб чиқараётганимда «Бу китобимнинг савобини катта онамнинг руҳи-покларига бағишлайман», деб ёзганимни муҳарририм, педагогика фанлари доктори аввал рад этдилар, сўнггида китобга онам қўйган «Матлаббека» исмини мусулмонча усулда ёзишга келишдик.

Ана ўшандан бери 9-китобимга шу ном ёзилиб келаяпти. Бундан ташқари менинг «Деҳқонқиз» деган тахаллусим ҳам бор. Шунга кўра, сизлардан узр сўраган ҳолда бу номларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаб берай.

Биринчидан, менинг ҳақиқий исмим Матлаббека Улуғбек қизи.

Иккинчидан, 1930 йили бизни қулоқ қилиб, янгидан комендатура рўйхатга олаётганда отам «Бек» қўшимчасидан қўрқиб, ўзларини «Улуғ», мени эса «Матлуба» деб ёздирганлар. Шу сабабли ҳамма ҳужжатларимда Матлуба Улуfoва деб ёзилган. Матлаббека номини эса катта онамнинг руҳи поклари шод бўлсин учун ёздирганман.

Энди тахаллусимга келсак. Отам қулоқ бўлиб, нотинчлик, ватан беқарорлиги оқибатида мен 1930 йилдан 1951 йилгача Деновда, 1951 йилдан 1970 йилгача узил-кесил Қўқонда яшадим. 1970 йилдан 1978 йилгача Қизилтепада бўлдим. 1978 йилдан нафақага чиққач, Тошкентда – болаларимнинг олдидаман. Бу ерда ёшликда ёзганларимни тўпламлар қилдим ва ўқитувчи бўлганлигим сабабли Халқ маорифи учун ҳикматлар тўплдим.

Матлуба Улуfoваман. Матлаббека Улуғбек қизини ва Деҳқонқизни ҳам қўлламасдан ҳам шеърлар ёзаверишим мумкин эди. Аммо бу уч вилоятда мен ёниб-яшаб ишладим, қадрдон дўстлар орттирдим, ҳаётимдан мамнун бўлиб яшадим. Денов, Қўқон, Қизилтепа, Тошкент – тўртталаси ҳам менинг юртимдир. Шунга кўра туз ҳақи учун Деновдан – «Деҳ», Қўқондан – «Қон» ва Қизилтепадан – «Қиз» бўғинларини қўшиб «Деҳқонқиз» бўлганман. Бу менинг поэзиядаги тахаллусимдир.

Ушбу «Аруз бўстони» деган китобимни озод Республикамиз мустақил Ўзбекистоннинг 20 йиллик юбилейига кичик бир туҳфа деб биламан.

Матлаббека Улуғбек қизи

ЎЗБЕКИСТОНИМ МЕНИНГ

Нур кийиб, офтоб тарайсан, Ўзбекистоним менинг.
Сен билан жаннатга ибрат лавҳайи шоним менинг.
Икки дарё жон фидолар устувор ўрнингни деб,
Мавжидан тоғлаб оқ олтин уйди деҳқоним менинг.
Ҳар саҳар кўксин очар гул қутли тонгин ҳусни чун
Илгамас кўз боғни уфқин боқса боғбоим менинг.
Менделеев қолди ҳайрон бир ҳовуч хокинг кўриб,
Гавҳару олтин қиёслар унда хирмоним менинг.
Қўш бешик тебратар келинлар янги қишлоқ дилбари,
Чўлни ҳам шаҳру кўкалдош этди давроним менинг.
Кўрмаган тарих бу янглиғ пурмароқ шодоналик,
Зеблари кўркларни лоллаб, бўлди достоним менинг,
Боғу роғ гулшан ародур масканинг Деҳқон қизи.
Аҳли олам илтифотлаб кунда меҳмоним менинг.

ДИЁРИМГА

Эй, менинг бағримга пайванд беқиёс гулшан диёр,
Сенга бўлсин сатқа жоним меҳру дил айлаб нисор.
Қўр бериб қалбимга барқинг анбаристон айлаган.
Андалибингдек наволаб сенга айтай ифтихор.
Мустақил кўркинг қамардек нурламиш олам элин.
Янги юлдуз кўрди осмон, сен бўл олгач устувор.
Минг беҳишт унган ерингдан илму-фан ўрнин топиб,
Шаҳру-сахро тенг чароғон лавҳасин айлаб виқор.
Масканим орзумга монанд хилма-хил миллат аро.
Қутли байроғинг ловиллар, шод бўлиб ундан нигор.
Ору-номусдек кўриқлай мен сени мумтоз элим,
Сен омон бўлсанг, бу Деҳқон пурсаодат бахтиёр.

САБОҚ

(Болаларимга)

Машаққатсиз ҳаёт бўлмайди шодона,
Муқаддас бурчидан чиқмайди мардона.
Камоллар камтаринликдан ўсиб чиққан,
Садафдан юз ўгирмай бўлди дурдона.
Меъёрдан ошмаган дарёда тошқин йўқ,
Қоронғу ичра ҳам порлайди нурхона.
Тикарлик игналар афзал кесар тигдан,
Ёмондан яхшилик шайлайди ҳур дона.
Одамлик ҳеч қачон диплом билан келмас,
Шакар туз сатҳидан ўтганда вайрона.
Гиёҳ тош остидан чиқмоқ йўлин излар,
Чувалчанг лой уяр зулматда пинҳона.
Умр ҳар дам бутунланган маишатмас,
Ҳаёдор ҳолатин этмайди афсона.
Ҳаётдан ўрганиб борганда Деҳқонқиз,
Бўларкан бир умр покликка парвона.

ВАҚТ

Сажда қил муддатга дўстим, беҳазон мардона у,
Қўл тутолмас, нуқта олмас вазни йўқ дурдона у.
Шарпадек ўтган бир ондан минг кетиб,
минг бир келар,
Синчалаб инсон баҳосин кўргудек нурхона у.
Шиддатин кўрган умрлар ибрат айлабдир йўлин,
Навбаҳор экканни ўргач, аҳли зар паймона у.
Ҳар аср тарихга гарддек, биз учун қиммат минут,
Бир нафас келмай қолар пайт, жон учун вайрона у.
Тез юриб хушнуд ҳаётдан, оқсанар ғурбат маҳал,
Кунни қадрин билса инсон, умрибод ҳамхона у.

Қўрлилар асраб баҳосин, мулкидан нур терсалар,
Баҳри ободлик битилган бурчсевар йилнома у.
Янгилаб авлодни тез-тез, кўҳнадан тўплар хазон,
Бой берилган онни кўрса, беомон бегона у.
Вақти етгач гул очилсин – деб хуноб Деҳқонқизи,
Исмини чизганда муддат, бир музей афсона у.

ХАЁЛ

Қўл тутиб, кўз кўрмаган оддий хаёл,
Юз кишандан бир узуқ айларли ҳол.
Сувда чўкмас, ўтда ёнмас лавҳа у,
Тош қасрдан ҳам тешиб кирган у дол.
Истагач шул пайт қўнар ой сатҳига,
Ёки денгиз тубларин айлар қамол.
Маҳлиё этганда маҳваш кўзлари,
Хоҳлаган пайт кўрди у чорлаб висол.
Кўнглимиз йиғгич хазина ул турур,
Зўр мунажжим ҳам олиб ундан ниҳол.
Этса гар дарвешни шоҳ Деҳқон қизи,
Қувса қочмиш, эплай олмай ҳар камол.

ТАЪСИР

Селу дўлдан кўчса гар, тош зирқирар тоғ бошлари,
Битта тош қўзғалса ул чоғ, кўчкидир қардошлари.
Дахли бўлмай кимсаларнинг бахту бахтсизлик абас,
Ман – дегич манман сирарнинг тотли бўлмас ошлари.
Изтиробсиз иштиёқ йўқ, йўқ унингсиз хуш ҳаёт,
Одобин ҳамро этарнинг кўп бўлар қўлдошлари.
Воя топмайдир муҳаббат парвариш этмай юрак,
Қалбни қўрин кўрмаган иш, бўлди исроф чошлари.
Этди равшан хонадонин бахт қамардек шуълалаб,
Унда тил тош отса борми, ўприлар ёнбошлари.

Аждаҳодек домга тортар ҳар муҳит мезонаси,
Файзу қут ободу кўркам, бўлса гар тилдошлари.
Дехқизо ҳар бир қоронғу нурлидур бўлсанг зиё,
Қоч ёғар бўлган булутдан, бўлмагач бардошлари.

ЙЎЛЛАР

Туганмас йўл экан аслан ёруғ дунё,
Қаторлаб чорраҳин юр-деб этар фатво.
Кузатган қаршилар берганни олгандек,
Ҳаёт тажрибасин доим қилиб ҳамро.
Боболар юрганин ибратнамо айлаб,
Атаклар ёш гўдак ундан борар танҳо.
Билимлар учрагач, нарвон қўйиб чиқди,
Аламлар учрагач, айлатди мустасно.
Оловдан ҳам кечиб бахт ахтарар инсон,
Туганмас тинчлигин излайди ҳар доно.
Тиканлар олди у гоҳо товонлардан,
Ўтиб кетганни қайтармоқ бўлиб гўё.
Сароблаб йўлларин бирдан йўқотганда,
Кўниб сўқмоққа ҳам оғринмаган асло.
Туман йўл поку нопокин давом айлар,
Фақат бир йўл бориб қайтолмаган гумро.
Қоларкан изларинг шул йўлда Дехқонқиз.
Бу олам бўлмаган ул изга бепарво.

МЕЪЁР

Ҳар тўкис тутган меъёрин бўйламиш,
Ўз ҳаёт ўлчовларидан сўйламиш.
Шўх сабо берган меъёр оромлатиб,
Ортса «Борин тўзғитай», деб ўйламиш.

Туз қалампирдан меъёр олганда ҳақ,
Гайр илон заҳрин шифо деб куйламиш.
Жо – бажо оққан булоқ кўрк бўрттириб,
Тошса ўтдан ҳам ёмон кор айламиш.
Тинглаган тиллар топаркан бир меъёр,
Уқмаган рангларни жойсиз жойламиш.
Орттириб таъзимлагич бачканадир,
Гердайиб ўтганда қўрс дил қайрамиш.
Камтару ожизни кўр Деҳқон қизи,
Марду қўрсдек айри ўрнин сайламиш.

ҲАЁТ

Бу ҳаёт ташвиш аро ҳам қонмагандек беқарор,
Кўр чувалчанг ёнгли доим лой ёғин изловчи зор.
Ҳар яралган мавжудотдан ўз вужудин тиклатар,
Тинмасак дарду қувончин айлатиб қўйган қатор.
Қўш оёқлаб юрса инсон, бош билан юр дейди у,
Уқтирар дарсин ҳамиша сақлатиб узвий меъёр.
Маънисиз энгил ҳаётдан, зилдаин мазмунли соз,
Чўғ ҳовучлатган чидамлар айлагандир бахтиёр.
Гар адолат ўлса-ю, кўр бўлса ҳақнинг ҳақлари,
Гавҳару тошин айирмас, савлатин булғаб виқор.
Доимо бермас маишат чашмасин топганга ҳам,
Ўз улуш ҳаққин қидирган бўлди доим устувор.
Ингратар тақдирни алдаш, экканин ўрдиртириб,
Ноҳақин муддат савайдир, айбни айлаб шармисор.
Соғ-омонликлар фанимат, унга айлайлик шукур.
Қўш эшикли бу ҳаётнинг келмишин кетмоғи бор.
Деҳқизо архивга тушсанг, изларинг қолмиш унга,
Мангулаб номин яшатган – бўлди ўлмас шоҳсувор.

КУЛГИЛАР

Кулги борки, ях йўлатмас қишни ҳам қаҳҳорига,
Кулги борки, ўт қалайдир кулни ҳам давворига.
Кулги борки, зим-зиёлар олғуси ундан чироқ,
Кулги борки, лой сувайдир ойни ҳам рухсорига.
Кулги борки, дил ғуборин даф этар бир лаҳзада,
Кулги борки, шум ният-ла эргашар бадкорига.
Кулги борки, бир намодан кўрсатар ўз бахтини,
Кулги борки, ёғдирар қор гул ҳамал гулзорига.
Кулги борки, завқланолмас эътирозлар дастидан,
Кулги борки, бир мийиқлаб бол берар болдорига.
Кулги борки, тоғ қулатмиш қўрли кўнгил саҳнидан,
Кулги борки, бир ҳазил лан юз даво беморига.
Бўл диёнат лан кулувчи серфаросат Деҳқизи,
Кулги борки, умрибодин бахт этар дилдорига.

ПОЕЗДА

Мунчоқдайин бўй чўзган поезд кетмоқда,
Насиб қилган йўлчисин олиб элтмоқда.
Биров бормиш бахтига қувончлар қучиб,
Биров қисмат дастидан бориб қайтмоқда.
Тоқат тоқи илҳақдир висоллашишга,
Ҳажр йиғлаб кимландир умид битмоқда.
Биров қилган гуноҳга савоб элтармиш,
Биров боргач кимнингдир ойи ботмоқда.
Йўл побуди кимларнинг топган-тутгани,
Биров пуллар туғдириб бориб етмоқда.
Йўлсиз йўлдан саргардон алла қайсиси,
Умидини ўлдириб, кулар ким сохта.
Вагон ичра вафою ҳажр ёнма-ён,
Билдирмасдан аллаким қонлар ютмоқда.

Олим билан золимни фарқ қилмас ҳеч ким,
Шул сабабдан қайси қўл чўнтак титмоқда.
Ёмонлардан яхши кўп, кўрқма Дехқонқиз,
Омон-эсон борганни гуллар кутмоқда.

АНДИША

Мудом андишалик бўлган ақл зукко,
Қилиб обрўга посбонлик бўлар зебо.
Ғуборсиз дил абад озорга йўл бермай,
Илиқ сўз нурларин тоблаб ясабдир моҳ.
Чиқиб қолган маҳал янтоқ ўсар йўллар,
Пойандоз айламиш андишадан доно.
Тасодифдан дейилган сўз депинтирса,
Узрнинг тафтидан кўнгил очар раъно.
Қизиқ тандир асил нонларни ташлайди,
Юракнинг заҳридан кулганда бир иғво.
Ўзандан оқмаган сувлар қилар вайрон,
Ҳазилдан зил чиқарган келтирар ғавғо.
Фаросатсиз қовун ташлар маҳалларда,
Букиб бўлмайди Ҳақнинг соясин асло.
Йўлинг андишадан оқ бўлди Дехқонқиз,
Ҳаётнинг мактабин доим қилиб ҳамро.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Диёнатдан қиём ўнганда даврондир,
Камолот неъматин берганда бўстондир.
Заковат ёғдусин истар узоқ йўллар,
«Гадо одобидан ҳурматда султондир».
Ҳаёт тўлқинларин кўрган адашмайди.
Қайиқнинг лангарин тутгувчи сарбондир.
Чинор улкан ўсолган ер—тўкис маскан,
Айиргач илдизин у—кўрки пайҳондир.

Эшитган ўлчовин тиллар баёнлайди.
Мукаммал сунъийин кийганда вайрондир.
Олов ҳар ерда ўз дардин тутун айлар.
Идиш дарз кетса, сувнинг изми ҳижрондир.
Гуриллар кўп тикандан бир чўпак афзал,
Қуруқлар шалдирар пайтларда сўзондир.
Билим уммонидан гавҳар топар сузган,
Ишончлар ундиролган боғда боғбондир.
Ёритсин ҳақлилик умрингни Деҳқонқиз,
Ҳақиқат ҳар маҳал жонингга қалқондир.

ТАБИАТ

Экканин ўрган табиат, қайталаб куртак белар,
Чўнг курашлардан ўтиб у, мангунинг умрин улар.
Ҳар ишин мўъжиза этган Ҳақлигин исботлатиб,
Илк баҳор кўрк базми бошлаб, қиш маҳал оқ гул
элар.

Улғайибдир навзбардаст оғушин айлаб бешик,
Илдизин ҳурмат қилолган аслидек илдиз бўлар.
Ўт чиқибдир тошни йиртиб қўллагачдан қонуни,
Ҳур табиат қарзи унғач, бурч ўтаб сўнгдан сўлар.
Олға босмас ортда қолган, наслидан мажруҳ ясаб,
Навбаҳор қайтиб экар пайт, сохталар унмай қолар.
Атридан аввал тиканлаб, гул қўрибдир ғунчани,
Мен табиат нақшиман деб, турфа гул кўнгил силар.
Кенжасин айлабди инсон, ул сарафроз орзулаб,
Қадди тик бўлганда ҳоким, энди унга шарм тилар.
Сув – хазина, ерда олтин, соф ҳаво қадрин билинг!
Ҳимматин роз айлаёлсак, борчилик мангу бўлар.
Бил табиатнинг китобин, ҳақталаб Деҳқон қизи,
Қалби пок инсон ҳамиша ҳиссасин қўшғач олар.

БИРГАЛИК

Қил бириккач, шайлатибдир гул камар,
Биргаликдан жон ато айлаб зафар.
Ҳар дарахтдан кўркли япроқ барқ уриб,
Букри илдиз меҳнатин этмиш самар.
Бир-бирин ўйлаб оёқ ташвишланиб,
Қўл билан бир иш учун қилмиш ҳашар.
Хас-хашак ҳам зич бириккач қалъадир,
Якка қўл ювмай чайишгач ҳам кўнар.
Икки тифсиз қайчилар кесган эмас,
Панжалар тўпланса мушт бўлгай хатар.
Лампадан шишам олингач дутламиш,
Қош урилгач, кўз қилар ундан ҳазар.
Бирлашишдан руҳланиб собитчилик,
Айри турган ҳар вагон состав бузар.
Биргалик айлар бутун Деҳқон қизи,
Кимлигинг кўзгусидан ташлаб назар.

ҲУНАР

Ҳар ҳунар кенг давра тутган бир жаҳон,
Чашмадек битмас-туганмас зарли кон.
Илдизин тош мағзидан ҳам ўтказар,
Қилни қирқлаб тилкалар тутган замон,
Бир уқувдан минг сулувлик ундириб,
Қор қаловин ёндирар истатса он.
Мис тирилгай дастидан олтин бўлиб,
Тош ясабдир даста гул ул берса сон.
Рафаэлу Эйнштейн ундан униб,
Ўрганишнинг мевасин этган аён.
Жоду ҳам тортиб ололмас жабҳа у,
Санъатин эл севса у соҳибқирон.
Ҳар ҳунарнинг гашти бор Деҳқон қизи,
Бахт эрур ҳиссанг бўлар пайт армуғон.

ФАРҚ

Мавжудот аслий мураккаб, ҳар яшар сиймода фарқ,
Сиртидан ўхшаш бўлиб ҳам мазмуну маънода фарқ.
Рафти кенгинг бағри кенгдир, бир бутун дунё си-
ғиб,

Ман—ўзин ўз айлаганда, манману танҳода фарқ.
Ким гўзал этгач нигоҳин, тез кўрар нуқсонни ҳам,
Хушсухан енгил эмасдир, у деган буррода фарқ.
Ҳурмату иззат самолар чоғ хушомат ер ўпар,
Эл юкин енгиллатар лан, элга юк яллода фарқ.
Кўп кулиш кўп сувга ўхшар, дастидан гуллар қуриб,
Ҳар мусаффо дил куларда, гул очар дунёда фарқ.
Кўнгли тўқда сохталик йўқ, фарзу суннат у билан,
Сўзни сархуш этса ҳушёр, дарди дил пайдода фарқ.
Ким яратди ўз-ўзину, нобут айлар ким ўзин,
Чунки гулзор айниган чоғ, гуллаган раънода фарқ.
Кўз кўролмас бўлса баъзан у қадар нохуш эмас,
Дил кўролмас бўлса Деҳқиз, у ясар ғавғода фарқ.

КЎНГИЛ

Суйса толеҳ, гул очаркан бахтли кўнгили боғида,
Асратиби шаффофи жаҳонин доимо ардоғида.
Бонг уриб янграр оҳанглар, бўлса диллар пурзиё,
Эл севиб қилган ишончдан нур кўриб ҳар ёғида.
Яхти дилнинг нури бирлан бошқа диллар ҳам ёруғ,
Дил чироғин ёқмаганлар тонг кутар мудроғида.
Боссалар кўнгилини кўрмай, у ҳувиллар бўш қолиб,
Ким кўмар пайт унга дардин, ўт уфургай оҳида.
Дийдасин тошдан ясатган — битта сўз лан ўлдирар,
Нобакор кўнгилини йиртиб, судратар янтоғида.
Дил туманлар ичра қолмиш, бевафолар учраса,
Қалби нозик бўлди биёмил, бефаҳмининг доғида.

Коса ичра нимта коса бор мудом кўнгил аро,
Кўрсатиб бўлмас жароҳат чандиғин қирғоғида.
Ҳеч очиб бўлмайди Деҳқиз, барча дилнинг
дафтарин,
Сен калит топсанг очарсан ўз дилинг чорбоғида.

Э, ДУНЁ

Э, асов дунё, ҳамеша сирлисан,
Гоҳи поку, гоҳи беҳад кирлисан.
Эрklarимни танғитиб арқонингга,
Олға бос — деб ҳеч тинимсиз туртасан.
Ҳар балога пеш чиқиб борсам агар,
Бу кўтармиш деб тағин юк ортасан.
Ҳеч поёнинг йўқ эрур ғурбат аро,
Нуқта қўймай, тўхтамай тез йўртасан.
Аччиғинг кўпроқ ширинлардан кўра,
Қалби нозикларга бурнинг артасан.
Митти гавҳар тоғидан қимматмиди?
Орзию армонни нечун қортасан?
Менда қарзинг қолмаган э, нобакор,
Не учун кўнглимни ҳадсиз йиртасан?
Панд беролмайсан, бу Деҳқиз тез кўрар,
Ростини айтсам шу дам овахтасан.

НЕВАРАМГА НАСИҲАТ

Ҳаётнинг гулшанин ёшлик намо айлар,
Жамолин кўрсатиб ундан жило айлар.
Баҳор вақтинча-ю, эслаш умрбоддир,
Келарнинг маҳсулин шу пайт баҳо айлар.
Бугун эк, келмишинг кутган унумларни,
Умрнинг рангларин у дилку
Ҳаётнинг тўлқинин ёшлик беролмайли.



Сувин лойлатса ҳам селлар сафо айлар.
Вақтлар ўғрисин тан олмаган ёшлик,
Кўримсиз бир навин тиркаб асо айлар.
Ишончсиз ип билан ҳеч чиқмагин тоққа,
Сифатсиз экканинг ўнмай изо айлар.
Йўқотмас ўзлигин бахт топса камтарлар,
Саботин шайлаган қудрат ибо айлар.
Шаробнинг ҳирсидан қалбинг узоқ бўлсин,
Бугун шоҳ этса ҳам, сўнгдан гадо айлар.
Шошиб олдинласанг, ортингга боқ доим,
Тилинг тажрибасиз пайтлар хато айлар.
Келарнинг таъмасин кўргин шу кунлардан,
Муҳаббат хонадонин у бино айлар.
Фанимининг найрангин туйсин фаросотинг,
Қўйиб берганда у нас бенаво айлар.
Билим уммонидан гавҳар териб тўпла!
Бугундан бошлаган яхшинг хумо айлар.
Йиғолсанг Ҳақ сочиб қўйган жавоҳирни,
Аянг Деҳқизга хос жонин фидо айлар.

ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИ

Осойиш устидан чопмиш ҳаёт ташвишларин оти,
Аёлнинг жонидан метин намолаб қирпи имдоди.
Унинг гирдобидан чиқмай, алаксир умрбод инсон,
Юмиб кўз тишларин қисмиш, агар иш бўлса ношоди.
Ажинлар бостириб юзни туганмас бўлса ҳам ишлар,
Ёруғ, аммо чирой ундан келиб офтобли бунёди.
Ясатган бир чигит бирлан бобо деҳқон момиқ тоғин,
Музопотин гўзал этган у хил покликни авлоди.
Ишим—деб ғоз титиб балчиқ тиниқ сувларни
лойлатса,
Ўшал нафсим деган ташвиш—қадр қимматни жаллоди.

Эгиб бошин кетар эркан юмуш бирлан ўтар кунлар,
Қизиб хушнуд юрак ундан тарона бўлди ижоди.
Ҳаёт ташвиш билан обод, ишингсиз қолмагин
Деҳқиз,
Қоронғулар ёруғ ундан, бўлиб у бахтни исботи.

УМИД

Ҳаёт бир камлигин исбот этар ҳар бир умид они,
Ҳамиша сийпалаб алдаб, топар осойиш аркони.
Қиличлар ҳам чополмайдир умидларнинг тутар
мавқин,
Юракдан тоғ ясар бир пайт бўлиб дилларни хоқони.
Умрлар чун чироқдир у, ҳаёт чун бепоён офтоб,
Ирода майсасин кўргач, очар куртак боғистони.
Қийин пайтлар ҳимоят у ривожлардан кутиб омад,
Вафосиз келмаган чоғ ҳам юмолмас кўз нигорони.
Ўтай уммонидан қўнмай — дегандир қуш учар
пайтлар,
Ётар бетоб умид айлар, бўлай деб эл ҳукмрони.
Курашгандир одам доим эришмоқ чун умидларга,
Бўлиб ҳам жизғанак гоҳо давом айлайди паймони.
Умид жонин иродангдан топар ҳар ерда Деҳқонқиз,
Қўлин чўзганча қолмас эт, бўлолсин у ҳаёт жони.

ҲАЁТГА

Э ҳаёт, ҳар бир замоннинг аслидир дунёлигинг,
Бир нафас ҳам ортга қайтмай йўл топар танҳолигинг.
Айланар гардишда даврон, нуқта қўймай ҳеч
қачон,
Қанча ғунчанг гул очолмай кўрса ҳам
ғавғолигинг.
Саҳна бўлдинг умримиз чун рой билан рол ўйнатиб,

Эскилик битган заҳоти, янгидир пайдолигинг.
Чин кураш кўрдим ҳамиша сув тешардек тошини,
У муқаддас гоя тутмай, ҳақ эмас барполигинг.
Гоҳ ақлдордан гўзалсан, гоҳи нодон айш этар,
Ўрта ақлим сиғдиролмай, изладим гуёлигинг.
Ҳар одамнинг мавқи олам, ўрганар салмоғи бор,
Сенга боқмай ўтса кунни, кўрсатар маънолигинг.
Хасдайн сузсам билолмай, Деҳқизингдек чалғидим,
Кемасин бошқармаган деб, айб қўяр донолигинг.

ИНКОР

Бахтлимиз деб бонг урурмиз, ҳамма тенг рағбатлими?
Нур таратмас бўлса иқбол, барча ҳам тик қадлими?
Доимо кўнгил ғижимлаб турса бир шимилдириқ,
Тўю-байрамлар аро ҳам хаста дил роҳатлими?
Кун сайин ўтгач асаблар йўлни қил кўпригидан,
Бол сухан чиққач заҳар еб, у мудом ҳикматлими?
Ёпса ҳақ чачвон-паранжи, чин адолат қайдадир?
Қишни кечмай келса кўклам у сифат навбатлими?
Баъзи бирлар индамасдан толе деб заққум шимар,
Ўз ичинда илдиз отган шўр қовун лаззатлими?
Нечта ёлғон битта ростин айлагач тинтув мудом,
Тилга қалққан сўз дейилмай ўлса у жаннатлими?
Деҳқизо, хўб билки боғинг гулламасдан мева йўқ!
Аввало илдиз кўкармай, барг яшил сийратлими?

МАСЛАК

Эътиқод ҳар бир одам чун умрибоднинг лангари,
Шахсию номин намолар ҳар кўнгилнинг гавҳари.
Минг бир ўқ отган билан ҳам ўлдиролмаслар уни,
Ранг бузилмас бастидан ҳеч, ювсалар ҳам минг сари.
Ҳеч қачон қўрқмайди у шер, кўргулик тўлқинласа,

Ўтга кирмиш Карбишевдек бўлса даркор кезлари.
Ҳақ-ҳақиқат бўлса маслак, йўқ қилолмас девли ҳам,
Тегса гар бадбин тикони, кескир ўлмиш ханжари.
Оссалар туҳматни тиркаб, майсалайдир дор таги,
Чунки у офтоб сиёқлик барҳаётдир нурлари.
Деҳқизо маслакда пишсанг ўз элинг чун жон бериб,
Ғоясин туғ айлаган деб, айлашар эл дилбари.

ҒУРУР

Бахтлидурман, юлса ҳамки нас уруш пешонами,
Юлқиёлмай қолди ғаддор дилдаги дурдонами.
Ўрталаб ўтдим ҳаётнинг катта чангалзоридан,
Ҳар депинтиргич тўсиқдан ҳатладим йўқ деб ғами.
Тобланиб юрдим оловлар ичра ҳам бардош бериб,
Тақдиримга қарши бордим, таркламай хандонами.
Тегдиролмай қолди гардун, қанча кессак отса ҳам,
Қўл узатган пайти куйди, кўрмайин сузонами.
Бол талаб қилдим илонлан мен бўлиб Зебинисо,
Кузлигим ҳам гулбаҳордек гуллатолган сийнами.
Ҳеч унолмас бахтни экдим сабридан кўчат олиб,
Эгди бош қаршимда толе, дош беролмай кўллами.
Тоғ чиқолмайдир дилимнинг чўққиланган саҳнига,
Бахти йўқ бахтдор бу Деҳқиз, топмасам ҳам ҳиссами.

ҲАЁТ РАНГЛАРИ

Аслидан турли-тумандир барҳаётлик ранглари,
Ҳамма чун ҳар хил намолаб, ранг-баранг оҳанглари.
Оқ эрур доим ҳақиқат барча турлар олдида,
Сохталик афтин бўяб ҳам, нақдидир найранглари.
Беғубор чин эътиқодлар ранги асло ўчмайин,
Макр илан юргучиларнинг бездираркан чанглари.

Ҳар табассум нури офтоб, гар тиниқдан чиқса у,
Севги лан нафрат қўшилса, бедаводир ранглари.
Хилма-хил кўз ёшда ҳам ранг, гоҳи оқ гоҳо қора,
Ўғли келган онажоннинг йиғлаши-гижбанглари.
Ким бўтатса асли рангин бетайинлик ахтариб,
У қизил қор истаганда ёғди толе санглари.
Тарсагим лан юз қизартдим дўсту-душман олдида,
Жавдироқ дийдамда бўлди ҳақлигин порсанглари.
Орзулаб оқликни Деҳқиз, нимқаролар ичраман,
Бошқа ранг пайванд этинглар, босдику харсанглари.

ИСТИҚЛОЛ

Тоғдек улкан эрк елкалаб шонли истиқлол келди,
Қўлтиқларин лиқ тўлдириб нурли истиқбол келди.
Исму жисмин яратгандир эътиқоду ишончдан,
Офтобида муз эритиб, исталган иқбол келди.
Алдов қуршаб сарсон кездик етмиш йиллаб қул
бўлиб,
Темур бобом руҳи қўллаб озодлик яққол келди.
Тош чизикдан чиққанларни кутар эди ҳалокат,
Бахтга зорлар шукур денглар, заволга паймол келди.
Ўша фирқа бўяганди қизил қон-ла ҳақ афтин,
Ўзликларин йўқотганга хижолат аҳвол келди.
Ўзбегимнинг кенг феъллиги кетмас давлатли бўлди.
Яхшилик эк, Деҳқон қизим, ниятланган ҳол келди.

О, ШЕЪРИЯТ

Гоҳ ёқиб, гоҳо тутатдинг сен мени о, шеърият.
То Увайсийдек чиқишни ушбу кун қилдим ният.
Ул паранжи ичра эрди шармларин кўрсатмайин,
Мен уялсам не қиларман, ўзгинанг бергин мадад.

Юз ибo бирлан кирувдим гулшанингга барг бўлиб,
Қайчилаб кестирди шўро жилла қилмай марҳамат.
Каттакон харсангни ташлаб, ёпди у чашмам кўзин,
Қайтадан илҳом булоғим оқди айлаб оқибат.
Кўкламим нобудга учраб, куз куним келган бугун,
Сен сабодек сийпасанг ҳам, ёзмасам бўлмам сиҳат.
Мисралар карвони хил-хил қай бирин ёзсам экан,
Дилда исён айлаган сўз унга излайдир сифат.
Деҳқизо бош кессалар ҳам, илдизим боз ўс деди.
Қулф солиқ юртим арузин айлагайман ҳуррият.

ҚИЗЛАР ГУЛЗОРИ

Сарви қизлар давралабдир боғ Эрам гулзоридек,
Ранг-баранг, хил-хил муаттар гулчининг бозоридек.
Гулсанам, Гулчеҳра, Раъно, Гулбадан, Райҳон, Гули,
Лола, Гулнору Гуландом гул чаман зебзоридек.
Ўсма сиққач Гулбаҳорхон, Наргис олди кўзгуни,
Ойна ҳам лол эрди унга, севгининг иқроридек.
Гул тақиб олганди, Гулруҳ, ой юзин гул искалаб,
Бахтигуллар сўйлашарди андалиб гуфторидек.
Гуласал хиргойи қилса, Гулшаной жўр янгради.
Нилуфар шох ташламоқдан бўлди куй алёридек.
Кўзларим нурларга тўлди, бир қараб бу даврага,
Бўлди Деҳқонқизга илҳом дастагул дасторидек.

СЕНСИЗ

Доим хаёлим вайрона сенсиз,
Сайру чаманлар сўзона сенсиз.
Кулбам аро ҳам бўлдим адашган,
Кошона бўм-бўш ғамхона сенсиз.

Гуллар сўлибдир чарчаб кутишдан,
Еллар бўлибдир девона сенсиз.
Гул боғи — саҳро, қишдир баҳорим,
Тонг отмагич тун, зайрона сенсиз.
Кўнглим фиғонин тошларга урмиш,
Унсиз ёниб жон гирёна сенсиз,
Кўнгил узишчун етмай мадорим,
Деҳқизга дунё бегона сенсиз.

ТУНГИ ДАРД

Ухла — деб сурим ғичирлар, на қилай дард қўймаса,
Беовоз фарёдларимдан, дарди ҳижрон тўймаса,
Кетди фикрам лан хаёлим, зим-зиёдан кўрқмайин,
Тун қаро кўйлак рўмоллаб, мен учун тутган аза.
Ястаниб дунёни бўм-бўш ашкими шудринглатар,
Сийпалаб алдар сукунат, не қилай дил хунласа.
Тоғ ошиб, дарёни ҳатлаб, бош олиб кетгим келар.
Тангридан тадбир сўрайман, кошки раббим тингласа.
Тақдирим эзмиш ғижимлаб, орзуми айлаб гадо,
Қолдириб туннинг тубинда найлайин бисмилласа.
Деҳқизо, тўлғанганимни кўрсанг эрди ушбу тун,
Дер эдинг «Парвардигорим кошки раҳмин йўлласа».

ТАБИАТГА

О табиат, жумла олам топди бағрингдан мурод,
Жонлию жонсиз баробар онажон, дер умрибод.
Бир саховат айлаганга қайтарурсам юз қилиб,
Оғушингда кўрди даврон боумид ҳар бир ҳаёт.
Қаршиликлардан яратдинг бу жаҳон бунёдини.
Сен билан дунё гўзалдир, сенла олам топди тот.
Эскириб қолганни доим янгилаш олий ишинг.

Режалик корхонадурсан, турфа хил айлаб ижод.
Сен билимлар чун хазина, шоҳга ҳам дарвешга ҳам,
Формуланг қонун жаҳонга, этмасанг ҳам тарғибот.
Гоҳ қулу, гоҳо хўжангман, мен бўлиб Деҳқонқизи,
Ўрганай қудратларингни, сенга боғлаб эътиқод.

МАНИ

Эй нигоро, не сабабдан норизо этдинг мани?
Севдириб бўлгач юмиб кўз бенаво этдинг мани.
Кўркларин топмайди бағрим, серхазон чорбоғида,
Синдириб кўнгил гулимни қад дуто этдинг мани.
Ағнаган бағримда тоғим сен хиёнаткор учун,
Ботдириб севгим куёшин, дилсиё этдинг мани.
Дор ясаб осдинг сочингдан, раҳму шавқат қилмайин,
Сўндириб умрим чироғин, бедаво этдинг мани.
Тун қорайган оҳларимдан, тонг отолмай қийналиб,
Дил баҳорин қиш намолаб бир бало этдинг мани.
Куйганимдан босди куллар, барча Деҳқиз манзилин,
Масканин излар гадодек Мосуво этдинг мани.

АТИРГУЛ

Булут йиғлаб, чаманнинг кўрки жилмайди,
Кулиб ғунчам муаттар чехрасин чайди.
Қизил гул барқ урар шиввот сепар сувдан,
Узар бўлманг кейин пайванд қилинмайди.
Сўлумнинг тақдирин қўллаб замин жонбоз,
Топар ўз бағридан ранглар сўрар пайти.
Атиргул тегма, деб кийган тикандан тўн,
Севиклинг айтди, деб узсак суқилмайди.
Ўрин қарзин берар куз пайт тўкиб баргин,
Баҳор келгач тагин Деҳқон қизим байти.

ГУЛБАҲОР

Гул қучоқлаб келди анбар Гулбаҳор,
Дов-дарахтлар тақди гуллардан тумор.
Юз ювибдир ғунчалар шиввот билан,
Боғда унган мисли оташ лолазор.
Майсадан солган гилам пасту-баланд,
Шўх сабо чун айлатиб кўркин виқор.
Чок очар пайт ҳар чечак ўз кўксидан,
Гулни ҳуснин этди булбул ифтихор.
Турнамиз соғинч ила келмоқда деб,
Шилдираб оққан булоқлар бахтиёр.
Уйғотар ухлоқни ҳам ялпиз ҳиди.
Наъматаклар дилни айлар сабззор.
Ерда ранглар басма-бас айлар маҳал,
Лола сайрин кўнглимиз айлар хумор.
Ниш урур бағрингда ишқ Деҳқон қизи,
Пайкалин кўрсатса шу чоғ пахтакор.

ЁЗ

(пейзаж)

Табиат бурч ўтар муддатни ҳамкори,
Қуёш нурын камоллатгич фидокори,
Бу йил ҳам у келиб сандиқларин очди,
Бўлиб ёз яйрамиш дунёни зебзори.
Дарахтлар мевасин тафт бирла тўлдирди.
Тўшакдек ер — талай неъматни омбори.
Азим боғ баҳрасин шаббода сийпайди,
Дейиш чун ранг етишмас катта гулзори.
Сўлимлик сўрилан қўл ушлашиб тоқлар,
Қизир у гўшадан дўстларни гуфтори.
Беҳиштнинг қўшнисин менгзийди ҳар маскан,
Ёвондан янгралар қизларни алёри.

Томоша айлагин тунларни Деҳқонқиз,
Ҳовуздан сузса юлдузлар чаманзори.

ПАРИШОНЛИК

Ғуборин чайқалаб кўнглим, бино айлатди тўзонин,
Деярли тасвирин топмай, кўрибман оҳли ўзонин.
Этиб гунгурт совуқ бўшлиқ қоронғу қилди хонамни.
Тутун ўрлаб олов топмай, қидирмиш мен паришонин.
Руҳим ўтганми ўтмишдан ва ё қирқинчи йиллардан,
Муҳаббатнинг хароботин кўриб эсларму ҳижронин.
Сувимнинг лойқасин ковлар-кесак отганми ортимдан,
Ва ё тирқиш аро писгич — заҳар этганми хандонин.
Дилим гулзоридан бўрон ўтиб кетганга ўхшайди,
Келиб-кет шу маҳал Деҳқиз топайгин онни тобонин.

КИТОБ

Китобнинг нурлигин англаб, дедим мангу зиёдир у,
Қуёш тафтин дилимга жо этолган бебаҳодир у.
Мулоқот айлатиб бир-бир Навоий-ю Увайсийла,
Тафаккур ғиштидан бунёд этилган зар бинодир у,
Очиб фан сандиғин ҳар гал, ҳаётнинг компасин берди.
Асрлар ҳатлатиб келган, улуғ диддан гувоҳдир у.
Тутиб идрокни кезган чоғ, малоҳат мулкидан ўтган.
Қоронғумдан олиб чиққич забардаст жон фидодир у,
Кичиклар раҳнамо дер пайт, улуғнинг дўсти деб
билдим,
Мудом ёлғиз учун ҳамроҳ, сўралган муддаодир у.
Усиз ухлаб ётар кўнглим, ўқиб чиққанда уйғонди.
Ҳовуч тутганда ҳар идрок, тўлатган дилрабодир у.
Улуғбек юлдузин кўрган у айтар ҳар сатр Деҳқиз,
Сузиб дарёларин ўтсанг, этиб гавҳар вафодир у.

КУЗЛАР

Акс этиб оламини кўзлар хилма-хил маъноланар.
Дилда борин ойна айлаб, бир бутун дунёланар.
Ҳар қараш салмоққа монанд кўрсатиб рухсорини,
Илму-урфон унда нурдек жилмайиб ороланар.
Ёғдудор соғлом қарашлар ўз кўзин шаҳлолатиб,
Эҳтиромлик дидла боқмоқ, ҳар маҳал зукколанар.
Кўзга кўз тушган маҳаллар — сўзга ҳожат қолмагай.
Айтганин тасдиқламас кўз — анчайин ғавғоланар.
Пок ҳақиқат кўзга қувват, жаҳли бор кўз ўқлидир,
Дил кўзин юмганда бир шон, шу маҳал аъмоланар.
Ерга боққач Сарвинозхон минг ибо маъно этиб,
Унга боққан содда Деҳқиз жилмайиб шайдоланар.

МУҲИТ

Бўларкан ҳар муҳитнинг ўзга бўстони,
Бироқ ҳар ерда бўлмас хайри хандони.
Турар у тортишиб магнитли майдондек,
Одамлар кўнглидан ўрлайди паймони.
Баҳордек дилрабо, порам, ифор бир жой.
Адоғин кўрсангиз ғурбатни ўзони.
Ёруғлик бўлмагач, қинғир кўринмайди.
Адолат бўлмаган ер — элни армони.
Қуёш ранглари бўртар пайт ўчар сунъий,
Тиниқ фон — доғ тутишнинг бўлди қопқони.
Қамарнинг қимматин билган – булут суймас.
Ҳукмрон бўлса робот — жонни вайрони.
Жавоҳир пок диёнатдан ололмас бож,
Қаровсиз ҳар қозон — итларни достони.
Ёруғлик қадди рос шамдан деган Деҳқиз,
Ҳалоллик жовидоннинг мангу даврони.

МУҲАББАТГА

О, муҳаббат, сенга боққач, мот эрур бу дийдалар,
Ўз дилоромин сўроқлаб, ўртаган, жон қийналар.
Иштиёқ минг изтироб лан ўт ёқар кўнгил аро.
Оҳларин айлаб тугунчак, маҳлиқолар зайралар.
Кўкда ой бўлсанг нетар у, кўл етолмай сенга ҳеч,
Ҳиссиёт бўйсунмагандан, бўлди туйғу телбалар.
Ҳар умрнинг кўркли онин банд этар ғурбатларинг,
Гоҳ маҳал ундан харобот ундирибдир сийналар.
Тунда ҳам илгин чўзаркан кўз юмуқ ҳолатда ишқ,
Тўлқининг лан қилма фарқ деб, чора излар гирялар.
Бўлмагин гулдек вафосиз, ё ўтиб кетгич баҳор,
Унмасин ҳеч бир юракдан бағри доғлик лолалар.
Севги берсанг ё Худоё, шайлагин севгични ҳам,
Бўлмасин бечора Деҳқиз, у учун афтодалар.

ИБО АЙЛАБ

Юзин кўрсатди Ойчўлпон ибо айлаб,
Тутар гулдастасин ортин паноҳ айлаб,
Ёноғин лолазорлатган баҳоратдек,
Сўлим ол гулсимон ҳуснин намо айлаб.
Боқолмас у нигоҳимга адиллик лан,
Малакнинг ҳуснидек кўркин ҳимо айлаб.
Кўринмасдан очилган ғунчадек лаълин,
Кўрар гул шарм этибдир кўрк бажо айлаб.
Кўнгилнинг дарчасин чертар табассуми,
Юраклар ўйнатадир нимнигоҳ айлаб.
Насим янглиғ эсиб бағримда маъсуми,
Дилимнинг доманин тортар сабо айлаб.
Ҳаё бирлан севар бўл, сенда Деҳқонқиз,
Кўшар у ҳуснингга ҳуснин жило айлаб.

УРУШ НИМА

Вабодек бостириб келгач қабоҳат,
Ювилмиш қон билан бахту-саодат.
Заминнинг бағридан ўқлар визиллаб,
Қабрсиз мурдадан айтар ривоят.
«Болам» лаб йиғлагач эл бағри қақшаб,
Учар қуш ер қучиб излар ҳимоят.
Бешиқдан кўкрагин узмай келинчак,
Умрнинг риштасин айлар ниҳоят.
Баҳорин бошлаган жонлар хазонлаб,
Юмилмас кўзларин этган ваколат.
Совуқ бўш ўр симон қолган юракдан,
Аламлаб аждаҳо буққан жасорат.
Титилган ер мадор топмай боқишга,
Чидолмай турфа жон топган ҳалокат.
Уруш ўқдан ясар йўқлик ҳамиша,
Ҳаётнинг эзгусин булғаб аросат.
Талаб қил, тинч ҳаёт Деҳқон қизингдек,
Урушлар даф бўлиб, балқсин ҳаловат.

1945 ЙИЛ 9 МАЙ

Гул очилган идни қутлаб, кулди бу йил гулбаҳор.
Чеҳрадан шодлик уфуртиб, ёрни кутмиш ҳар нигор.
Бир тепиб очдик бугун биз нас фашист дарвозасин,
Чанги чиққан муттаҳамлик энди кўрмайдир барор.
Кантарий бирлан Егоров Рейхга ўрнатгач ялов,
Нур ёпилган зим-зиёлик бўлди ундан шармисор.
Қайтди тандир лан ўчоқдан бош олиб кетган олов,
Орзумиз эккан чаманлар энди бўлгай сабззор.
Кенг жаҳон қойил қолар пайт, бонг уриб бердик салют,
Шодлигимдан кўзда жўшқин ёшларим бўлган қатор.

Ҳар макон хушнуд зафардан ким кулиб, ким йиғлаган,
Тимқора хат ушлаганлар дод солишган беқарор.
Ёт разил топмиш насибин хун сўраб Деҳқонқизи,
Ушбу хун Гитлерга дунё бўлди манзилликка тор.

ҚИШ

Қиш келиб оқлиқ ёпар йил бошига,
Олганин қўшмоққа даврон ёшига.
Маврудин мардлик синаб ўтказди у,
Офарин деб арчанинг бардошига.
Илк яшиллик деб ясантирдик уни,
Тўй ясаб тўйдирди тотлик ошига.
Қорбобомнинг ҳимматин кўрдик баҳам,
Ётказибдир тортиғин жон бошига.
Қор қалин ёғгач аёз нордон экан,
Тўн ёпайлик қор бувим қардошига.
Пар ёғиб майдонда оқ парқулагач,
Қорбобом қўйган уюб ёнбошига.
Қиш нуфуздор чоғ экан, Деҳқонқизи,
Куч йиғар у кузда хирмон чошига.

ТОНГ

Гўзалдир ҳар наҳорнинг тонгидан бўстон,
Чаманнинг кўркидан булбул ясаб достон.
Чечаклар тебранар ҳолсиз қаддин ушлаб,
Келар деб ғунчадан бол излаган меҳмон.
Муаттар елди боғчамдан сабо эсгач,
Олиб кетмай туриб райҳон ҳидин обдон.
Чапак чалганда япроқлар этиб олқиш,
Гулимнинг пардасин очган экан паймон.
Сочилгач марварид сочқу—зиллол шудринг,
Кўкатдан йўқ бўлибдир шу маҳал тугён.

Дилим тўлқинланиб тонгдан олар қудрат,
Десам ўйноқлашиб ашъор бўлар хандон.
Юракдан тонг отар этганда Деҳқонқиз,
Атиргул шодланиб гул тутқизар шодон.

ЮРТИМ БАҲОРИ

Келди кўклам юртни айлаб сабзазор,
Кийди зумраддан либосин ҳур диёр.
Қўрадан ҳам қутли куртак бўртиди,
Чаппар урган олчалар чун боғча тор.
Тақди маржон ҳар дарахт он ҳуснидан,
Кокилин ўрдирди толлар ҳар наҳор.
Турналар бўлганда «Арғимчоқ — гилам»,
Бойчечак айлайди таъзим бахтиёр.
Файз тараб елганда қалдирғоч саси,
Боларим мушкин сўроқлар беқарор.
Кўк пойандоздан юриб, кўклар кўнгил,
Дамба-дам ёмғир ёғиб ювгач ғубор.
Ўзбекистон навқирон бўлган бугун,
Экди Деҳқонқиз бу кўркдан эзгузор.

ШОҲИМАРДОН ЁЗИ

Аслидан мангу баҳорат Шоҳимардон ёзини,
Ҳур келинчакдек мулойим баҳрадор андозини.
Кўку-оқ сойларни базми маст этар хиргойилаб,
Басма-бас сайрар булоқлар дилнавозлаб созини.
Кўкка бўй чўзган чинорга таъзим айлар толлари,
Боғу-роғ, гулбоғу гулшан кўрсатар қийғосини.
Беллашар харсанг билан сув олмалар оққан замон,
Сув ичар шаббода ундан сийпалаб оросини.
Тоққа тирмашганда офтоб, туш бўлар чиққунгача,
Бунга дош бермай булутлар ёғдирар шарросини.

Тунда юлдузлар чарақлар зарга буркаб нукрасин,
Тонгда булбул хонишидан гул ясар пардозини.
Тоғ этаклатган маконда дам олар бўлганда ким,
Алла айтиб сою-шовва эслатар сернозини.
Йўл тушиб борганда Деҳқиз, бўлди Мажнун ҳолати,
Тоғма-тоғ сакраб кийикдек излади Лайлосини.

ГАП

Дейилган жумламиз ҳар чоғ камолотнинг
либосидир,
Билиб ўрнин кийинтирсак у обрўнинг асосидир.
Меҳр бирлан муҳаббат ҳам унинг лан воясин
топган,
Шифо бўлганда у дилга, мулоқот заршуносидир.
Қуролдир у ғаним суймас ва элдан эътибор тергич,
Азиз дўстлар йиғилган чоғ, умрнинг эҳтиросидир.
Унингсиз ҳақ ололмайди ҳақиқатнинг насиби ҳам,
Суyoқ айтган маҳал ғофил, қуyoқ тинглаш қасосидир.
Кўпирган чоғ кўпикдир у, тояркан унга босганлар,
Фикр қилмай дейилган гап—ҳаётнинг эътиросидир.
Юмиб оғзин, қулоқ очган—муроду мақсадин топгай,
Тарози ўлчамай сўзлаш—одамликнинг аёзидир.
Чуқур сув доимо сокин, тиниқ бўл у симон Деҳқиз,
Дегач виждон кейин айтсанг, у оламнинг баёзидир.

ОЛАМ ДАРДИ

Ҳамма пок, соғу-саломат кўз очар олам аро,
Орзую-истакка монанд йўлни айлар муддао.
Бўлса гар даркор ҳарорат, бегумон ўсмиш ниҳол,
Воя бердирмас муҳитлар унга тутдирмиш асо.
Бош уриб ҳар ёнга чопгач, ноилож кўнмиш у шўр,
Энди у макру шикорин ўрганар қилмай ибо.

Мардларин номард кўролмас, дийдасиз бу гўшада,
Парчаланмиш ўтли ишқ ҳам, мавқи айлаб истило.
Ўғри ким, посбони кимдир, айри қилмас аркани,
Бир томони айшу-ишрат, бир томони можаро.
Билмайин қолмиш шошарлар—унда қалб олдирганин,
Туққанин ҳам тан ололмас, сохталик айлаб жило.
Ибтидодан интиҳога юрмиш у термочланиб,
Бўш кетар охирда қўллар вақт юборгач алвидо.
Деҳқизо, ёлғиз ҳақиқат у муҳит чун хос табиб,
Озуғин этсанг заковат, ҳақ топарди у фидо.

ОТАМ ХОТИРИ

Маконнинг устунин ағдарди гўл дунё,
Жаҳон бўм-бўшланиб сўнгансимон гўё.
Кўзин юммиш отам найлайки раҳм этмай,
Сахий хуршиду офтобин этиб анқо.
Ҳаётим боғининг боғбони йўқ энди.
Муборак ўрнидан ўсдирди мустасно.
Ўлимнинг нақдлигин ҳеч бир писанд қилмай,
Яшашнинг насясин ҳам суймади эвоҳ!
Адолат маънавий мулкин бажоларди,
Диёнат кўзларин доим кўриб рўшно
Умрнинг беклигин ғайратла бой айлаб,
Асаб чарсиллатар эрди бўлиб байзо.
Улуғбек излагач бахтин самолардан,
Заминнинг бахти эрди бул адаш сиймо.
Умрлик руҳламиш Деҳқон қизимсан деб,
Дилим деворидан расмин кўриб доно.

ХОСЛИК

Кўк дарахтдан ажраган шох — кўклай олмас қайтадан,
Илдизин ҳурмат қилолмас — бир умр топмайди шан.
Қовмидан ажралса мўрча — у ҳалокат топгуси,
Инламас олтин балиқлар, боғ ичин айлаб Ватан.
Хонадон бутдир вафолан, меҳри порлаб турса гар,
Ҳар юрак чўлдек ҳувиллар боқмагачдан сиймитан.
Кулгилар бор ерда тафт бор, ҳар табассум нур
қўшиб,
Гар саломат бўлса кўнгил, у берилган бахт экан.
Кечмайин жондан топилмас, бу жаҳон жононаси,
Бўлмагач пайванд юракка, сертикандир ҳар чаман.
Деҳқизо, экканни ўрдинг хос ишинг чун хос яшаб,
Қўлни-қўл ювганни кўргин, индамасдан бесухан.

ТУТАШЛИК

Ерда бор иссиқ-совуқлар бир-бирин тутган туташ,
Жонлию жонсиз қатори тенг ҳуқуқлик ганживаш.
Тўлдирар қонунни қонун ҳеч биров ёзмай туриб,
Дахли йўқ анқо асил ҳам барча борлиқлан бўташ.
Илдизин кўрмас-кўкармас, гар яшил у бўлсада,
Гул очилмайдир қуёшсиз этса ҳам минг жонни бахш.
Вақтни тутмай умримиз йўқ, юз аср турсакда биз,
Он кетар бўлгач сезилмай, кунга кундир арракаш.
Танга пайванд бўлмаган дил — мисли жонсиз
жонлидир,
Кўнглидан кўз ёши оққан — кўз билан айлайди шаш.
Деҳқизо, ер ушламасдан, минг асо қувват эмас,
Фикри кўрмай ҳайф бўларкан кўзни узмасдан
қараш.

СҮҚМОҚДА

Пейзаж

Дилимдан бошланиб мақсадни сўқмоғи,
Умидим кўзлаган ер эрди бормоғи.
Йўлакнинг икки ён ёнбоши зумраддан,
Туташган еридир ҳамриштанинг боғи.
Юзимлан ўйнашар ўткинчи шаббода,
Этақдан бож сўрар ўтларни япроғи.
Илон из йўлкадан сокин борар гавдам,
Хаёлим қайдадир сойларни ирмоғи.
Дилинг сўқмоқларин бир-бир кириб кўрдим.
Гумондир мен томон кўнглингни юрмоғи.
Чигалзор режайинг мендан нелар истар?
Саботим бошқаролмай қочди арқоғи.
Оловдек сўзларинг чўғлар солиб дилга,
Ияртмиш ушбу кун куйдирги чақмоғи.
Телиб дунёни васлинг деб борар Деҳқиз,
Ўзинг қўллаб юбор бахтимни солмоғи.

РАШК

Гунг чаён чаққан сиёқлик дилни этдим мосуво,
Оғриган кўнгилга ханжар ўқталибдир бедаво.
Бир ажал келтирса жаллод, рашк бериб минг бир ўлим,
Кўз ёшим оққан билан ҳам, даҳри ўт сўнмас бало.
Айрилиқ йўллар шамолдан терс алангам кучлаган,
Дил кабогим ўртанишдан лахча чўғ этган ато.
Бевафо ислоҳи вайрон айлаган бахт мулкини,
Жабридан унган тиканлар берди заққумлик жазо.
Тош осиб қўйган «босил» деб, тақдиримга у насоқ,
Тўлди бўстоним хазондан, бўлди олам зим-зиё,
Ўзга гул деб куй тўқибдир шоиринг Деҳқон қизи,
Гавҳаринг тошдек қадрсиз, чўкди гирдоблар аро.

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ

Сесканиб турдинг нечун битмай саҳар?
Бостириқ тушданми бу ё алҳазар?
Шўр КЮСО нолишин эслатдими?
Ёки Помпей энди қилганми зафар?
Архимед шаккоклигин дардлатдими?
Ёки бу қадринг билолмас чун ҳазар?
Силкиниб ҳайрон элим эҳромлари,
Имтиҳон қилдингми ё айлаб тўзар?
Тош тарақлаб, телбалардек сўзлади.
Субҳидам пайпасламиш кўзсиз хатар.
Англагач қалбимда вулқон портлади.
Ёлғизим аҳволидан мен беҳабар.
Хавф кемирган жисми зорим ўртади.
Жон онам ер эт нажотинг мухтасар.
Биз учун басдир ҳаёт чайқашлари.
Энди сен бўлгин онамдек сар-басар.
Халқу эл раҳмин егин Парвардигор.
Нон ва туз ҳаққин билайлик мисли зар.
Оқлайик Деҳқон қизингдек эвазин,
Гулсевар сатҳингни айлаб баҳрагар.

ҚИЁС

Изғириндан гулни асраб, тугди мўл жонбоз гилос,
Хайфи маҳсулдорни ҳоли, кўрди элдан инқироз.
Ходалаб калтак солар ким, тийралар ким кесагин,
Тош келиб текканда шохдан зирқираб зорлар овоз.
Барги тушган банди зайраб шум яшин урган каби,
Ўзгалардек ҳисса қўмсаб ахтарар у чорасоз.
Ёнда ўсган қайрағочлар даврининг айшин суриб,
«Синдириб нобутламанг» деб, унга теккан имтиёз.
Ойга ҳам дастин узатган, серрайиб тўймас терак.

У ўзин кўплардан устун ҳадли деб айлар қиёс.
Кокилин силкиб бу ёндан нозли мажнунтол боқар,
Барчасин савлат сиёқлаб, халқ учун неклик саёз.
Шу сабабдан парку булвар бир дарахт ёнғоққа зор,
Мевалик бўлганда қаддин тиклаёлмас ҳар асос.
Аввало, имон топиштир боғ экар Деҳқон қизи,
Мевахўр инсофли бўлгач, юрт бўлар эрамга хос.

МОМАҚАЙМОҚ

Сариқ сумбул эмиб тонгдан зилола,
Момақаймоқ бўлиб етмиш камола.
Қуёш деб қўл чўзибдир ҳеч ҳайиқмай,
Уюлган тафтидан йўрғаб ҳилола.
Ўтиб кетгич даврдан ҳақ олиб у,
Мадорсиз тебраниб рослайди тола.
Аламлик сел-суронлардан ўтар чоғ,
Жавоб айтар довул берган савола.
Баҳорнинг биттасин умр этсалар ҳам,
Унинг имконидан қолмас завола.
Сўниқ бир «пуф» билан исроф бўлар жон,
Келар кун аҳдидан айтар рисола.
Шамолнинг елпишин пойлаб момиқлар,
Учибдир мос ўрин излаб ниҳола.
Табиат қонунин Деҳқон қизим бил,
Унингдек фурсатинг бермай увола.

НОН

Ҳаёт равноқларин равшанлагичдир нон,
Одамзод ризқи ардоқлаб деган у — шон.
У бор жой доимо шодмону хуррамдир.
Муқаддас ҳимматин сизлайди дастурхон.

Чароғон қандилим ўрнин босолмайди.
Қуёшдек тафт тараб нурин эгар эҳсон.
Қатор турган машаққатдан ўтиб тўғрам,
Унинг ҳурматларин сақлайди ҳар инсон.
Тараннум айлаган тўйлар унинг фазли,
Унингсиз куйлаган куйлар бўлар нолон.
Ҳароратлик ҳадин Ленинград айтсин,
Ватаннинг гербидан буғдой деган дармон.
Қадимлар нон тутиб ичган қасам ростдир.
Жамият ҳақ этиб берганда у — виждон.
Муаттар бош эгар тандирда нон пишса,
Чаманлар анбарин айлар у деб қурбон.
Ушоғин асраган қалбан ушалмайди.
Жами нон ҳурматин билган сулар даврон.
Бошоқ бош эганин кўрдингми, Деҳқонқиз,
Мудом олқини олиб қуллуқ қилибдир дон.

ЙЎЛЛАРДА

Етди ўтмишдан келар йўл кўзлатиб имконини,
Қувлатиб йиллар у йўлдан топди лойиқ онини.
Доимий ҳамроҳ бўлибдир унга инсон толеи,
Гоҳи офтоб, гоҳи сертоб айлатиб давронини.
Ким заминдан, ким ҳаводан, қайсидир сувдан юриб,
Кимга учрар кўчки бўрон, ким сулар шодонини.
Йўл солиб космосга чиққан марду майдонлар бугун,
Баъзилар қисматга сўқмоқ айлаган паймонини.
Йўлда йўлдош дилкушодир, ёқса у дилдан чироқ.
Ҳар чигал тушганда дўстлик йўллатар дармонини.
Бахт келар йўлдан бораркан камтару серёғдулар,
Жилдироқ ирмоқ қурийдир, топмагач ўзонини.
Йўлда термочлаб уринмас серйўруқ Деҳқонқизи,
Соният етганда бир кун қилмас у армонини.

ИНСОН

Билиш хизмат бажо айлаб, яралган зарбидан инсон,
Тафаккур тил билан ҳамкор бўлолгач, яшнаган имон.
Бутун дунё сиғар қалблар экан ҳар қайси бир дунё,
Ўшал кўрдан қарар бўлган кўрибдир бахтидан
паймон.

Жавоҳир билмаган қиммат тегаркан дўст
билан бўлса,

Баҳосин билмаган чоғлар этар эл нархидан жилвон.
Заковат денгизин тубсиз деган ҳам гавҳарин топди,
Муаққат умридан сақлаб қатор мангу яшар дoston.
Муҳит айвонидан ғоя айирган пайти қалқон у,
Ўринсиз яхлаган кунлар бўларкан йўқ учун қурбон.
Тириклик бошқа-ю, яшнаб яшашлар бошқа
Деҳқонқиз,

Умр бурчин адо этган ясабдир лутфидан даврон.

БАХТ

Орзудан бошланди бахт остонаси,
Баркамол толе тилаб пешонаси.
Ҳар одамнинг қалби янглиғ шуъла у,
Гоҳ ёниб, гоҳ ўчди шўх паймонаси.
Гуллаган ҳар бир дарахт тугмас барин,
Режадан излар калит дарвозаси.
Ул фидокорликка ҳосил баъзи пайт,
Баъзи пайт кўрмай қолар парвонаси.
Ишққа бўстону, вафо даврони у.
Дил қуёшин порлатар шодонаси.
Бахт ниҳол бермас азиз эъзозга ҳам,
Ё заказ олмас унинг фарзонаси.
Ҳар ҳалоллик гулшанин этганда мулк,
Нилуфар ботқоқда ҳам нақтонаси.

Ўлчамас бўлганда у мезонани,
Кексарар пайт куйдирар сўзонаси.
Бахт сўрар бахтсизни хўрлаб нобакор,
Бахтининг қадрин билолмас баъзиси.
Бахт қўнар майдон адолат устидир,
Эътиқод бирлан ёниб нурхонаси.
Томға босмиш бахтларинг Деҳқон қизи,
Гар бўлолсанг сен унинг ҳамхонаси.

ЮҚАР

Дўстларим огоҳ бўлингки, яхшидан дармон юқар,
Ҳар мусаффо ҳур муҳитдан нурлагич имкон юқар.
Юзни офтобин яратмиш қалб аро турган қуёш,
Дарғазаб кўз кўрса кўнгил, чангидан тўзон юқар.
Қаҳ-қаҳам бўлгач самимий, бир жаҳон жаннат экан,
Нас кўролмай кулса писқам, оинидек пайҳон юқар.
Бир зериккан эснаган чоғ, саф бўлар эсноқчилар.
Йиғлаган ғамгинни кўрсак, бағридан нолон юқар.
Аҳли устоз юқтираркан рангидан шогирдига.
Ҳур шамол ўтгач чамандан, унга анбар он юқар.
Лойқа сув тушгач бўтайди ҳар тиниқнинг рангини,
Руҳият оқсар маҳаллар унга дард осон юқар.
Тингласак дилкаш забондан яйралар маънос кўнгил.
Суйса бепарво палаклик ортидан армон юқар.
Гоҳ сарин, гоҳ изғириндир кайфият Деҳқон қизи,
Қалбу-дил соғлом бўлолгач, нуридан иймон юқар.

ТАСАННО

Кўзим тушгач шоширган, жамолингга тасанно,
Унумдор боғ сиёқлик, камолингга тасанно.
Тўлин ойдек юзингдан бўлар равшан нигоҳим,
Ақл сатҳин оширган, саволингга тасанно,

Қадинг сарву, қўлинг гул, керак бўлмас безаклар,
Азалдан сурмасозлик, ҳилолингга тасанно.
Фурур берган баҳоринг, қишин келмас этибди,
Муҳаббатдан яралган, фаолингга тасанно.
Хаёлим сенда жонон, туним ўсманг сиёқли,
Очиб бағрим эколган, ниҳолингга тасанно.
Асир олдинг бутунлай, ўшал Деҳқон қизингдек,
Билинтирмай авайлаб, қамолингга тасанно.

КЕЛИНЧАК

Келин олдик шириндек сарви қомат,
Музайян ҳуснидан балқар латофат.
Меҳр дарёсидан дур ёнгли маъсум,
Қанотли қошидан ҳайратда зулмат.
Ғуборсиз оқ либос обдон ярашган.
Муродин буркаган бахту саодат.
Табассум айлагач нозик ибоси,
Вафо қатъийлигин айлар далолат.
Висолнинг файзидир ҳар бир саломи.
Диловар таъзимин зеблайди иффат.
Қизил гул ёнглидир хуш лаъли оли.
Суюк Фарҳоди чун у чин муҳаббат.
Узугу кўзсимон мосдир иковлон.
Баҳордек яшнаган бундан назокат.
Дедим олқиш асил ҳуснингга Деҳқиз,
Умрбод сен билан бўлсин малоҳат.

ТОШ

Қадимдан тош жиҳатдордир ясаб оқу-қаро корин,
Агар нек муштарий тутса, қилиб эш унга зебзорин.
Қаср кошонаи мумтоз у лан мангулатиб умрин,
Қаер у бирла вайрона намойишлашда абгорин.

Агар тошдек вафо этсак, муродин топди соҳиб дил.
Надомат тоши у бўлса, ясар мазангарон морин.
Биров сўз бирла тош отмиш, биров отмиш

нигоҳ бирлан,

Келиб у тушса кўнгилга, қураркан руҳият дорин.
Урилган пайти тош-тошга, чиқар ўт шайлатиб ёнфин,
Босилган пайт тамал тоши, замин ухлатди дилдорин.
Меҳр ўрнин олар чоғлар одамзодин депинтирган,
Амо тошдийдалар тутгач, берар оламни озорин.
Менинг ашъор булоғим ҳам унинг лан бостириқ

Деҳқиз,

Ўйиб чиққанда харсангни, қалам артмоқда хуншорин.

ДУНЁ

Совуғу-иссиғин қортиб, ҳаёт шайлар экан дунё,
Висолдан бошлатиб умрин, тугаркан ҳажр илан гўё.
Мураккабдан ясаб оддий бераркан бўю эн ўлчаб,
Йўлин танлатдирар эркан, кўриб қўйгандайин аъмо.
Биров нўшлар экан жомин, биров қонлар ютар эркан,
Биров тўйдирса дунёсин, биров тўймай кетаркан гоҳ.
Биров интилса тоғларга, биров ундан қулаб тушган.
Биров гардунга берганда, биров юлқиб олар рўё.
Сахийликлар чироқ ёқса, бахилликлар ўчиргандир.
Бешик келган маҳал кулсак, кетиб тобут ясар ғавфо.
Одам бир томчидир аммо, қилар дарё кўзин ёшин,
Айсберг узра сузгандек, кўролмас тақдирин борҳо.
Умрбод юрди бу инсон йўлин охирлатолмасдан,
Ёниб-яшнаб яшарларни—«Бўлар кул» деб у бепарво.
Қараб йиғлайди ҳар оқшом жами юлдуз бу дунёга,
Тамоми ғурбатин ер деб, бериб қўйган учун фатво.
Шунинг чун хору-зор Деҳқиз, муаққат умрин эпполмай,
Чиқармай ўтди чўнтакдан унинг бахтин қилиб анқо.

АНДУҲ

Бунчалар инжиқ экансан оламим,
Кўртугунлашган мураккаб ҳар дамим.
Юз адаштирдинг тополмас бахтни деб,
Минг қоқингач кетди мендан кўлламим.
Кўрмади ҳеч бир ўзан тақдир — насиб.
Вақт билан кетмоқда бор-йўқ кўркамим.
Тош қулатдинг устима Парвардигор,
Қандни ўрнин оғу этдинг ҳамдамим.
Меҳрима қисматни ҳамро айлатиб,
Заҳри мордек кунла қолган оромим.
Ҳажр ила бағрим жароҳат ҳар маҳал,
Эрта-кеч тинмайди ҳеч бир кўз намим.
Ўз ёғин доғлаб қовурдинг Деҳқизин,
Кўз очиб кўр, на кечар ҳар оқшомим.

ГАМЛЕТГА

Йўқотган чоғда ҳақликни, тушарсан ёдга шаҳзодам,
Ҳақиқат шоҳи удир деб, жўнайдир сен томон дийдам.
Бугун бағримга тош тушган, сенга айтиб ёзай дардин,
Хароб кўнглим чидолмасдан, алам оғриқдадир сийнам.
Тилимлар кўксимни ёлғон, Прометейсимон боғлаб,
Исинди ўт ёқиб мендан, кўринмай сийпалар алдам.
Адолат ўлса ҳақлик ҳам кўзин кўр этди шул кунлар.
Садоқатпешалар қувғун, ҳақим—деб қўл чўзиб
ҳамдам.

Широқдек тилни кессамда, ишонмаслар қизил қонга,
Ёниб турган вақтлардан чиқолмас нур тарар шуълам.
Алам вулқони портлайди, дегач ўз шишасин гавҳар,
Юрак дод солса ҳам тилдан дейилмайдир дегич
нуктам.

Риёкорларга даҳшатсан, қўлинг чўз менга ҳам
Гамлет,
Очиқ кўз қолмасин орзум, магар Деҳқиз бўлиб
ўлсам.

ОДАМ

Мураккабдан мураккабдир одам умрин таровоти,
Туман хиллик матонат лан топар ўрнин ваколоти.
Тўкис турмуш учун урнаб, қумурсқа бўлди тинмасдан,
Унингдек юк кўтарганда, уловларнинг чиқар доди.
Бўлар гоҳо у қўй янглиғ қатор қашқир аросинда,
Бўлиб гоҳ бўридан баттар тўкар қон баъзи бедоди.
Чопар отдек чопиб бир чоқ, ололмас емни ҳам
ҳаққин,

Қанот қоқмай учиб гоҳо, бўлар лочинни сайёди.
Қўрийдир у тиним билмай боболардек ўзин шаънин,
Бўлиб маймун овунтирмиш бифиллар чоғи зурёди.
Агар шайтон билан бўлса, ичиб шу пайт бўлар
тўнғиз,

Келин олдин мушуклик деб, хуриллайдир мулоқоти.
Удир сарсон туну кунлар вафолик эътибор излаб,
Кетар ташлаб барин бир кун келиб етганда ҳайҳоти.
Бошинг йўқ бўлса Деҳқонқиз, оёғинг меҳнати бекор,
Келар қисмат ўзингдандир этар бўлганда номзоди.

О, ИНСОН

(Броконерга)

Табиат тўрт мучал бирлан яратган сарви қаддингни,
Жами жонзодидан устун этибдир мадҳи қадрингни.
Қулу шоҳим ўзингсан деб, бериб қўйган жами
борин,

Нечун у барқи бахтингдан аяйсан жилла лутфингни.
Жаҳоннинг эгусин бир-бир қирав бўлдингку о, инсон,
Заҳарланган сариқ барглар сўрар бул кунда
раҳмингни.

Кийиклар қочди тоғларга юҳо шояд чиқолмас деб,
Қочар ҳатто илон, тимсоҳ кўриб чўлларда сайдингни.
Дилинг қурғоқда қолмоқда қизил дафтар ёзиб
ҳолин,

Меҳрнинг мевасин қоқдинг, қўйиб бойликка
ҳирсингни.

Тирик жонлар суво қолгач, гўзалликлар букур қолмиш,
Муаққат умр учун бўзлаб, йўқотма ёмби бурдингни.
Ишончли кимсасин кўрсин табиат сенда Деҳқонқиз,
Бутун виждонга қонун йўқ, қаратма ерга шаънингни.

КИМДИР

Миллионлар фарқ қилурлар бир-бирин,
Ким носоғу, кимга лойиқ офарин.
Ҳақ зиёсин топмаган чоқ аллаким,
Серсадоқат этди кимдир нурларин.
Ким дарахту, ким кўланка истади,
Ким беҳишту, ким томуғ дер йўлларин.
Нон сўрайдир, кулча бермай баъзиси,
Юз ниқоблаб шилди кимдир дўстларин.
Тиғли туҳмат—лўнда хатлар кимники?
Тилда қалқон, дилда сақлаб ханжарин.

Кўл тегизмай бошни узган қайсиси?
Тан ололмай у табаррук модарин.
Бойлигин бой, дилни қашшоқ этди ким?
Жизғанаккор изғирин дер кунларин.
Сабру-бардош ҳам матонат кимга ёр?
Яхшилардан топди кимдир сарварин.
Қалбни асло босмасин чанг Деҳқизи,
Сўз ва кўздан топ меҳрнинг меҳварин.

Э, ФАЛАК

Э, фалак, нечун қулоғинг ҳеч эшитмас додими,
Кўрсанг ҳам кўрмасга солдинг жизғанак барбодими.
Ойдинингдан кўп қоронғунг мен юрар йўллар аро,
Қулфлатиб қўйдинг атайлаб, бахт талаб дил шодими.
Кўр қилиб тақдирларимни, олға юр деб ундадинг,
Хўб адашдим йўлларингда топмайин ўз тотими.
Учратиб нокасларингга ранғими зард айладинг,
Айлатиб кўнглимни мажруҳ, лошладинг ободими.
Кўп ғижимланган муродим бераҳм дастинг билан,
Синди тишлар ҳар чидар пайт айтмайин бедодими.
Деҳқизо, армон бу дунё, бу забун толейима,
Кўнглими дард бирла юғраб, тинглади фарёдими.

ҚАЛАМГА

Эй қалам, бағрим лиммо-лим сен у оҳдан, баста ёз,
Кўртугун бўлган ғамимдан зорламай ораста ёз.
Тил ютиб айтмай юрувдим, сен эшитгин дардими,
Ёқди исёнкор муҳаббат, ўтларин дилхаста ёз.
Сезмасин кўнгил йўғонлар, билса бас ингичка дил,
Кўз солиб бедору ҳушёр билгудек оҳиста ёз.
Мен тақиллатган эшиклар очмаган ҳеч занжирин,
Тош бўлиб бўғзимда турган лавҳадан сарбаста ёз.

Худди япроқдек сузувдим ишқими дарёсида,
Ул аёним чун баёни ранжимаи барваста ёз.
Мисли офтобдек ёритгин дил қоронғусин юзин,
Сенга ОЛЛОҲ нури Деҳқиз, чарчамай пайваста ёз.

АШЬОРИМ

Дилимнинг боғидан гулдаста ашъорим,
Унинг лан андалиблик мулки гулзорим.
Тўқис тўрт фаслидан ҳам навбаҳор чорлаб,
Юраклар гулшанин бўйлайди гуфторим.
Қувончу-дардларим бир чашмадан пайрав,
Ҳовучлаб нур берар кўнглимга дилдорим.
Удир ишқим билан узвий бағир чўғи,
Деган пайт куйдирар ҳасратни изҳорим.
Юрак қонин сиёҳ айлаб ёзар бўлсам,
Босиб йиллар йўлин ҳозир бўлар зорим.
Шифо изловчи кож армон ситамлатса,
Қуёшдек дард кесар офтобли ҳамкорим.
Тикону-гулларин бир даста этган чоғ,
Ҳаётнинг рангларин куйлайди алёрим.
Ёзиб тонг отдирар бўлганда Деҳқонқиз,
Ўшандан ҳайкалин тиклайди ёдгорим.

БЎЛСА БАС

Дўстларим, мен орзумандга ҳақ-ҳақиқат бўлса бас,
Юрт, элим осмони софу, эл саломат бўлса бас.
Миллатим озоду хуррам бенасиблик кўрмаса,
Пок адолат лан садоқат баркамолат бўлса бас.
Тақдирим алданмайин ҳеч, ўз фанимин англаса,
Улфатим ёнимда доим серсадоқат бўлса бас.

Зўр заковат солса сурон, ноасил иғвосига
Эътиқод, имон, диёнат элга одат бўлса бас.
Тортмасин ҳеч бир муҳаббат шум хиёнат жабрини,
Учраган ҳар янги ўртоқ бошарофат бўлса бас.
Бўлмасин номардга муҳтож бахту-толе кунлари,
Олдидан чиққанда дилбоз, у матонат бўлса бас.
Ўчмасин кўнглим чироғи, то абад Деҳқон қизи,
Меҳрибон фарзандларимда бахту-омад бўлса бас.

ИНСТИНКТ

Бобомлардан отам кўрган қуришни,
Отамдан мен кўриб билдим юришни.
Болам бул кун топар мендан жаҳонин,
У ҳам ўз наслидан кўргай туришни.
Ҳануз чумчуқ полапонин учиртар,
Ҳамон қашқир қилар ибрат бўғишни.
Азим кўлдан сузар ўрдак ияртиб,
Талаб айлар жужуқ жондан сузишни.
Дарахтзор кутса ўз наслин данакдан,
Ҳашорат ўргатар кавлашга бўшни.
Ҳаёт шундай туман занжир ясабди.
Кутиб куртакчадан ҳар битга чошни.
Узилган ҳалқалар алвон китобда,
Табиат истамас мутлоқ қуришни.
Бешик бўш қолмасин ҳар ерда Деҳқиз.
Наслдан бошлагин олдин боришни.

КЎРМАДИНГ

Эй қамар, қаддимни буккан дил азобин кўрмадинг,
Талпиниб ёнган вужуднинг жон кабобин кўрмадинг.
Заъфарон бўлганди рангим ҳажр илан ҳамхоналаб,
Тунларин бедор кечарнинг изтиробин кўрмадинг.

Соядек ортингда юрдим, кўзда ёшим шош бўлиб,
Дардима тор бўлди дунё, тафтни тобин кўрмадинг.
Чўксада мунглик нигоҳим кўзларинг уммонида,
Дардларин кўнгилга тўккан дил хунобин кўрмадинг.
Деҳқизо ғамларга солди охирам беғамлигинг,
Бахtimi қисматга тўнкаб, ишқ саробин кўрмадинг.

МАЖНУНТОЛГА

Эй попуқ, нечук қадинг дол, навбаҳор кор этдими?
Ёки севган гул ҳилолинг якка ташлаб кетдими?
Ошиқ ўлдингми ва ёки шилдироқ сув ҳуснига?
Ваъда берган келмайин ё кўнглингни ранжитдими?
Оқ ўрик бодроқлаганда, боқдими ёринг унга?
Ёки гулларнинг чиройин у севиб оғритдими?
Ё сабо тез-тез шивирлаб, йўлдан урганми уни?
Ёки дostonловчи чашманг сийпалаб чалғитдими?
Ноумид бўлмай кўтаргин бошингни мендек бўлиб,
Деҳ қизинг ҳам унга ўхшаб эгган эрди қаддими.

ЁЗ ШОМИДА

Кун узун офтоб жилолаб, шомда бўлган мухтасар,
Акслатиб бағримни қонин тоққа қўйган тожисар.
Гуркираб райҳонни барқи, ёрга асрар атрини.
Гул очиб боқмиш йўлакка ранговар шомусаҳар.
Энди келгай, деб қуёшим термуларман боумид,
Шу маҳал фаввора титраб, дейди: «У келмас қамар».
Тун қаро сочин тароқлаб бўлса ҳам у келмади.
Кўз қисиб юлдузга-юлдуз бўлди аҳволим тўзар.
Тундан ҳам баттар қоронғи қолади кўнглим уйин,
Ун чиқормай Деҳ қизимдек бўлди бағрим қон сизар.

ЖАВЗОДА

Ол атиргуллар очилган пур тарона май келиб,
Рақс этар ранглар у куйда завқу-шавқлардан тўлиб,
Кун намоишлар жамолин гулшану-гулзор аро,
Гул дудоғин мадҳ этишда маст-аласдир андалиб.
Лолалар тутган қадаҳдан май ичар шаббодалар,
Ўпди офтоб ул ниёзин ҳар томондан интилиб.
Шеърият қуш янглиғ сайрар, юрса шоир боғ аро,
Куй терар мусиқчи ундан, ақлу-ҳушдан айрилиб.
Деҳ қизин армони йўқдир дўстла лола сайрида,
Ушбу кунлар ўлса гар у, гулга кўммишлар кулиб.

ҚИЗ БОЛА

Чаппар урган гулбаҳордек сарви қизнинг ўйлари,
Кимга бахту, кимга толе сарвиқомат бўйлари.
Титратар кўнгилни баргин, гар табассум айласа,
Ҳусн эрур гулгун ибоси, ном олиб эл зевари.
Кўз тинар кўрган йигитда ақл олиб қошу-кўзи.
У очиб орзу булоғин, тонг тополмас тунлари.
Ул йигит бул кун гадодир қиз очар дарвозага,
Даства гул ушлаб йўлакда интизордир кунлари.
Из босиқсиз йўлда ҳар қиз, қолдириб ўз изларин,
Кўнглига ким топса сўқмоқ, у—у зўрнинг гавҳари.
Деҳқизо, бул кун у дуркун яшнаётган лоладек,
Айласанг у гулни ниҳол, ол бўларкан гуллари.

ТОШКЕНТ

Фурурдир ушбу кун Тошкент забонимга,
Бўлиб у ифтихор жўшқин замонимга.
Ясанган у билан ўлкамнинг аркони,
Баҳори—мангу кўклам барча онимга.

Қуёш ҳар кун келар айлай томоша деб,
Чаманзор боғу-роғлик бепаёнимга.
Жарангдор қўнғироқлик дилнинг карвони,
Юришчун Хадрадан ҳар бир томонимга.
Бутун дунё севарлик меванинг кони,
Ҳавасдор четлилар кунжутли нонимга.
Ҳамиша чеккасига пахтасин таққан,
Баланд уй гўшадир ҳар хонадонимга.
Юраклар тафтидан битган шаҳардир бу.
Асрлар офарин деб ушбу шонимга.
Сиғолмас таърифи шеъримга Деҳқонқиз,
У ўсган бўю энлаб жовидонимга.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Дилоро гунчалаб очди кўриб Тошкентни гулзорин,
Баҳорин бошлатиб шул дам чаман айлатди зебзорин.
Қатор боғу чаманларнинг адоқсиз кўрки маст этди,
Қувонч сипқартириб ол гул, майин чертдирди дил
торин.

Хиёбонларда жаннатлар фаровонликни куйлайди,
Қуёш меҳмон бўлиб унда, ёзар гулбози хумморин.
Кетолмайдир сабо асло чаман атрофидан ўтса,
Туну-кун булбули нолон этиб мадҳ кўркли рухсорин.
Меҳрлардан олиб рангин чирой бўйлайди

маъсумлик,

Қуёшга айлатиб кўз-кўз ранго-ранг гулнинг бозорин.
Очилган ҳар атиргулда муҳаббатнинг ҳидин туйдим,
Табассум лан тутар ошиқ, кутиб у гулла дилдорин.
Агар гулбоғидан ўтсанг, қалам сайрайди

Деҳқонқиз,

Босарму битта гул ўрнин, ататсанг унга ашъорин.

ФАВВОРА

Кун узун фаввора каптар, оқ қанотин ўйнатиб,
Тунда у жўр аллаларга таскинин порам этиб.
Севгидан елган ҳаёдек тип-тиниқ мавжиш ила,
Нимсабони этди ошиқ, зарли кокил силкитиб.
Сакрагич ёшликка ўхшар шаҳд ила сув базими.
Кўрки қайнаб этди мафтун у томон ақлим кетиб.
Фирғироқ шаббода яйрар мен билан атрофида.
Сув юзин этган ғазалхон, унга дostonлар битиб.
Қай малоҳат лан назокат мадҳларин куйлайди у,
Айлатиб кўркин намойиш ҳам чиройин сўзлатиб.
Ҳеч билинтирмай силайди қалбими у Деҳқизи,
Эркалай руҳимни унда донг қотишдан сақлатиб.

ТИЛ

Тизилган дур бўлар сўзлар сиёғи,
Одамлик чун зиё тилнинг чироғи.
Эшитгандан олар қудрат деганлар,
Қанотлик нур ясар дилкаш мароғи.
Суҳанлар қалб билан порсанг ҳамиша,
Очаркан қалбу дил қулфин сўроғи.
Одоб йўргаклагач ҳурдир мулоқот,
Билимнинг ўлчовин узмас адоғи.
Удир бегонадан этган қариндош,
Адолат мулкидан оққач булоғи.
Аёзлаб сўзлаган—яхлар ҳаволаб,
Севар ё панд берар хилдор бўёғи.
Тахирлик соз ширин ёлғон дегандан,
Олов тишлаб юрар бўҳтон яроғи.
Мунофиқ бир қаро, бир оқ деган пайт,
Ҳақиқат тош ёриб порлар қароғи.

Ҳасад гулзор аро ўтдек қадрсиз,
Асов тиллар муҳаббатнинг фироғи.
Лабу тишдан ясалган икки девор,
Саёқлик қилмасин—деб тил оёғи.
Сухан гавҳарларин Деҳқон қизим дер,
Очилгач назмининг зарҳал вароғи.

ЗЕБУНИСОГА

«Буён кел»—деб чақиргандинг, ўзинг йўқсан-ку мен
келсам,
Насимлардек нафис нуктанг овоз бермайди-ку елсам.
Қаро қошу, қаро зулфинг кўринмайдир бу оламда,
Ширин ширмонли наргисинг нигоҳин ташламас
толсам.
Нақшлик сурмадонингни нечук ташлаб кетар
бўлдинг?
Муродин топмаган севгинг топарму толеин тилсам?
Увол бўлганда орзуйинг, муҳаббат боқди нафратга,
Жаҳон шоҳ бирла Мумтоз ҳам куйибдир сен симон
билсам.
Қоронғу оламинг ичра чироқлабсан нафосатни,
Дамашқ шамширидек шеъринг кесар бағримни
тайрилсам.
Тиканлар ичра гул эрдинг, муҳит воянгни
бермасдан,
Кўмилган орзуйинг менда, қалам дафтарга интилсам.
Сенинг эккан арузингнинг бошоқ қолдиқларин тердим,
Бироқ ҳайрон жами кўрган отим Деҳқон деяр
бўлсам.

ҚИЗИМГА

Сен шаму парвонайинг ман, моҳи тобоним қизим,
Мулки умрим сенла обод, нур таратгич юлдузим.
Мен садафдан дур тўрабсан, орзуйим айлаб бажо.
Гул сану япроғи менман, эл аро мавқинг юзим.
Ярми йўқ толела ўсдинг, бутласин келмишларинг,
Бахт етаклаб қавми этсин, ерга қолдирмай сўзим.
Мен йўқотсам, сен тополгин муддаолар завқини.
Толеим ёқсин чироғин, сенла балқиб кундузим.
Беш боланг беш қитъа янглиғ, кенг жаҳондурсан
ўзинг,
Қўшша пир бўлгин илоҳим, яйралиб қолмиш изим.
Дил қуёшим ботма ҳеч деб, илтижодор Деҳқизи,
Сен чинор чун илдиз ўлдим, меҳрибоним, жон қўзим.

ВИЖДОН

Умр хуршидидир ҳар ерда виждон,
У деб дил қонунин борлайди инсон.
Биров тортиб ололмас мангулик у,
Юракдан кўрса гар ҳар нурли фаттон.
Ҳақиқат ушлаган порлоқ қуёшдек,
У нурдан шуъладор нурловчи имон.
Ўзин тергай билар ҳирслар елар пайт,
Кемирмиш кўкрагин ҳар сийқа ёлғон.
Унинг доғин ювиб билмас Аму ҳам,
Жароҳат берса ожиз лутфи Луқмон.
Магар тафтишлагач суд ҳукми ундан,
Биров билмас ёниб айлайди суърон.
Ҳаёт ҳурдир чарақлаб турса кўнгил,
Тўшак юмшоқ у бўлган пайти султон.

Одам бир нуқтаю, виждон жаҳондир.
Ўшандан куч олиб гуллайди даврон.
Дилим оқ пурзиё Деҳқон қизимдек,
Бошим осмондаю, кўнглим чароғон.

ИЛК БАҲОР

Бойчечакнинг қўнғироғин туйса гар юртим қиши,
Икки кун вақтин тугатмай бошланаркан қайтиши.
Қурту-қуш хушнуд сайиллаб, уйғотар боларини
Майсалар мушкин тароқлар қумрининг ку-кулаши.
Сирғасин таққан маҳал тол, бўртди ялпиз олдида.
Нов ариқдан ғалт уриб сув, дилкушодир куйлаши.
Ишни бошлар ҳар зироат кекса тупроқ остидан,
Куртагин тиклайди тезлаб ҳар ниҳолнинг хониши.
Кўк булутлар сув ташийдир майсазор шайлатгани,
Жилмайиб тургучи офтоб, бўз қуёшнинг олқиши.
Ахтарар ҳар кун табиат боғ учун гуллик либос,
Гулларин очдирғусидир—барраларнинг маъраши.
Шу маҳал топмиш баҳорат боғчадан Деҳқон сени,
Орзулар эксанг кўкартар, кўкламингнинг қўллаши.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Келди боз гул базми айлар айланиб чарху фалак,
Дашту қир ҳуснин безаклаб, товланар мисли малак.
Лолазордан гуркирайдир баҳру дил очгич сабо,
Кур-куровчи турналарга силкир илгин наъматак.
Чучмома ранг баҳси айлаб, етди аввал маррага.
Куртагу япроқда байрам очдиролмақ чун чечак.
Янги кўйлак кийди боғлар, жўр бўлиб айёмига,
Ёшлигу гулдаста бирлан ҳар чаман таққан зирак.
Гул узатмиш қўшни қизга том ошиб моҳлар ўрик,
У висол чун тонгда булбул куй тўқийдир бир этак.

Кўзга суртса гулни гулзор соғ-омон етган учун,
Анбарин пуркаб атиргул барги чалмишдир чапак.
Бир қучоқ гул терди Деҳқиз, бўғриқиб гул юзлари,
Ғунча жилмаймиш шу онда бошин айлаб сар-сарак.

БАҲОР ШАМОЛИ

Лолазор бўйлаб кезадир толейин излар шамол,
У баҳор кўркин кўришга ҳаммадан ҳам кўп кашол.
Кўш қанотли куйла изғиб, мушк терар ҳар гўшадан,
Ғар қулай жойин тополса, мусиғин мунглаб фаол.
Гулли кўйлакли баҳорга айланар ошуфта у,
Сийпалаб доим чиройин унга очдирмиш жамол.
Бахт йўлин излайди ишққа айланиб атрофидан,
Рух олиб ундан атиргул, бурчларин айлайди ол.
Чарчаган чоғ дам олар у майса узра ястаниб,
Боз йиғиб ёшлик ғурурин, дилни айлар баркамол.
Боққа чиққан чоғда Деҳқиз зулфларин тортқилади.
Олмасин анбарни у деб, рашкларин айлатди зол.

ТЕНГДОШЛАРИМ

Умрингиз тўфонда ўтди эй, азиз тенгдошларим,
Кўндингиз гирдоб аро ҳам серчидам, ювошларим.
Ғоҳ юпунлик, ғоҳ урушлар тегди тинмай тинкага,
Сиз у дарддан воҳ демасдан ўтдингиз, дарддошларим.
Ким бўлиб жангларда қурбон, ким эди ҳақсизга қул,
Ким соқовлик бирла жонин сақлади, донишларим.
Ажраган кимлар жигардан, елкалаб аччиқ тўзим,
Йўқчилик ҳам сизни йўлдан урмаган, элдошларим.
Ғоҳи синса дош беролмай эътиқоднинг беллари,
Сиз ҳамон имонни бермас эрдингиз, йўлдошларим.
Сохта бўлса сўз ярақлаб, боқдингиз лоқайд унга,
Ушбу кун тарихга чандиқ даврингиз, сафдошларим.

Айтаберсам тимдалайдир у жароҳат ўрнини,
Бас қилай Деҳқиз, дейишни ўртамай, бардошларим.

УРУШ ВЕТЕРАНИ

(Акам хотирасига)

Ўлмайин қолган ветеран, чап бериб ўқ сайдига,
Ёки у берган вужуддан бир улуш у дайдига.
Топди тарих ҳам жароҳат у чўлоқ бўлган куни.
Ким юрар қўлтиқ таёқда, ким бўлиб зор кафтига.
Тирсагин тиркаб экибдир ушбу кун кўчатни у.
Қайсидир андова суртар ҳар ўтар йўл афтига.
Ерга озор берди юрса, яккамих калтак оёқ,
Бирда у кўзсиз, қулоқсиз, пурнуроний бастига.
Ухлаёлмас эслаган чоғ жангнию жангоҳни у,
Зирқирар кўкракда оғриқ, дош бериб у дардига.
Бул музаффарликни нурин топди у жонлар бериб,
Ушбу кун ғолиб ва мағрур, шукр этиб ўз бахтига.
Ким етиб, ким етмагандир у бўлиб Деҳқон қизи,
Гул тутиб зурёди чопмиш ул сари пайвастига.

КЕКСАЛИК

Қайтадан қайтиб гўдаклик кексаларнинг мавқига,
Тетапоя сўз деяркан дил чарақлаб шавқига.
Вақт гижимлаб ташлаган юз доимо офтоб тараб,
Мевасин хил-хиллатаркан умрининг куз ҳаққига.
Маҳсулот оғир бўлибдир паст эгилтиб қоматин,
Илк баҳор эканни жамлаб, хонадонин сатҳига.
Илдиз отгандир чинордек саф ўғил-қизлар билан,
Вақт емирган куч забардас, ҳар тугун иш шарҳига.
Бўлди мактаб барчамиз чун серунум тажрибаси,
Кўрсатар сўқмоғу йўллар, қолмасин деб тавқига.

У берибдир қизга сочин ўғлига бор каллани,
Ерни кенгу, кўкни дўнгроқ мослатиб ўз тарҳига.
Деҳқизо, хўб билки даркор кексалик чун ҳам сифат,
Тингласанг ҳикматли нутқин, дил чаманлар барқиға.

КЎКЛАМ

Ҳар сафар келганда кўклам, сафлатар нурын башар,
Барча борлиқ қайта урнаб, янгидан куртаклашар.
Ғунчанинг лаълин очиш чун, шошса Наврўзу ажам,
Қиш туғиб кетган кўнгиллар, ул тугунчакдан бўшар.
Мадҳ этиб боғнинг чиройин қушчалар ҳангомаси,
Гул фасл келмоқдадир деб, қир-адир бахмал тўшар.
Майсадан кечгучи сўқмоқ—бахри байтдек баҳралик.
Пок кўнгил хиргойи айлаб борса куйдан куй жўшар.
Бойчечак айлаб табассум, кайфидан мастдир ўзи,
Ғир-ғироқ ўйнар шамоллар мушкни деб тоғлар
ошар.

Юрт гўзал кўклам туфайли, пахтакор Деҳқон қизи,
Илк гулин сен таққанинг чун, гул очай деб у шошар.

ИНТИЛИШ

Интилишлардан иборат бу жаҳоннинг ҳар иши,
Интилиб толеҳ топаркан марду-майдон ҳар киши.
Ўт эмаклайдир чиқишга катта харсанг остидан,
Тош данакдан ўрмалаб жон, зўр дарахтдир келмиши.
Тоққа чиққич ҳам тузаркан интилишнинг режасин,
Онг жисмдан катта эркан, бўлса гар зўр хоҳиши.
Тинмаган соат секундлар, тўхтамасдан олғалаб,
Ҳар фидойи интилишлан гуллагандир турмуши.
Барча тадбиркор меҳрлаб, интилар мақсад сари,
Имтиҳон ғалвирлаганда – илму онг бахт балқиши.

Қатъият ружжу керакдир, интилиб ишлар маҳал,
Бигта лаҳза йилдан ортиқ, бўлса бахтнинг бермиши.
Деҳқизо, интилмаганга юзталаб дарс беҳуда,
Сувда ётган тошга тегмас томчининг ҳам янглиши.

ЎЗБЕК АЁЛИ

Уйнинг файзин борлайди ўзбек аёли,
Тандир тафтдан ол гуллаб ойдай жамоли.
Жазлик нону, норин, ош ҳуштаъм у бирла,
Вайрона ҳам кошона у бўлса боли.
Нозик қўллар борлайди тоғ-тоғ ҳимматни,
Обрўйим — деб урноқлаб оппоқ хаёли.
Доим иссиқ табассум ҳамроҳдир унга.
Ойдин йўллик бўлгандир эл чун камоли.
Фарзандлар чун ҳормайдир кун-тун тинмасдан,
Эрнинг айбин қопқоқлар ҳар бир мақоли.
Ойдин кўнглин оғритса, бемаъни номард,
Сабр этмиш-у лаб тишлаб, шошмай малоли.
Кўркин топган у Деҳқиз оқ дил бардошдан,
Хизмат айлар тинчлик чун етгунча ҳоли.

ОНАМ ХОТИРИ

Шафоат эт шифокорим, ҳаёт кўнглимни синдирди,
Руҳим оқсоқланиб ундан муродин йўққа эндирди.
Қулатди кўкрагим тоғин, уюб у ерда харсанглар,
Дилимга ўт қалаб ёққач, кулин барбодла сўндирди.
Вужудимдан ғамим оғир, қадим дол бўлди бу ҳолдан,
Умидлар бирла орзумни тутиб тобутга илдирди.
Таянчим учди-ю кетди, ишончининг кўзларин кўрлаб,
Не қилсам дард бўлар фориф, ажалнинг зарби
толдирди.

Кеси́б отсанг-чи бағримни даво бергич шифокорим,
Онамдан ажрадим Деҳқиз, ўлим кўксимни тилдирди.

ИНТИҲО

Равоғидан тушиб сингач одамзод,
Вужудин елкалаб кетмиш бўлиб ёт.
Туганмай қолса ҳам иш боқмади у,
Кўлин бўм-бўшлатиб бўлганда озод.
Ечилди толейин тугган тугунлар.
Ўкинч ҳам қолмади айлаб муҳобот.
Туғилган пайти эккан кўзни ёшин,
Бугун йиғмоқда у қўшмоқлатиб дод.
Белаб элтар маҳал сўнги бешикка,
Тиниб ёт энди, деб айлашди имдод.
Бошин тош этган эрди у ҳаётда,
Тағин тош босдилар, деб унга исбот.
Жаҳонга сиғмаган — уч газга сиғди,
Деса ҳам Деҳқизи минг доду-фарёд.

СУРАТИНГ

Дардима парво-палақдек тўрда турган суратинг,
Ёғдулаб хонамни кўркин, таслим айлайдир қадинг.
Термулиб боқсам юзингга тушди ёғду дийдама,
Кўзларингда кўз изимни сақлаганди ҳолатинг.
На қилайки, сенга теккан дард мени мажруҳлади.
Шам ёқиб бағримга қўйди, ҳеч ўчирмас кўрс қадинг.
Кўз узолмай қолганимда сийратим сурат бўлар,
Кул босиб қолган чўғимни ёлқин айлайдир ўтинг.
Йиғласам раҳм айламайсан, хўб ажаб қилдимми деб,
Қолдику Деҳқизга мерос ҳеч туганмас ҳасратинг.

РЕПРЕССИЯ

Битта ғаддор айтса ёт деб, бўлди у сўз нортауя,
Томирин қирқиб шу они этдилар репрессия.
Тош қолиб, гавҳар эзилди ул қабоҳат йиллари.
Кенг жаҳон олқишлаганни дафлатишган — ёв дея.
Айта олмай кетди мардлар қанча заррез сўзини,
Халқ дегични халққа душман, дердилар номин сўя.
Кетди Файзуллою Акмал, нечта Абдулла ила,
Ҳар жавоб айтгувчи тилни кесдилар суркаб куя.
Эътиқод имон қамалди, жойнамозлар топталиб,
Зим-зиёдан боқди нурлар, тошга ёш бошин қўя.
Қилди чўянлар ҳужумни олтину олмосига,
Маънавий чўлтоқ бу ҳолдан етди истар орзуя.
Сифмайин қолганда армон қабру гўлаҳлар аро,
Гунг бўлиб қолган халойиқ юрди доим тил тия.
Деҳқизо, қурбонни кўрдинг, топу боқ қотилга ҳам,
Ўлди ўлмаслар унинг чун бекафан номин кия.

БАҲОР КЕЛДИ

Бағримиз шавқдан тўлибдир, боз келиб зумрад
баҳор,
Боғу-роғ гулзору гулшан барқитиб ундан ифор.
Жон атолаб ҳар дарахту шохчанинг таркибига,
Майсалар бирлан шивирлар жисмин айлаб сабззор.
Шавқидан Наврўз туғилди барра ялпизлар аро,
Унга совға дуру-маржон тугди ҳар бир олчазор.
Дошқозон элларни тўплар, унда қайнаб сиймалак,
Янгралиб чилдирма рақси қиз-жувон ёзмиш хумор.
Келди сайроқ қуш адашмай, ўз қадрдон жойига,
Лайлагим келмоқдадир деб, буй чўзиб боқмиш минор.
Чўктириб пой майса узра унди ёқут лолалар,
Сайр этар шаббода унда шоду-хуррам бахтиёр.

Ғунчалар кўз очди Деҳқон, чиқ далангга кўргани,
Гул юзингга басма-баслаб гул очибдир олмазор.

НАВРЎЗ

Қутли Наврўз файз таратгач, юртни кўркин
кулдириб,
Туйғулар ростлаб қанотин учди кўнгил кўндириб.
Бошланиб рангларни рақси, илк яшиллар яшнади.
Руҳ олиб ундан дарахтзор бўртди куртак жўш уриб.
Гуркирар ялпиз ифори завқлатиб олам элин,
Тутдилар лабларга барқин қиш ғуборин сўндириб.
Бойчечак очган ҳижобин, қумрилар мадҳ айласа,
Қавму-зурёдин кўкартди кекса илдиз ўлтириб.
Майсалар сокин шивирлар, чертса ёмғир дарчасин,
Унда тол олтин попуклаб, барқди кокиллар ўриб.
Наъматак ихлоси бирлан навдасин барвастлади.
Орзусин тиркаб кўчатга экди боғбон гашт суриб.
Деҳқизо, олам мунаввар юртими Наврўзи-ла,
Сиймалак бирлан ҳалимни сузса коса тўлдириб.

ШУДРИНГ

Тун узун ишлаб табиат терлади,
Ул машаққат ерни жонин шерлади.
Марвариддек ялтираб инжулари,
Боғу бўстонин у лан тақдирлади.
Ювди обдон настаринларнинг юзин,
Лолалар у лан қадоҳин сирлади.
Жавдироқ кимҳоб кийиб кўк майсазор,
Кенг чаманлар зар либосин турлади.
Оқ садаф лан ғунча кўксин тугмалаб,
Баргда титрар кўрklarин нодирлади.

Қатрасин айлаб у офтоб ойнаси,
Бирлашарда жилғасин содирлади.
Деҳқизин у кўрса ўтлоқлар аро,
Доманининг гулларин таъмирлади.

ЁШЛИК ЭҲТИЁЖИ

Менга омадлар керакмас, сермароқ суръат керак,
Соғ-саломат қадду-басту меҳрибон рағбат керак.
Бахтни қўш қўллаб топарман ул йироқроқ бўлса ҳам,
Соф муҳит берган ҳақиқат, серёруғ ҳолат керак.
Одамийликдан айирманг бўлмасин ҳолим малол,
Йўлчи юлдуз эътиқоддан дил безак зиннат керак.
Тинчимас жону жаҳоним худба-худ оқсанса тил,
Дўсту-ўртоқ шод бўларлик боадаб улфат керак.
Минг ибо бирлан ўралган жон аро орзуйи ёр,
Ул қўлим тутгач вафолаб, қадр этар қиммат керак.
Эслагудек из бўлолсин ёшлигим Деҳқон қизи,
Ложуварддан ранг оларлик баркамол ибрат керак.

ҲАЁТГА ТАЛАБ

Эй ҳаёт, чексиз қўйибсан истагингнинг шартини,
Ул талабдан ҳақ олиш чун бер ҳақиқат нақдини.
Кунни маҳсулдори доим изламиш мазмунли йил,
Унга пок маъно атолаб, соғ-омон эт аҳдини.
Қадру-қиммат бирла инсон аҳлидан курсин вафо,
Ёр бу — деб тутганда топсин меҳрибон дилбандини.
Юз садоқат етса камдир жонажон фарзандидан,
Қон-қариндош, жон-жигарнинг эт яқин сертафтини.
Менга ҳеч омад керакмас, йўлни оқ қилсанг етар,
Ҳақшунос озод жамият тортмасин оқ дастини.
Нури-иқбол лан тўкислат — дер мудом Деҳқон қизи,
Гар яратгач қийнамасдан бер етарлик яхтини.

МЕТРО

Хўб ярашган шаҳримизга нурли метро йўллари,
Турфа эртақларга монанд тез юрар дулдуллари.
Сабҳайи сайёра менгзир ҳар қасрнинг ҳуснида,
Ботмагич офтоб яратган беқиёс қандиллари,
Очгану-ёпган эшиклар — умримиз тимсолидир,
Ҳар мушарраф ўтса ундан бўлди енгил зиллари.
Хил чирой бўлган табиат фойелар сатҳин безаб,
Унда Баҳрому—Дилором—Чингиз Аҳмар гуллари.
Анграйиб Монте Кристо рамз олар андозидан,
Гумбазин мақтаб Улуғбек нур тарар таҳсинлари.
Кошину-нақшинларига маҳлиё олам эли,
У Навойига қасида, шодланиб талқинлари.
Ҳар бекат бир бошқа дунё, айла сайр Деҳқон қизи,
Ким келиб сен ёнгли кўрса, бўлди гулгун диллари.

«БАҲОР» ҚИЗЛАРИ

Номингиз мангу баҳору, ҳар бирингиз бир гули,
Кўркингиз анвойи гулзор, ҳуснингиз барқ сархили.
Сизга боққан чоқ юракдан оқ атргул порлаган,
Гоҳ фаришта, гоҳ паризод фазлингизнинг хил-хили.
Саҳнадан ҳулкар чарақлар сиз чиқиб келган маҳал.
Олма гулдек ҳар яноқдан маст бўлиб олам эли.
Айланиб чиққан жаҳонни доманингиз лан сабо,
Таржимонсиз билди сизни курранинг минг бир тили.
Қўл-оёқлар куй тарайдир чолғусин айлаб хиром,
Жонланар кўрган хазон ҳам баҳрамандаб кўнгили.
Бўлдингиз жумҳуриятга тожисар гулчамбарон,
Деҳқизингиз эрса доим ул гулингиз булбули.

РАҚҚОСА

Эй паризод, санъатингдан жон яратганму худой?
Яшнатар элларни у деб, сенга берганму чирой?
Бирда оққушдек гўзалсан, бирда боғ гулдастаси,
Ё баҳор берганму бизга гулла тўлсин деб сарой?
Ўхшасанг парвоналарга, гоҳ учиб, гоҳо қўниб,
Доманинг чирманда чалди, товланиб минг рангда ёй.
Сен ўйиндан, мен шуурдан тўймадик базим аро,
Чиқди чақмоқ саҳналардан рақсларинг босганда пой.
Кипригин қоқмай қарарлар ғунчадек рухсоринга,
Нурларинг оламини сийпаб, бўлди мавқинг тўлган ой.
Ранг тополмайди мусаввир тасвиринг чун эй, гўзал,
Хаста диллар сенла обод, сен билан алёрли жой.
Куйга жўр қувноқ хироминг маст этар Деҳқон қизин,
Санъатинг ортиб илоҳа юрима қўшсин чирой.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ

Қутли бўлсин, нурга тўлсин янги даврон, янги йил,
Хилма-хил орзу-умидлар яшнасин ундан бадил.
Ҳаммамиз соғу-саломат бут бўлайлик даврада.
Рухимиз бўлсин ҳамиша арчадек сўнмас яшил.
Тинч-тотув турсин замонлар ер юзин обод этиб,
Дўст кўпайсин йилма-йиллаб, элу халқ яйраб аҳил.
Гулласин меҳру-муҳаббат, қўша пирлар солланиб,
Ҳар туғилган умрбодлаб поклигин тутсин дадил.
Кўнмасин чанг қалбимизга, ҳақ диёнат кетмасин,
Меҳнату ижод самолаб, бахт учун бўлсин кафил.
Оқ бўлиб доим юраклар, сен қўшиқ ёз Деҳқизи,
Куйга тўймай куйласин дил, йил бўйин айлаб асил.

ОРЗУЙИМ

Ширин орзум бўлиб кўнгил чироғи,
Етаклар йўл солиб, кўркам мароғи.
Тополмай қолса ҳам ўз эҳтиёжин,
Замондан ортламас дилкаш сиёғи.
Вақт нарвонидан чиққан маҳаллар,
Гадонинг шукридекдир ҳар туроғи.
Қанотин куйдирар у гоҳ шитоблаб,
Жиловин қўйса гар, лойқар булоғи.
Қилар тақдирга ҳам терслик у гоҳо,
Мусаффо барқ сўраб қатъий сўроғи.
Фаним ҳеч ўрмасин дер экканими,
Қуёшдек порласин — дер бахт маёғи.
Қочар бўлган тилак орзумни қувдим,
Тутар бир кун умидларнинг адоғи.
Хазонрез этмагин орзунгни Деҳқиз,
Кўрар бир кун бугун кўрмас қароғи.

ЁМҒИРДАН СЎНГ

Ёмғир ёғадир шиддат ила қисқаю шаррос,
Япроқни ювиб нозли чечак порлади қийғос.
Боғлар киядир байрам этиб гулли либосин,
Олма гулининг мушкларидан барқ узатиб хос.
Булбул жўшадир гулни сабо ҳидламасин деб,
Кўм-кўк далалар лола тақиб бўлғуси дилбоз.
Офтоб кулиши қушларининг сайраши чун завқ,
Гумбазда кутар лайлак ини қайтади деб боз.
Кўнгил очилур очса гулин тўнғич атрул,
Куйланг жўралар унга атаб ўйноқи андоз.
Деҳқон қизи дер Гулли баҳор мухлиси этди,
Тўрғай бўлибоқ лола элин кўзлади парвоз.

БИЛ ДИЛИМ

Бил дилим қалбнинг қўлинда хонадон шодонаси,
Умру-ризқ соғломлигию жовидон нақтонаси.
Тақдирим ундан атодур борлатиб дунёсини,
У билан равшан ҳамиша кўзларим нурхонаси.
Тошсимон қаттиқ бўлиб ҳам, гул очар нозиклиги,
Некка меҳру, бадга қаҳрин бор этиб паймонаси.
Қалб қуёшин нури бирлан ҳар маҳал порлар йўлим,
Қалби йўқ текканда титрар тоабад жавлонаси.
Ошиён айлар муҳаббат очунин равшанласа,
Ҳам ўзимга, ҳам элимга қўл келиб фарзонаси.
Жон майиб бўлган маҳал ҳам қалбни соғ эт Деҳқизи,
У тиниқ бўлгач бутундир ҳар одам пешонаси.

О, ИЛҲОМ

О, гўзал маҳваш парийим, бир нафас тинч қўй мани,
Ошиқ ўлсанг, менда маъшуқ асра ман бечорани.
Бўлди жон девона янглиғ иштиёқинг ишқида,
Бошқа бир пайкар кўринмай, изладим доим сани.
Диларо шаббода эсса, ҳозир нозир ўзинг,
Бол қидирган ари бўлдим, бўлмагач ҳам гулшани.
Қатралар бир чашма бўлди, тушса гар оқ нурларинг,
Мовий туйғу кўкка чорлаб, чирпарақлар сийнами.
Чулдирайдир турфа оҳанг, ман боқайгин қайсига?
Акс этиб у куйни кўнгил, бошламиш сўзонани.
Қон бўлиб турган маҳал дил, сен келиб қўндинг унга,
Пойларинг алвон сиёқлаб, этди хуншор мисрани.
Ноладан бағрим эзилган, ботма-бот этсанг жабр,
Айлагин Деҳқизга шафқат, ёқмасин шеър гулхани.

ЖОНОНЛАР

Шаҳризода эртагин дер мадҳингиз жононлар,
Айлатиб гулчеҳра кўркин минг туман дostonлар.
Меҳрингиз дилларга тушган ошиғин талпинтириб,
Ҳар юрак сизларни истаб айламиш жавлонлар.
Сизни деб ўтган Навоий умрибод дарднок бўлиб,
Ул Бобур тахт узра чоғ ҳам айлаган афғонлар.
Сиз учун Фарҳоду Мажнун кечди мутлоқ жонидан,
Тоҳиру, Баҳрому, Анвар эрдилар сўзонлар.
Берди бошин Машрабингиз ҳасрати армон билан,
Ул Фузулий қайдасиз деб ютган эрди қонлар.
Васл учун гирдобга кирган ҳар баҳодир қаҳрамон,
Қай бирин қучганди ҳатто зиллайи-зиндонлар.
Янграмас Деҳқизда ҳам соз сиз йироқ бўлган маҳал,
Йўқ эрур оламга таъриф сизни кўрмас онлар.

ШИШАГУЛ

Сўлмагич гулсан дегандим, сен экансан шишагул,
Ушбу кун чил-чил ушалдинг, айлатиб бағримни чўл.
Санчилар тифлик зирапчанг кўнглими хуншор этиб,
Ўт ёқиб кетдинг ўчирмай, чўғ аро қолдим нуқул.
Меҳрими қўйсам гуноҳми, фарқладинг кўз ёшима,
Ёнди жоним ҳасратингдан елдириб ўтлик довул.
Боққаним чун сенга доим дас йиқилдим бевафо,
Синди ишқим, синди жоним топмайин юргучи йўл.
Тақдиримнинг кўпригин сен қасд қилиб буздинг нетай?
Толеим сайёди бўлдинг, эгдириб бош мисли кул.
Бўсаларинг қабри қолди лабларимда Деҳқизи,
Йўл бошинда ҳайкал ўлдим, раҳм узатсин Қодирул.

ҲАЗРАТИ ҲАЙЁМГА

Туганмас эҳтиром сизга баҳодир ҳазрати Ҳайём,
Ҳамиша таъзимим бўлсин сизинг чун тухфаи икром.
Сутумдор тарихим сиз лан баланд айлаб салоботин,
Аристотел бўлиб обдон ололгансиз муборак ном.
Жаҳон илмин такомиллаб, намойиш этдингиз шарқни.
Бироқ сиздек шафиқ топмай бугун савдойидекдир жом.
Биров маст ҳолда ўз шаънин бўғиб ўлдирди мангуга.
Биров фарқ шишалар ичра тополмай умр учун айём.
Бировлар сохта корчалон, олов чангаллагич манқурт,
Муҳаббатдор хиёнатдан ясаб олмоқдадир андом.
Мабодо тошюрак ичса, қаторлаб тошларин отди.
Кўмилган истеъдод ундан субутсиз довдираб илҳом.
Унинг лан турма ҳам дарднок, мажақлаб хонадон
қолин,

Ҳуриллар чўнтагу кисса, пишолмай дардисар ҳар хом.
Оқизган бахту толеин, адалаб ёшлигин риндлар,
Ҳаётнинг калтагин кўрди, атаб таъзирларин дашном.
Радим чун минг узр устоз, ичиб билмайди авлодим,
Меъерин билмаган Деҳқиз, бўлибдир қашқадек бадном.

ОТ

Хожасин Рустам қилувди арғумоқнинг чопқири,
У билан донғин кўрувди ўзбегим Оламгири.
Алпомиш, Равшан, Авазлар жабдуғин ёстик деган,
Қашқаю тулпор бедовни, севган эрди Бобири.
От келинчакдек турарди зебу-зийнатлар аро,
Эрди орзу ҳар йигитга унга етмоқ содири.
Титратиб чопганда ерни рақс этиб оқ йўрғалар,
Ушбу кун тушларда кишнар ул саманнинг чўбири.
Қайда қолган дулдулу фир, қўш қанотлик кўк Байир,
Ул вафодордан жудомиз, энди ўртаб таъзири.

Ширакайф асримга тезлик келтириб тафтсиз металл,
Гоҳ ийиб той боқса қирғиз «Гулсарий»дир тақдири.
Вақт келиб топгаймикин от қозигин эй, Деҳқизим,
Тухфа айлаб бизга наҳлин у келарми охири.

ҲИНД ФЕСТИВАЛИ

Санъатинг маст этди утсав туйғуми парвозлатиб.
Етти тил етмишта ранг лан кўнглими пардозлатиб.
Кўрки лан қилмиш мулоқот Шарқу-ғарб афсонаси,
Жавдироқ инду қасрлар ақлими ихлослатиб.
Ганди бирлан Раж Капурдек тил топишди лавҳалар,
Тилли рақслар ҳисларимни чашмадек дилнозлатиб.
Кўза тутган ҳур парилар боғлаб олди сарий лан,
Унга жўр фавворалар ҳам сепди дур олмослатиб.
Оҳу кўзлик ҳинду қизнинг ҳусни шайдо айлади.
Манглайн холи дилимнинг дардларин овозлатиб.
Куйга чўмган бўлди олам эҳтирослаб мозини,
Бобиру Нерую Акбар келди завқин мослатиб.
Гулбадан Зебунисолар қув канизин мақтади,
Офарин айтиб жавобим юрди мадҳ гуррослатиб.
Бобирим забт этган эрди юртинги эй, ҳиндларим,
Энди сен таслим этолдинг кўнглими дилбозлатиб.
Кўкрагим тордир шуурга ушбу кун Деҳқон қизи,
Эргашиб кетмоқчи сенга эс-ҳушим дил розлатиб.

АЙРИЛИҚ

Эшитманглар деган нутқу равонимни,
Юсуф афсонасин айтар забонимни,
Бугун булбул бўлак гул ихтиёр этди.
Узоқлардан эшитмас у фигонимни.
Зулайҳо тиклаган ҳайкал бўлиб қолдим.
Букибдир гарданин шавкатли шонимни.

Чавоқланган дилимдан сачраган қонлар,
Адашган лозазор этмиш маконимни.
Кўзимнинг ёшларин Жайхун этиб кетди.
Булутлар қоплаган офтобли онимни.
Кесибдир бошларин бошсиз яшар дунём,
Этиб гирдоб аро ҳар қатра қонимни.
Келиб айт дардими жарроҳга Деҳқонқиз,
Ололсин ғамга тўлган ушбу жонимни.

ГУЛЗОР

Табиат меҳрию сеҳрин тақиб гуллар,
Ҳамалдан бошламиш корин сепиб анбар.
Гўдакдек маъсуму дилгир сўлим гулзор,
Баҳору, ёзу куз фаслин этар дилбар.
Атрғул кўрки ҳар доим қиёссиз деб,
Унинг юз очганин пойлайди булбуллар.
Мудом маст садарайҳон ўз ифоридан,
Санобар ғунчасин тебратса шом ҳайдар.
Тиниқ оқ сарви нарғислар кўзин юммиш,
Қизил гул кўкрагин хуншорлагач чаппар.
Саҳарлаб андалиб келганда кўрмоққа,
Ёниб уйғотма дер осмонда тонг ҳулкар.
Саноқсиз гул эккан деб узма Деҳқонқиз,
Қилолмас севгийинг ўз бандидек парвар.

МУҲАББАТДАН

Ишончдан имтиёз олсак, садоқат ҳам муҳаббатдан,
Ёниб дилдан севар бўлсак, саодат ҳам муҳаббатдан.
Жаҳон нурдан ато бўлғай вафодорин топар чоғлар,
Меҳрдан шамчироқ ёқсак, малоҳат ҳам муҳаббатдан.

Қадр-қиммат унинг бирлан топар ўз излаган ўрнин.
Кўнгилнинг боғидан елсак, шафоат ҳам муҳаббатдан.
Бироқ у гул қилар кимни, тиконинг кимга бермишдир,
Шириннинг аччиғин тутгич риёзат ҳам муҳаббатдан.
Аламнинг жомидан шодлик ичирган ҳам шу
шиддаткор.

Оловдан кул ясаб бергич уқубат ҳам муҳаббатдан.
Қанотсиз айламиш гоҳо умрнинг каптарин ушлаб,
Майиб бўлган кўнгил бирлан ҳалоқат ҳам
муҳаббатдан.

Пешонам шўр, демай Деҳқиз кураш севгинг учун доим,
Хато қилсанг умрбодлик жароҳат ҳам муҳаббатдан.

ЎЗБЕК

Чинордек илдизин улкан ёйиб ўзбекни тармоғи,
Асрлар қаъридан орин кўрар белларда белбоғи.
Кўнгилдек яктагин оппоқ қилиб дўстларни шод этган,
Чаманнинг нусхасин тасвирлагандир донгли қалпоғи.
Форобий ҳамда Синосин, Навоий тан олиб устоз,
Широқнинг эркию, озод Муқаннам хоки тупроғи.
Аму лан Сир қулочкашлаб узатгандир сахий илгин,
Буюк деҳқон олиб ундан Эрамдек яшнаган боғи.
Қуёш доим кулиб боққан унинг шердек камолига,
Қилиб бойликларин кўз-кўз ғурур елпийди байроғи.
Улаб шом нурларин тонглар жаранглар тўю-базмлар,
Ёйиб ҳимматли дастурхон тўлиқ неъматга ҳар ёғи.
Камоллик қалбидан ҳурмат қозонган ўзбегинг
Деҳқон,

Таниб дунё унинг фазлин, қатордир шонли муштоғи.

ҚЎҚОНДА

Ўзбекни юртин кўрдим Қўқонда,
Биллур ҳаволиқ серзавқ ўзанда,
Жўрлар булоқлар булбул навосин,
Боғлар Эрамдек ҳар бир маконда.
Чилвир кокил қиз — Маҳзуна қавми,
Моҳлар ҳаётдир маъсум забонда.
Вайсийни ўрнин ол гул тавоблар,
Елпийди Анбар шаббода онда.
Фурқат фиғонин сўйлар дуторлар,
Куйлар Муқимий ҳар хонадонда.
Қутлуқ бешикнинг алласи руҳлаб,
Заргарсуханлик ҳар нуктадонда.
Чилдирмалар ой тушган келин чун,
Тўйлар жаранглар олқишла шонда.
Ўрганди алёр Деҳқон қизим ҳам,
Собир ва Чархий кўрган замонда.

АЁЛ

Аёл доим бўлиб келган тирикликнинг қароғи,
Маконларнинг законларнинг ёниб турган чироғи.
Ҳаётнинг манбайин ҳам у қилиб берган муҳайё,
Унинг бирлан эрур обод одамгарлик сиёғи.
Табассум бирла мурғакка қарар пайт у нурафшон,
Тараб илдиз билан шохин, ўғил-қизнинг фароғи.
Муҳаббат лан вафо ҳар дам аёл бирлан ҳаётдир.
Шамол пайт ҳам ёнар шамдек саховатдор маёғи.
Мудом интилди у бахт деб, тутиб шаънин мусаффо.
Удир бошлаб сабоқ бергич бўлиб одоб булоғи.
Аёлсиз жой тароватсиз, деяр ҳар ерда Деҳқиз,
Унинг бирлан қизил доим тирикликнинг ёноғи.

БЎЛИБ

Орзуйим қочганда қувдим бахт талаб Лайло бўлиб,
Айтганин ундирмасам ҳам серумид Зухро бўлиб,
Жаннат истатганда дўзах берди он шу дамгача,
Орзулардан лола этсам, қолди доғ гўё бўлиб.
Қақратиб тил чопса кўнгил, кўрди у бастин сароб,
Тушда ҳам кўрмай суюгин, юрди мустасно бўлиб.
Тож талаб қилганда берган бeсиёқ исқот кулоҳ,
Айлатиб бисмил умидин, қолди дил саҳро бўлиб.
Илтижо этдим Худога, рост сўраб пешонама,
Чинларин тасвир этолмай, юрди жон аъмо бўлиб.
Энди бас толени тўкмоқ, бир хазон япроғидек,
Дидлайин умрим чироғин, нурласин рўшно бўлиб.
Деҳқизо, истат кушойиш, истагим йўл ўнглисин,
Қолмасин эзгу умидим беомон гумроҳ бўлиб.

БАҲОР ЗАВҚИ

Гул тақибдир ҳур табиат гулбаҳорнинг коридан,
Чўғсимон алвон чечаклар барқининг алёридан.
Олмагул нимпушти рангин кўрсатар чаппар чаман,
Иш қизиқ пайкалда деҳқон лабз экар ўз оридан.
Ойна айлаб сувга боқмиш соч тараб таъзимчи тол,
Наъматак силкийди илгин ўтса ел себзоридан.
Қир-адирлар лола ёйган, майсадан ташлаб гилам,
Завқ билан офтоб қарайдир, ҳақ тўкиб рафторидан.
Андалиб бўлганда нолон кўкси чок сарғунчанинг,
Жийдагул анқийди руҳлаб, қумрилар гуфторидан.
Милдирар шабнам бутоқдан, гулни жомин тўлдириб,
Ювса у япроқ ғуборин, бож сураб рухсоридан.
Нашъалаб мастдир гулистон, гаштни сур Деҳқон
қизи,
Орзу эксанг унди толе, севгининг гулзоридан.

ЎЗИМГА

Эшит қалбим ифор сўз ҳам, унинг гулзори ҳам тилдан,
Ясаб гулдастасин гулрў, ширин гуфтори ҳам тилдан.
Табассум бирла чехрангга бўлар чоғ маҳлиё маҳваш,
Шуур кўксингга сиғмасдан қувонч даввори ҳам тилдан.
Йўқолганлар топилмишдир очолсанг қалб билан
қалбин,
Чигал тушган юрак торин ечар рафтори ҳам тилдан.
Чироқ ёкқувчи ҳам улдир, ўчиргич ҳам ўшал
шоввоз,
Қоқинган чоғи сирпангич ҳаёт озори ҳам тилдан.
Самимий ҳар дейилган сўз — беҳишт шайлайди
жонингга,
Жароҳат айлагич ўқдек сухан бадкори ҳам тилдан.
Ширин сўз мўмиё доим майиб бўлган юракларга,
Муҳаббат тилларин билсанг, унинг зебзори ҳам
тилдан.
Сўзинг ҳеч кимга ўтмасдан қоларлик қилмасин
Дехқиз,
Асил обрўни қўрғонин қалин девори ҳам тилдан.

ТИНЧЛИКДА

Азиз дўстлар, бу дунёнинг чаманлик боғи тинчликда,
Муассо бирла кенгайган у боғ ардоғи тинчликда.
Жами элларга озодлик осойиш бергучи ҳам у,
Адолат ва заковатнинг тугал салмоғи тинчликда.
Тўлар у бирла дастурхон, жўшиб тўю-томошалар,
Гўзаллик ҳам нуронийлик ва софлик чоғи тинчликда.
Топар ўз воясин инсон мудом тинчлик бўлиб турса,
Унинг офтобидан унган ҳаёт чорбоғи тинчликда.
Мудом тинчликни ардоқлаш вазифа бўлди тарихга,
Юракдан бошласак корин унинг равноғи тинчликда.

Ҳаёт тинч бўлса дўстлар кўп, эсингдан чиқмасин
Деҳқиз,
Ғазалнинг ҳам ширин-шакар сарин сайроғи тинчликда.

ҒАЗАЛ

Ҳар кўнгил кўкламлаган чоғ гул очар гулгун ғазал,
Ҳиссиёт оқ гулга ўхшаб тус намолар мисли лаъл.
Таркибин ишқу-муҳаббат энлаган пайтлар кўринг,
Ёш келинчак таъзимидек оқ гулин айлар гўзал.
Булбулу гулнинг макони, меҳри мумтоз ёғдуси,
Қишда ҳам гулдаста бўлган гулли гулбоз гул ҳамал.
Гоҳ қилич, гоҳида қалқон, нур нурафшон нуқтаси,
Чарх урар осмонда куйлар у елар бўлган маҳал.
Дил аро ёрин ўтиртиб ёзса ошиқ меҳрини,
Ҳатлар у юзлаб асирдан сўзларин айлаб тамал.
Деҳқизо, мусиқ яралмас гар ғазал юз товласа,
Қадр этиб ҳолин сўраб тур айламай куйларни шал.

МАНГУ ОЛОВ

Бағрининг тафтин намоиш айлатиб соҳибмакон,
Терс ловулар тилли ўтлан кимлигин этган баён.
Қалъа бўлган кўкси ўрнин мангулаб машъаллаган.
Ўт аролаб боқди боқсак, сабза мўйлов навқирон.
Қайтмаган оқ турнадир у, кенг жаҳоннинг наздида,
Айлатиб минг бир жароҳат элни кўнглин беомон.
У олиб кетган азиз сўз — онажону, ойижон,
Эсласак тилдан қолурмиз бағримиз айлаб фиғон.
Биз Ватандан ажрамаслик — у учун ажраш эди,
Бекафан, беқабру бежой у тирикдир бегумон.
Ўз элин дунёга машҳур айлаган айтмай отин,
Шуҳратин оламга ёйган ёв енголмас қаҳрамон.

Умрибод ўлмас ўлим у, деб билар Деҳқон қизи,
Ўт ёқиб ҳар бир юракка кутдирар юртин ҳамон.

ҲАЁ

Маънавий конларни ганжи ҳилпироқ нозик ҳаё,
Тонг насимидек ҳазин у лавҳайи кўрklar аро.
Этса ҳамроҳ ким ҳаёни у гўзалдир бегумон,
Ҳам латофат, ҳам назокат у билан бўлган расо.
Унга пардозлар керакмас нақшидир инсонни у.
Чеҳралар офтоб тарайди дилга у бўлганда жо.
Унда имон, унда мазҳаб, ундадир пок эътиқод,
У билан ёшлик баҳори мисли соф оҳанграбо.
Ҳар аёлнинг қадридир у, шер йигитлар қиммати,
Севгилар у бўлмаган чоғ, ўприлиб бўлмиш дуто.
У муҳаббат чун сифатдир, ҳам садоқат белгиси,
Олма гуллаб юзларинда, ошиғин айлар фидо.
Деҳқизо, гар бўлса маҳкам тарбиянг мезонаси,
Қай томондан боқсалар ҳам у билан сен гулнамо.

АЖРАЛИШ

Гул бу деб севганда кўнгил, унса гар ундан тикан,
У юрак деворларига наштарин санчар экан.
Дарз кетар сув сепса қалбга у ёниб турган маҳал,
Изғириндан тош қотиб сув, қўйди номин музлаган.
Дил аро вулқон отилгач, бу кураш шайлар нураш.
Икки дил дўзах аролаб, тафтидан дарз ажраган.
Дард тўлиб бўм-бўш юраклар оламин этган заҳар.
Бу ўпирган тўлмагичдир, кўзни оч йитмай ўзан!
Ота-она ўқ отишгач, у тегиб фарзандига,
Ўрталиқ дарё атолаб, фарқ бўлар у сиймитан.
Ажралиш бўлгач саробдир ҳар умр Деҳқон қизи,
Ишқ сағир, севгич кабиру ўзлари бадбахт экан.

ОЛТИН КУЗ

Куз келиб заррин либосин кийди юртим боғлари,
Тақди олтиндан зираклар ўлканинг чорбоғлари.
Сим ёғоч тизган қаторлаб қушчалар маржонини,
Энди воя бирла бизга хайр деяр сайроқлари.
Қимтиниб оққан зилол сув сузди сокин баҳралаб,
Ўйнашиб олтин балиқ лан тип-тиниқ ирмоқлари.
Тўлди омбору равоқлар хилма-хиллик мевага,
Пахтазор денгизга ўхшаб жавдирар бодроқлари.
Дашт тўлиб молу-уюрдан, ўтлашар хил подалар,
Арғувон жийрон байирнинг шод этиб кишноқлари.
Куз маҳал йилнинг якуни, энг баланд, энг чўққи
пайт,
Унга етгач тўрт томонин кўрди режа чоқлари.
Деҳқизо, олтин куз ўлди ушбу дамлар сенга ҳам,
Умрибодлик ҳосилингни кўп бўлиб қурғоқлари.

НАФОСАТ

Нуҳ бўлиб сузсам нафосат денгизин айлаб тавоб,
Бепоен эзгу бераркан, жисмидан унган савоб.
Маънавий мафкураларни у бераркан барчага,
Маърифат гуллаб у ерда, ҳар савол топган жавоб.
У боболардан қолибдир нақши-наққошлик аро,
Ўрни бор Афросиёбда, курса тарих бопма-боб.
Ҳар тафаккур чун безакдир, маъни-ю мантиқлари,
Санъату созин билиш ҳам, ҳар ёруғ қалб чун гулоб.
Тоза тут қалбинг маконин – дейди Оллоҳ буйруғи,
У билимлардан ўнаркан, ким чидаб берганда тоб.
Доя бўлгандир китоблар, бу илоҳий туйғуга,
Мода-ю, кино театр – онг билимларсиз сароб.
Деҳқизо, тинглаб жаҳонни ол тушунчангдан ишонч,
Шахсиятга моҳиятни келтириб бермиш китоб.

СОҒИНЧ

Ўт қалаб кўнглимга соғинч, ёқди бағримни фаол,
Шеърларим тунларда йиғлаб, байти бўлган бемажол.
Ҳар замон кетмиш хаёлим, у ситамгар олдига.
Бесўроқ очмиш эшигин нозлидан истаб висол.
Ёр яшар доим дилимда, дил бироқ мен бирламас,
У қуёш айлаб нигорин, ўзлигин этган маҳол.
Кун ҳушиму, тун тушумдир ёрни кўрмоқ орзуси,
Ҳажридан ёнган хазонман кўрмайин дудин шамол.
Гулни кўрсам эсга тушмиш сарвининг гул юзлари,
Бу жаҳон усиз қоронғи, бир келиб очсин жамол.
Номи доим ёздирилган қалбими нештоқига,
На қилай меҳрин экибдир кўнглима у пуркамол.
Тушса дер кўз-кўзга Деҳқиз интизор кўзлар тикиб,
Ноумид қилмай у келсин, севгими этмай увол.

ТЕЛЕФОНИСТКАГА

(Тамара Жирмунскаяга)

Алло, алло мени ёримга уланг,
У тушунгандаги торимга уланг.
Йўли тушса боғу-бўстон ичидан,
Ўша йўлни гули зоримга уланг.
Демади у куч олиб бардошидан,
Ўша мағрурини оримга уланг.
Туну-кун безди дилим ҳажр ишидан,
Тонготаримни наҳоримга уланг.
Гули булбулга бориб зорлашидан,
Дили ғофилни қароримга уланг.
Толеин ушлаб уланг бир учидан,
Ўша Деҳқонни баҳоримга уланг.

СИР

Кар-соқовдир сир азалдан барчанинг тақдирида,
Лабларин қулфлаб яширган кўнглининг таъбирида.
Унга жойдир ҳар юракнинг энг қоронғу бурчаги,
Гоҳ суюнч у, гоҳи армон ногаҳон содирида.
Гар муҳаббат бўлса у сир, бахтиёрдир ҳар киши,
У тутиб оппоқ муродин пок ният тадбирида.
Чўғ бўлиб ўртайди гоҳо, сиғмайин у дил аро,
Тафтидан темир эрийди серолов таъсирида.
Қон сўрар баъзан зулукдек ноилож қолганда у,
Гоҳ маҳал баттол чаёндек дардлатар зоҳирида.
Унга азроил малоҳат, кошки ўлса ҳеч демай,
Гар учиб чиққач оғиздан қиймалар шамширида.
Ҳар тунни ёнмиш ётоғи, сир ёқиб Деҳқизни ҳам,
Бир куни тупроғи узра майса у охирида.

ТОПМАДИМ

Эй муҳаббат, таркибингдан зарра шафқат топмадим,
Юлқилаб берсамда жонни, қадру-қиммат топмадим.
Шоҳ этиб севгимни доим, охирам бўлдим гадо,
Сен адаштирган абасдан жилла ҳиммат топмадим.
У ловуллаб ўтса ёндан, ёнди жисму оташим,
Дуд аро қолган дилимга ҳеч ҳаловат топмадим.
Кетди дардсиз лан хаёлим мангу ҳамроҳлик қилиб,
Зорланиб ўртар бу ўтга ҳеч шафоат топмадим.
Йиғласам Мажнун юпатди раҳм этиб аҳволима,
Машрабу дарвеш бўлиб ҳам, бир саховат топмадим.
Синди чил-чил бор умидим, қайтса у санчилғуси,
Бенаво Деҳқон қизимдек ишқда омад топмадим.

АКАМ ХОТИРИ

Дилим дарз кетди дилбандим, нечук тарк этдингиз
бизни,
Бирон кун ҳам касал боқмай, бериб қўймоқдамиз
сизни.

Қолиб йўл бошида нолон, бўлибдир ўртамыз йўқлик,
Асо тутдиртириб бул кун азоблабсиз ўғил-қизни.
Мусибат келтириб тўфон кўкарган шохимиз синди,
Кузингиз келмайин нечун тўкибсиз барги наврўзни.
Тутиб тирсак билан кетмон, яратган эрдингиз
боғ-роғ,

Пишиб улгурмайин мева, қурибмиз унда афсусни.
Урушдан қолдими бу лат ва ё қасд этдими дунё,
Онам соғинди, деб ёки олиб бормоқмисиз ўзни.
Юрак чирсилламиш Деҳқиз учиб ҳар ёнга учкунлар,
Босолмас ўн ўғил-қиз ҳам акам босган шариф изни.

АСАБ

Жонга зарпечак бўларкан зиқ асабнинг ишлари,
Нимтасин қирқиб умрнинг санчиларкан нишлари.
Сертириш пешона бирлан, айлатиб афтин буруш,
Селда қолган мастга ўхшар нерв ачом қилмишлари.
Лахча чўғ торпеда сўзлар у биландир ҳар маҳал,
Бўркли бўҳтондан оловлик дуд тараб тирқишлари.
Қилга ўхшаш ларза кўприк ўтқазар гоҳи маҳал,
Гоҳи чоқ портлайди вулқон куйдириб қалқишлари.
Гар айиқдек тўнка улфат босса нозик шаънини,
Сабрининг тошин ёраркан тунги ҳўл болишлари.
«Эрта кел»га кунда борса, бирда портлар минаси,
Санчилик осколка ундан, бошланар жунжишлари.
Баъзан у ҳеч кимга айтмай ичма-ич фарёд этар.
Гоҳ маломат тоши тегса, авж олар нолишлари,

Деҳқизо, тўхтат асабни у яратмай панжара,
Жоҳилингни фозил этсанг, нур сепар айтишлари.

ТУНДА

Қоронғунинг топиб аксин само тўлган ёруғ юлдуз,
Улар кимхобсимон мавжиб, жимирлайдир бўлиб
кўз-кўз.

Микойл чиқмаган осмон эди шул пайти даргоҳим,
Қанотим эрди орзулар сукунат чоғи чун махсус.
Шу пайт ушшоқни фарёди узоқдан санчди йўқ
ҳисни,

Тушиб ёдимга ўтмиш кун, тағин айлатди кўнгилсўз.
Унга жўр бўлди туғёним, атай мен чун деган куйдек,
Зилол шабнам эди ёшим қилиб ёмғирларин наврўз.
Хаёлим кемасин уфқдан алам тўфони чайқатди,
Меҳр бирлан ҳажр ўрнин этиб тақдир аро қўшкўз.
Чироғим учди бағримдан унинг гул юзларин эслаб,
Жўшиб тақдирни гирдоби — этибдир толеим берўз.
Дегин аллангни Деҳқонқиз кўзин юмсин, дилим дарди,
Висол бўлсин тушим бу тун, нигордан айтдириб
хуш сўз.

ҲАЖР

Ҳаммаёқ кўм-кўк баҳору, мен эрурман куз хазон,
Ҳажри ҳижрон дарди этди ул хазондек заъфарон.
Имтиҳон этмоқда гулрў васлидан маҳрумлатиб,
Ушбу кун қурбим тўкилган қадларим менгзиб камон.
Янгилаб дардимни кўклам телба этмиш жоними,
Фунчалар боққанда менга, бағридан оқмоқда қон.
Майсазор чун бўлди шабнам кўзларимнинг ёшлари,
Лолалар доғ этди бағрин орзу-армоним симон.
Андалиб оромни билмай бўлди нолон мен учун,

Ҳар замон йиғлаб самовот, йиртди бағрин беомон.
Қонталаш инграр шафақлар, раҳм этиб аҳволима,
Кўкрагин хунлатди саҳро у келаркан деб қачон?
Ўт бўлиб меҳрим нигорга ёқди кун-тун Деҳқизи,
Учкунин юлдуз этибдир, кўк юзин айлаб макон.

ИЛОН ЙИЛИГА

Эй, хазина ахтарувчи аждару доман дароз,
Хуш келибсан олтину зар бирла болқиб заршунос.
Интизор бўлган эдик биз, сувни тоштиргач балиқ,
У гапирмай кўп хатолик ўтди қийноқлаб қасос.
Вақтни қадрин билмадик ҳеч зит асаббозлик билан,
Ҳар қадрлик онни нобуд қилди суллоҳ инқироз.
Элни чалғитганни чаққин, чақ уруш кавловчини,
Токи олам пурнамолаб яйрасин беэътироз.
Эътиқод, имон, ҳақиқат келтириб тўк ўртага,
Ҳар ғанимат умри ожиз марҳамат кўрсин бироз.
Жумлаи оламга соғлиқ, барча некбинларга бахт,
Шўх йигит-қизларга толе нуридан бер имтиёз.
Ўргатиб қўй ҳар эгилмоқнинг сирин, ғўддаймага,
Лойли кўнглин халққа суртган сийқадан этгин халос.
Тўхтамасдан ют ёмонни бефаҳм қурбақадек,
Ишқ ўраб келтирки Деҳқиз, шайласин ундин баёз.

XX АСР

Ҳар урушдан нечта чандиқ асримиз рухсорида,
Сон-саноксиз ўқ турибди жисмининг деворида.
Елкасин замбилга менгзир зилдаин қирғин қурол,
Портлаган атом садоси аксланиб давворида.
Кўрмаган ҳатто Микоил, у самолаб кўрганин,
Ўқ отиб ҳатто Худога юрди у озорида.

Қувлаган қушларни тез-тез, тез учар ракета лан,
Ялтирар нейтрон электрон бўйнининг зуннорида.
Кўкка нарвонин қўяр чоқ ойни тинтий бошлади,
Умрибод ойдин тарар моҳ-бўлди хок ул борида.
Беҳисобдир ихтиром, деб талтаярмиш бу аср,
Осди-ку бошин табиат иқтидорин дорида.
Деҳқизо, қадрингни билгин режасиз асринг аро,
Боқ фақат компьютер айтса, эзгу бор изҳорида.

МУНТАЗИР

Эй нигоро, сенга жоним мунтазир,
Минг умид лан жовидоним мунтазир.
Гулнамозшом очса ҳам гул келмадинг,
Бўғзима келган гумоним мунтазир.
Сен учун қирқ кокил ўрдирган эдим,
Ўсмалик абру камоним мунтазир.
Ҳар минут бўлганда соатдек узун,
Лаб қисиб бағримда қоним мунтазир.
Дайди кўнглим кетди пешвоз олдинга,
Дилда офтобсиз жаҳоним мунтазир.
Сенга деб минг бир дуойим бир тумор,
Ушбу чоқ муштоқ нигоҳим мунтазир.
Деҳқизо, ул Лайлининг бардоши бўл,
Йўлда тик пойлаб фифоним мунтазир.

АЁЛҚЎЛИ

Ботирганлар аёл дастин чимилдиқ ичраёқ унга,
Хамир муштлаб патир ёпсин, дейиш бўлган рамз
бунга.
Шунинг чун нон ҳидин сақлар аёлларнинг сахий
илги,
Фаровону чароғон уй яратмоқлик у гулгунга.

У қўл қувват осойишга, унинг лан хонадон обод,
Тутиб роллар экин эккач, заифлик тушди қувғунга.
Ҳамиша сумка у қўлда, гўдаклар бутлигин ўйлаб,
Ҳаётнинг ташвишин эплаш вазифа бўлди туйғунга.
Тўкис у бирла дастурхон, келар меҳмон кўрар ардоқ,
Олиб ёшлиқларин заҳмат етаркан умри сўлғунга.
Аёл диднинг фидойиси, фаросат эридан устун,
Нечук у бастакор, рассом бўлолмай қолди гардунга?
Унинг бармоғи ҳақликдир безак тақмоққа эй, Деҳқиз,
Гўзаллик завқ топар ундан, жами зийнатни бер унга.

ҚЎЛЛАР ХИЛИ

Қўллар хил-хил миннатсиз ҳамкор,
Ул нақд илмин билмоқ салмоқдор.
Товус ранглик рангдор дунё ҳам,
Қўлдан рангин олгувчи бозор.
Бир хил қўллар маҳсул бермоқда,
Бир хил орсиз олсам дер тайёр.
Кўпроқ учрар инъом қилгичлар,
Қулфлар бузган нопок қўл ҳам бор.
Шифокор қўл дардлар юлқийди,
Баъзан бўғмиш ўртоғин бадкор.
Кимдир мижғиб ташлар гардунни,
Гардун тутгач, у абжир абгор.
Жон бахш айлар бармоқ оҳангга,
Қандайдир қўл курмиш у деб дор.
Кафтин чўзган бадбахт қўллардан,
Безор бўлган ҳатто кажрафтор.
Кимдир олмиш, ким бермиш Деҳқиз,
Қўл ишлатмай сузмоқ кўп душвор.

КЕЛИН ТУШГАНДА

Ваъда бердинг менга доим бол суханлар ҳадялаб,
Битди бул кун хайрихоҳинг дилга гуррос ўт қалаб.
Зебу зийнат ичра чўғдек ялтираб кетмоқдасан,
Оқ рўмолингдан қаролик елди жоним тийралаб.
Сен оловдан айланар чоғ, чиқди оҳимдан тутун,
Дил кабобим етмагандек, оқди қоним лахталаб.
Бастакор чалган наводан дод солиб этдим фиғон,
Базми тўй гулзори бўйлаб мен эдим ёлғиз алаф.
Не қилиб қўйдинг азизим, тик боқолмайсан менга,
Қилмишинг виждонга сиғмай, кўз яширдинг пардалаб.
Гулбаҳордан гул олиб сен, менга қолдирдинг қишин,
Найлайинки энди Деҳқиз, қолди жоним телбалаб.

ВИСОЛ

Юлдузлардан ой истаб келгач шоҳсувор,
Тортган дардим даволаб елганди барор.
Бахт-иқболдан йўргатган ҳиммат йўллабди,
Ишқим берган тошқиндан кечган пайт нигор.
Кўнгил шайлаб бўстонлиқ гуллар мунтазир,
Шодмон туйғум оламдан олган навбаҳор.
Бағрим сайдин сайёди элнинг барноси,
Ул бахтдордан иқболим бўлмиш бахтиёр.
Ҳаққоний ишқ дилларнинг қулфин очибди.
Гардун завқин вафодан олгач барқарор.
Тунлар тонгин топган пайт тақдир, Деҳқонқиз,
Раъно излаб Анвардек келган сарви ёр.

БАХТ ҚУШИГА

Кимга дилхуш, кимга бўлмай нохуши,
Ҳамма бир тенг деб тушун эй, бахт қуши.
Тез етиб кел ҳар умидвор кулбага.
Тўлғаниб тўлғоқда бўлгач маҳваши.
Тоғда рол тутган жувонмард шерга боқ.
Боқ тағин сав кетмасин жарроҳ ниши.
Тўкмасин жанглар йигитнинг қонини.
Бўлмасин ҳеч онайи зор нолиши.
Тенглашиб учрат йигит-қиз қалбини,
Бермасин чап нобакорлик жунбуши.
Қиз узатсак тез келиб қўн бошига,
Оқ пойандозлик бўлолсин келмиши.
Қочгану қувганни фарқин англагин,
Кирмасин ихлосга ёлғон хоҳиши.
Бахтимиз бирлан ярат гулгун ҳаёт.
Тушмасин номардга Деҳқизнинг иши.

ПУШАЙМОН

Дилим дарвозасин қоқдинг, ёпиқ қалбдан сўраб
дийдор,
Ишондим мен Жаҳонгир сўзларинг роз айлагач
минг бор.
Меҳр қўйдим шу эркан деб менинг толе чироқбоним,
Бироқ афсуски бу тортиқ адаштирмиш бўлиб бадкор.
Тўкилган ёшлигим бул кун сенинг тўзонли аркингга,
Юмуқ қўзлан юриб мен шўр қолибман йўл
тополмай зор.
Сафо истаб чиқиб кетсанг, эшик инграб қараб қолди,
Ғижимлаб ташладинг номард, этиб хор-хасдаин
абгор.

Пушаймон чанг солар тун-кун, қаёқдан учрадинг
менга?

Кўзим лим-лим тўкилмас ёш олов армони сўзонкор.

Муҳаббат қабри дўпайган менинг бағримда

Деҳқонқиз,

Қани энди юлиб отсам, бўлиб қудратли исёнкор.

ТАРИХ

Эрур тарих жами урфонга мактаб,

Қатор тажрибаю ибратга матлаб.

Унинг жисмин тўлатган турфа тақдир,

Умрлардан ясалган вақтни софлаб.

Боболар пойдевор, бизлар қурувчи,

Садоқат бирла ободдир абадлаб.

Замон ўзгарса-да, ўзгармаган у,

Сўратган молидир ҳар кимга масҳаб.

Ҳақиқат ҳукмини айтувчи удир,

Билолган тарихин қолмайди зайраб.

Кезарлар у аро эрк истаганлар,

Гувоҳ у, бесубут онларда янграб.

Севар у жанговар мардларни ҳар чоқ,

Темирдек қаҳрамон истайди алқаб.

Солар сандиғига сўз айтса Деҳқиз,

Қиёмат кунда ҳам ўлмайди у гап.

МАҚОМ

Маънавий улкан хазина шашмақомнинг гавҳари,
Қирқта қирра нурла ўйнаб, ранг тарайдир айтари.

Ким кулиб, ким йиғлаганди туйғулар гирдобида,

Куйли дарёдан оқаркан – торни тинглар сарвари.

У илоҳий нур саналган, кўнглимиз равшанлатиб,

Торини куйдирди гоҳо дардли кўнгил жавҳари.

Жисми оз, маъноси катта, мунги қудратлик сеҳр,
Мингта қайнаб, бир қуюлган – у юраклар анбари.
Сермадад кучлар атолаб, кўкка чорлар барчани,
Авжидан дил чирпарақлаб, руҳга озиқ янграри.
Куймайин куйлаб бўлолмас, офарин созандага,
У ибодатдек савобли, жонни жондош ҳулкари.
Деҳқизо, ўрган мақомни, олқиш олсанг – у дуо,
Алп аруз уммонидандир шашмақомнинг дафтари.

ДИД

Мураккаб бу жаҳон ичра керакдир дидни маҳтоби,
Очиб у экранин бизга, кўрингай сирни ҳар боби.
Элайдир у ҳаёт мавқин фаросат ғалвирин ушлаб,
Фикр сайқал топиб ундан, аниқ таъбирланар тоби.
Ўнаркан у баланд-пастдан, кўролмай тенг қаро
кўзлар,
Чуқур дидлар бўлиб уммон, мусаффо жилғадор оби.
Ишонмай дид қарар пайтлар — юрак тасдиқ
қилолмайди,
Бўларкан кўндаланг урфон, тошар пайтларда селоби.
Тилин кесган маҳаллар ҳам, солар жар ички дунёда,
Унингсиз сўзлагач ҳар ким, чақар озорлагич хоби.
Муҳаббат дид билан доим севиклик маҳвашин танлар,
Хато қилган маҳаллар ҳам, жазолар дидни аҳбоби.
Мудом боқсанг ижобатга дидинг равшан бўлар
Деҳқиз,
Кўринмай қолса гоҳо у, керак қалбингни офтоби.

ДИЁРГА

Қутлуғ юртим бугун шуҳрат байроқларингда,
Келмиш куннинг нурин кўрдим салмоқларингда.
Бепоёндир боғу роғинг жаннатмаконим,
Мўлу кўллик пайкал тўлган бодроқларингда.
Ер устилаб чорванг ўтлар, остдир хазина,
Ризку рўзинг хил-хилланган қишлоқларингда.
Истиқлолдан яшнаб кетган шаҳарлар гавжум,
Сендан ўрнак олмоқ ҳавас меҳмонларингда.
Ўрхун хату, Авестонинг юртин кўр диёр,
Фаровонлик акс этмоқда тупроқларингда.
Ўз жонимдай асрай сени, дейдир Деҳқонқиз,
Жойнамосиз пешин ўқий ўтлоқларингда.

БОЗОР

Элни ризқин жамғаролган катта дастурхон бозор,
Бу муқаддас ерда исталганча неъмат насли бор.
Саф қаторлашган буюмлар, турфа тадбиркор иши,
Сўнгги мода ялтирайди, кўзни айлаб сервиқор.
Пул экан томирда қони, юргизиб савдоларин,
Молни ўлчоқлаб тарози, у экан ҳақдан шиор.
Ружжу қўйгандир бозорга пул топар бойу гадой,
Ўрта ҳол кўрқар бозордан, чунки чўнтак унда тор.
Йўқни бору, борни бол қилган экан баззозлари,
Ҳеч демас «молим ёмон» деб, пул олиш лан бахтиёр.
Ундан олгач, бунда сотди ҳар бозор озорлари,
Маҳсулот ишлаб чиқармай, пойда излар нобакор.
Деҳқизо, кўзсиз бозорга кўзларинг ўткирлагин,
Ҳар баҳо қимматга арзиб, олганинг берсин барор.

ТҮРТ УНСУР

Раббийим инсон яратди, ризқ бериб боқмоқ учун,
Ҳар одамга берди сезги, айтганин уқмоқ учун.
Умримиз чун тўртта унсур тинмайин хизмат қилар,
Ер тўлиб тошган наботот, биз олиб тотмоқ учун.
Баҳраманд айлаб ҳаводан, таркибин бузманг деди,
Алп қуёшни этди қандил, нур бўлиб ёғмоқ учун.
Жонли-ю жонсиз табиат дамба-дамлаб сув сўрар,
Унга дарё-ю булоқлар шайлади оқмоқ учун.
Шукр этайлик бирда кўпу, бирда оз инъомига,
Айш этиб даврон сурайлик, Тангрига ёқмоқ учун.
У санаб берган умрни — уддалайлик дўстларим,
Охиратда парқу тўшак — талтайиб ётмоқ учун.
Деҳқизо, йўлдан адашма, тақдирингга шак бориб,
Ўзбошимча кимсаларга бор сўроқ тўқмоқ учун.

БАҲОР

Ушбу кун олам муаттар гул очиб гулгун ҳамал,
Ғунчалар қовмин ияртиб, гул сочибдир галма-гал.
Оқ либос кийган келиндир боғларимнинг кўрклари,
Олмагул нимпушти ранг лан худди жонондек гўзал.
Ўйнашиб ўйноқи сувлар, ўмбалоқлар сойида,
Ўнгу сўл қирғоғи бўйлаб, лолақизғалдоқда бал.
Ҳар ёвон тўйхона ёнглиқ, пахта эккан кезлари,
Айлаган зумрат гиламда ол атиргул фестивал.
Лимма-лим гуллола жами — андалиблар чун шароб,
Ундан ичган баҳрамандда бол арим бор тонг маҳал.
Туйғулар осмонга ўрлар қўш қанотин ўйнатиб,
Барча лаблар сертабассум, ғунчалардек серасал.
Деҳқизо, келгин этайлик мадҳларин мушоира,
Ранг-баранг гулдек бўлолсин биз ўқир бўлган ғазал.

БИБИХОНИМ

Ҳам гўзал, ҳам ақли зукко али Қозонхоннинг қизи,
У келиб Темир бобомга ном Қуроғоний сўзи.
Олти кундошу канизлар ундан ўрнак олдилар,
Шу туфайли у Сароймулк — катта аркан юлдузи.
Ҳар туғилган қиз-ўғилга раҳнамо раҳбар она,
Жангавор шоҳзодаларга эрди у мардлик тузи.
Жангга шайланган бобомга доимо ҳамроҳ эди,
Ёнида ўғлон Улуғбек энг севиклик дилсўзи.
Ойу йиллаб у сафарда, чодир у махобалаб,
Синчалаб боққан кўрарди, у эди бахт маҳбуси.
Ақли бирлан боқди ҳар кун шоҳ ила шоҳзодани,
Уқтириб маъно-ю мантиқ, бўлди олам гулюзи.
Қайтадан туққанди у гул, ҳар каниз дилбандини,
Шодимулк жосуслагач ҳам, қутқариб олган ўзи.
Шер бобом оламдан ўтгач, оғуланди боли ҳам,
Энди у нас Шодимулк чун — бўлди олам эркисизи.
Умрибод бўлган фидокор — қатл этилди бегуноҳ,
Шоҳ Халил султонга лаънат дерди эл ёшлик кўзи.
Во дариф, бу етмагандек, ўғри урди тобутин,
Не учун этдинг бу гулни икки дунё эсизи.
Деҳқизо, бир дона гулга юз хазон эркан ҳаёт,
У хазондан бир мачиту мадраса қолган изи.

КЎЗ

Нурафшон кўз бўлиб меҳру муҳаббатнинг чироғи,
Кўнгиллар чун эшик очмиш самимий ҳар қароғи.
Гапирмасдан деган сўзин бутун дунё тушунган,
Юрак қулфин очар эркан малоҳатдор сабоғи.
Қарайдир эркалаб ноз лан — силаб сийпар нигоҳлар,
Кўзим уммонидан суз дер, севишганлар мароғи.

Олиб сурат жаме ердан, йиғар ибрат умрга,
У компьютер қаламсиз ҳам ёзиб хотир вароғи.
Юмуқ кўз чун китоб арзон деган улкан бобомлар,
Нафосот чун тикилган кўз — умрибоднинг яроғи.
Ҳаёт мулкин яратган ҳам, қулатган ҳам қарашлар,
Кулиб кўз лан, гамин қоплаш — ақлликнинг сиёғи.
Алам айтар маънос кўзлар муҳитлардан туғилган,
Қараб тишлар ғижирлатгич — бу оламнинг чатоғи.
Кичик мошдек қарочиққа жаҳон сиғанми Деҳқиз,
Айир маъноларин хослаб, тиниқ бўлсин булоғи.

ВАТАН

Қуёш лан ойга ўхшашган онам бирлан Ватан битта.
Яғонам чун тилаб тинчлик, бўларканман ҳимоятда.
Жамолин сийпалаб офтоб, келиб ҳар кун ўпар пойин,
Худо берган бу истиқлол — мудом турсун ижобатда.
Йигирманчи аср чандиқлатиб кетган унинг бағрин,
Бақувват юрт ясаб энди, яшар халқим саодатда.
Қўруқлайин Ватан шаънин мисоли ору номусдек,
Заковатдор макон тузмоқ — қаноат лан шижоатда.
Унинг равнақи зиммамдир, деяр ҳар бир етук
фарзанд,
Боболардан экан мерос — ватандорлик садоқатда.
Бугун эл-халқимиз озод, севиб ўз саждагоҳ юртин,
Соғинган пайти Бобур ҳам — дуо деркан тиловатда.
Ватан овози овозим, севинч лан ҳайқирай Деҳқиз,
Унинг тақдири — тақдирим, сўрай бахтин ибодатда.

МАЪНАВИЯТ

Маънавият бирга юрган мавқимиз маҳтобидир,
Гар у нурдан ҳақ ололсак, умримиз офтобидир.
Ақли бирлан ўлчанилган энг бурун Одамато,
Тергилаб йиғган фаросат — орзумизнинг хобидир.
Мулки маънолар хазина, у боболардан мерос,
Ўприлиб етмишта йил лан дердилар бетобидир.
Сўнган эрди ҳикмату байт, сарғайиб миллийлиги,
Шал эди фарз бирла суннат, номланиб нобопидир.
Асли нур маъно-ю мантиқ — келди бул кун ҳур бўлиб,
У заковату маърифат ҳам элин шодобидир.
Маънавият қиррадордир, у очиб бахт қулфларин,
Ўсдириб Оллоҳ берарни, ризқу рўз серобидир.
Ҳар билим тўплайди бойлик, бойлигим бермас билим,
Касбу кор ҳар хил бўлиб ҳам билгучи ноёбидир.
Деҳқизо, урфонни ўрган, у одамлик қудрати,
Келгусин юксак кўриб у, давримиз меҳробидир.

ПУЛ

Ҳар тараққиётга пул қудрат эрур,
Иқтисоду режага ҳиммат эрур.
Барча имконлар унинг лан ўлчаниб,
Сарҳисобин севгучи қиммат эрур.
Манфаатлар тўқнашар ҳар кун у деб,
У адолат ичра турган ҳад эрур.
Пулни пул топмиш агар рост ишласа,
Ишчи-ю деҳқонга у суръат эрур.
Бўлса исботсиз харожот-у увол,
Бахту бахтсизликка тенг ҳожат эрур.
У экан мақсад йўлин воситаси,
Камлигу кўпликлари ғурбат эрур.

Қолса пулсиз ҳар одам айбдор эмас,
Бўлса йўлсиз пул топиш — ғорат эрур.
Бўлди маҳбус пул кириб сандиқчага,
Банкка борса, кўз ёриб рағбат эрур.
Пул ҳаётнинг қонидир, бил Деҳқизи,
Жону-тан соғ бўлса, у қувват эрур.

ХИНА КЕЧАСИ

(Ҳинобандон)

Сарвиноз қизлар келишган, тўйга айлаб эҳтиром.
Лайли-ю Ширин, Зулайҳо қавмидек қойилмақом.
Оҳудан андоз олибдир, тим қаро наргислари,
Сўз билан кўздан уфуртиб, бир-бирин сийлар калом.
Даврадан барқиб латофат, айш ҳинобандон кеча,
Бахт сепин ёйган келин чун жўр тараннолар мақом.
Рақсининг раққоси ҳамма, хилма-хил парвонадек,
Қумрихон ўйнаб тугатмай, Гулсанам бермиш салом.
Эҳтирос жўшган жиловсиз пардаланган хонада,
Дарчадан киргучи нур ҳам, биргалаб айлар хиром.
Дастагул ёнглиқ келиннинг тақдирин табриклашар,
Айшидан маст эрди кўрган, то саҳар айлаб давом.
Деҳқизо, ҳар битта қизга бу шараф этсин насиб,
Зарни қадрин билса заргар, барчамиз тўй чун ғулом.

УЛУҒБЕК

Улуғбек изларин кўрдим юриб сайқал Самарқандда,
Расадхона ясаб бўлган экан олий намоянда.
Само юлдузларин бир-бир кўриб бунёдлатиб зижин,
Илм осмонидан юлдуз деганлар хизматин фанда.
Замон фозилларин тўплаб, заковат порлатар эркан,
Жаҳолат қасди йўл излаб, бўларкан иш пароканда.

Қабоҳат ҳисла парварлаб, ёвуз Абдулатифларни,
Қадоҳин тўлдириб қон лан, падаркуш бўлди
шарманда.

Тушиб осмон равоғидан, Қуроғонийли ном синди,
Бўлиб тарихни чипқони, ўтирган тахтга сўзанда.
Жаме юлдуз қолиб дилхун, кўзин ёш этди милтиллаб,
Қамар мотам рўмол боғлаб, булут йиғлар экан унда.
Унинг орзуларин бул кун — жаҳон осмонга етказди,
Ўсиб сардор илм-ҳикмат ўшал урфонга монандда.
Улуғбек номи номим деб, мудом эслайди Деҳқонқиз,
У ном олам аро сўнмас башарлар ёнгли арзанда.

АЙЛАБ

Хатингдан жон олиб жоним, шафақланди жило айлаб,
Дилимнинг каптарин йўллаб, жавоб айтай бажо
айлаб.

Агар сен ой бўлар бўлсанг, тиниқ уфқинг бўлай доим,
Қуёшнинг лутфидек шоҳу гадога тенг вафо айлаб.
Зулайҳо йўлларин босдим, Юсуфдек интизор этма,
Гулистон шайласин кўнглим, ишончдан ибтидо айлаб.
Юракнинг боғидан унган, сарин сумбул ўзинг
бўлгин,

Нурингдан ёғдулар кутган, харидоринг ризо айлаб.
Ҳаётнинг рангларин дидим сенинг ишқинг билан
кўрган,

Ёруғдир орзуйим ундан, умидворлик бино айлаб.
Чақирсанг кўкка ҳам чиққум вафо нарвонидан Деҳқиз,
Жидолик дарчасин беркит, муҳаббатдан ибо айлаб.

УНСИЗ

Муҳаббат ғунчасин тўккач, еларкан муддао унсиз,
Юракнинг тафтидан тош ҳам эриркан жо-бажо унсиз.
Сақов ҳис бандилаб бағрин, унинг сиймоси лан
сўйлар,

Хаёлан этдириб суҳбат, бўларкан муфтало унсиз.
Бугун у ҳулкарим тўйлаб, ёпинган зар билан кимхо,
Ичим йиғлаб, кўзим инграр, дилим дер алвидо унсиз.
Олов ол тақдирим якбор, тутаб бағримга ўт ёқмай,
Ҳаётдан ажрадим бул кун, этиб у интиҳо унсиз.
Ичим дафн айлаган орзу, унинг ёдин этар хотир,
Бўлиб Деҳқиз симон маъюс, эгик бошим жидо унсиз.

ОМАД

Келса гар олдингга омад, мустажо айлаб мурод,
Юганин тутқазди деб бил жилвалаб чопган ҳаёт.
Бахт қушин қўнган кўрурлар омадинг келган маҳал,
Синдирур тошларни шишанг суйса ул зар ботма-бот.
Ирғитар йиллар юкин тез, бир кўринган пайти ҳам,
Бахтининг нарвони бўлмиш, тутса гар ҳар мавжудот.
Кувгану қочган умидвор ул шафақнинг васлидан,
Меҳрию сеҳрин айирмай, ташрифин дерлар нажот.
Аҳддилар кутмайди ундан зайраниб бир бор насиб,
Меҳнатин яшнатса балқир бахту иқбол умрибод.
Орзуйинг омадга ошиқ покният Деҳқон қизи,
Соғ-саломат бўлса мавқинг, омадинг доим кушод.

САБОТ

Ушбу кун ақлимни чархин бузди гап айлаб ғарот.
Гулни анбардан жидолаб, терс тикан айлатди мот.
Қоядек қадрим кулабдир бу маломат олдида,
Тиндалаб бағримни чангал, ун чиқармай дейди: дод!
Топталиб бетоб асаблар, оҳларин этмиш тутун,
Куйдирар сўзона чўғлар, кул босиб ундан мурод.
Иззатим навсин жиловлаб, қўйди устун тоқатин,
Унга ўхшаб сўз дейилмай, ўз-ўзин боғлаб сабот.
Яхшиям сен бор иродам, асрадинг ор-номусим,
Бир тутам дош берди сабрим, айлатиб фазлин қанот.
Деҳқизо, қайтарса гардун бу сифат пўртонани,
Одамийликнинг саботин тоқатинг этсин нажот.

ИЛҲОМ

Дур йиғар илҳом садафдек, сўз элин уммонидан,
Дасталар гул, рангга мослаб, бағрининг бўстонида.
Қалбидан мавжир муаттар, хуш нидонинг тўлқини,
Жўрлатар булбулга айтиб, ишқининг достонидан.
Тергилаб офтобни нурин — зар қуёш шайлайди у,
Тиллақош боғлабди тунлар, ой чиқиб айвонидан.
Авж сўзин айтганда илҳом, гул очаркан кўксини,
Чашмасин кўмдирса ғаддор — жилдирар ҳар ёнидан.
Тор навосин тинглаган пайт, дардидан кул ҳам ёнар,
Мисралар ўнмиш ўшал чоғ, ул олов жавлонидан.
Сўзга деҳқон, гапга боғбон, бўлди дил туйғулари,
Жирканар иллатни кўргач, лаҳзанинг арзонидан.
Бир кулол даргоҳидир у, боққин эй Деҳқон қизи,
Ёмбилаб пишганда ашъор, чиқди дил хумдонидан.

СУВГА

Эй улуғ оламини поклатгич зилол,
Сен билан ғафлатли кажрафтор ҳалол.
Ложувард чехранг чизилмас кесса ҳам,
Томчийинг оламини акс этган жамол.
Сендадир сербаҳра гулзор анбари,
Хусну олин олди сендан гулҳилол.
Мард табиат сен билан орастадир,
Боғу бўстонлар топар сендан камол.
Кўп қават уй жумрагин бургач бека,
Кўрсатибсан унга хизматдан фаол.
Барқи ободлик сенинг лан юксалиб,
Ҳар харобот янгидан бошлар ниҳол.
Юмса кўз инсонга қатранг сўнги ҳақ,
Сўнги ғуслин ҳам берибсан бемалол.
Сифмаган таърифларинг олам аро,
Деҳқизинг қадрингни этмайдир увол.

ТОЛЕИМГА

Туғилган пайти йиғловдим, бу дунёинг етармас деб,
Адолат кўз юмиб бир кун ҳақим таъмин этолмас деб,
Дединг: «Лойдан эмассан сен, танинг темир, руҳинг
метин»,
Гапинг рост деб курашдим мен, юрар йўллар
хатармас деб.
Ҳақиқат-чун югурган чоғ, ҳаёт бир телба деб билди,
Йўлимнинг тоғу давонин яратди у ўтолмас деб.
Жувонмардлик насиб этмай, ярим кўнгилла улғайдим,
Умидим толмайин доим қидирдим бахт тополмас деб.
Ҳаётим гулламасдан ҳам, кераклик мевасин тугди,
Кўролмай тунтаяр чоғинг, яшиндим мен тутолмас деб.

Қулоқ излар маҳалларда, бурундан ҳам жидо қилдинг,
Мени кашф этмайин бурчинг, сени кашф айладим
паст деб,

Унутдим ўз азобимни, ғариб ҳолингни кўрганда,
Ҳайифлар чун бажардим иш, заиф мендан батармас деб.
Дилим боғин этибсан лош, қилиб қисмат тўнин жанда,
Пешонам шўридан кўз ёш оқар доим тўзармас деб.
Дилим исёнидир бу шеър, туширмай ёз сўзим Деҳқиз,
Ўлар пайт ҳам қўшиқ айтай, бу хил толе керакмас деб.

ИСЁН

Раҳимсиз дийдаи маккор, ҳечам шафқатни билмайсан,
Висолинг чун гадоларнинг сўзин парвога илмайсан.
Гўзал оним сароб бирлан ўтиб бормоқда маҳсулсиз,
Сенинг-чун жон фидоларга қадр-қимматни хўрлайсан.
Шимиб тек ўлтирар эрдим, агар толе заҳар берса,
Бироқ сен кўз бўяб доим хиёнат лан хуноблайсан.
Дилимнинг қаъридан ўнган суюк ол гул ўзинг эрдинг,
Бугун бахтимни мажруҳлаб, ҳазиллар бирла
ранглайсан.

Кўпайган дардларим бул кун дейилмай тўпланиб
ётгач,

Лабин тишлар чидамлар чун бирор инсофга келмайсан.
Экан тақдирларим ожиз, сенга меҳримни бой бердим,
Эгик бошимни кўрсанг ҳам, алаф ёнглиқ виқорлайсан.
Қилибдир инқилоб кўнглим, жаме дардингни айт
Деҳқиз,

Муҳаббат дод солар бул дам, бу хил тўфонда
хасдайсан.

ХАЁЛИМ

Нуқтадан сиймо кўринмиш эласам дилдорани,
Айлатиб ўйловда фарқоб мен забун бечорани.
Соғиниш осмони чорлаб, учса лочиндек хаёл,
Тил демасдан дил деяркан дардидан изҳорани.
Сўз етишмас ҳиссиётдан унга роз айтай десам,
Бир юракдан юзта сўқмоқ топмас у маккорани.
Ёрга етмоқ чун чиқайми севгининг давворига,
Кўрсин у дарвозасида бу дили хуншорани.
Кўчки тошдек якка истак турфа дардим турткиси,
У варақлаб дил китобин изламиш сайёрани.
Босди Деҳқонқиз насибдан зор Зулайҳонинг йўлин;
Минг ўтиб қайтиб нигоҳдор кўрмагач афгорани.

МЕВАЛИ ДАРАХТГА

О дарахт, йил кўрди сенда ўз камолу келватин,
Союю меванғни пешлаб, берди элга ҳимматин.
Ёзди ҳеч кўрқмай кафолат сенга гардун қонуни,
У билан топган табиат тожисарлик зийнатни.
Ҳар баҳор сандиқ очиб вақт кийдирар сарпо сенга,
Гул тақиқ зумрат либосинг сернамолаб санъатин.
Сен ишонч оқлаб чиниқдинг, ҳеч демай иссиқ-совуқ,
Тоқатинг паймол этолди шум довуллар суръатин.
Энди ҳар кун қуш қўноқлар кўркларингга куй тўқиб,
Ёз маҳал офтоб силайди, сенга йўллаб рағбатин.
О дарахт, тик бўл илоҳим, ётқулик кун келмасин,
Сен билан Деҳқон бадавлат боғу роғлаб элатин.

МУСИҚА

Дилим нохушлигин доим сарин куйлар даволайди,
Баҳор шаббодасин чорлаб, тилак ҳоврин саболайди.
Муаллақ пирпирар тўрғай ва ё булбул келиб кўрсин,
Оҳангин қўл туталмасдан, тиниқ диллар жилолайди.
Дуторнинг торларин бармоқ улатган жон самосига,
Овоз берганда ҳар тамбур, бобом ёдин садолайди.
Муножоту тановардан деган найлар эзар дилни,
Тахир хотир ширин дардин намоишлаб нидолайди.
Жавоҳирдек яшаб куйлар, замонлардан ошиб ўтган,
Увайсий Нодирам мунгин ҳамон кўнглим самолайди.
Дилин маъсума айлайдир, наво этганда Деҳқонқиз,
Юрак офтобланиб ундан диловарлик атолайди.

ОРЗУ

Орзулар тугганда куртак ўз чекин гулшанлатар,
Истагин айлаб музайян, дилни маъсум гул этар.
Раҳнамо мафкура бўйлаб, олға бошлар доимо,
Муттасил порлар қуёшдек, йўлга офтоб чорлатар.
Интилар тинмай баландлаб, бор муҳитдан куч
сўраб,
Хоҳишин чарчашга қўймай, жон фидолик айлатар.
Ул қанотдир ҳар муроднинг шавқ билан учмоғига,
Ҳосилин ўрганда болқиб, даврасин давронлатар.
Жисмидан пайдо қилиб ишқ, ҳур муҳаббат жонидир,
Экранин ёр расми энлаб, дилда шамсдир зулфизар.
Товланар товусга ўхшаб, бўлмайн деб серсароб,
Солмагач тақдир қулоғин, йилтироқ қуртдан батар.
Орзусиз дунё абасдур, орзуманд Деҳқон қизи,
Ҳар қилар орзунг жиҳатлаб, ўзлигинг порсанглатар.

ҚАТРАЛАР

Бу жаҳон ҳар хил нуфузлик қатралар бозоридир,
Ўз маконин акс этувчи кўзгунинг меъморидир.
Қатрасин топганда илдиз, сақланар тош ичра ҳам,
Хайр этиб томганда ёмғир, ҳар чаман алёридир.
Томчилаб келган қизил қон, тиклатар жон қоматин,
Жавдироқ кўз ёш бўлар чоғ, гудданинг кирдоридир.
Томса гар бир томчи оғу, бир челақ сув ичкисиз,
Битгалаб томган хусумат, жон оларнинг доридир.
Жовдираб қўнганда гулга, у суюнчдан титрамиш,
Унда рақс айловчи офтоб, ҳур табиат коридир.
Қатрадан пайдо жаме жон, халқи эл ҳам Деҳқизи,
Сен кетиб ҳам у қоларлик мангунинг ҳамкоридир.

ОРЗУЛАР

Борки орзу, туйғулар осмонидан қоқмиш қанот,
Борки орзу, ҳар юракдан йўл топиб шайлар мурод.
Борки орзу, қиммат излаб, тўплаган арзонини,
Борки орзу, макридан ранг бўртдириб айлайди мот.
Борки орзу, бир садафдан ўн тизим дур борлатар,
Борки орзу, ҳеч амалсиз бастидан йитган сабот.
Борки орзу, соф ниятнинг сайқалин пардоз этар,
Борки орзу, усти тўнлик, ич юпунликдан ғарот.
Борки орзу, зим-зиёдан шамчироқ ёнглиқ ёнар,
Борки орзу, қувса қочган ҳеч кўринмай барҳаёт.
Борки орзу, умри ортилган улавдай йўл кечар,
Борки орзу, космонавтдек сайри истар коинот.
Орзулар онгдан ўзолмас орзуманд Деҳқонқизи,
Борки орзу, йўлни ҳатлаб, чўққидан топган ҳаёт.

УМР

Умр мақсадларин билгач муқаддас онг билан инсон,
Ниятдан қисматин танлаб, ҳаёт гаштин этар бўстон.
Сахий ердан еган ноннинг тузин оқлаш бўлиб аҳди,
Ўриб тақдирга эккандан, топар мавқин деган даврон.
Жасур ёшлик йиғиб қиммат, этар таъмин умрбодни,
Ҳаётнинг дарсларин уққач, уяр бахт мулкидан хирмон.
Қийин афзал, агар енгил куним маъно демас бўлса,
Яшашдан яхти из қолгач, умр қилмайди ҳеч армон.
Биров ўттизда қартайган, биров саксонни ёшлайди,
Умрнинг ўғрисин ушлаб билолмас бўлса у нодон.
Куним ўтгач оқар сувдек, ясаб гоҳо ўсал гирдоб,
Азим дарёда бир хасдек оқар бўлган дамим арзон.
Ҳаёт бир марта теккан, деб ўкинган бўлма Дехқонқиз,
Зиё умринг фидо бўлса, у дунёинг бўлар шодон.

ҲАҚИҚАТ

Қуёш ҳукмин қиёс айлаб ҳақиқат,
Бузулмас қалъадек сақлар салобат.
Муроду мақсадим ошкоралик, деб,
Бўлар қаллоб учун оташ маломат.
Хатонинг кўзгусин тутган маҳаллар,
Этар тош ёргудек ёрқин каромат.
Чигал тушган маҳал олам каломи,
Букилмай сохтидан ростлар тароват.
Удир ёлғон дегач, қалқиб чиқар ёғ,
Пичоқ ҳам кесса тегдирмай жароҳат.
Буюк эҳромидан фанлар чиқар чоғ,
Гувоҳ излаб эгилмайдир заковат.
У деб инсоф билан имон туташган,
Этишгач мулкидан дастгир ҳимоят.

Тириклик бачкисин кесган нуфуз у,
Тахир теккан маҳал ҳам деб, малоҳат.
Топиб Деҳқонқизим ундан шифолик,
Тилар ҳар кимга ҳам ундан шафоат.

ҲИРС

Эҳтирос этганда хом ҳирс, кар ва кўрдир ҳар киши,
Ўз хусусий ой-қуёшин ўтга тоблаб оташи.
Ул кутиб турмас такаллуф, даккилар тўсганда ҳам,
Онларин қадр айламайдир интилишнинг янграши.
Шишадан гавҳар ясар у, тунни кундузлаб юриб,
Бевақт гул дўлга учраб, мевасиздир хониши.
Беғубор олтинга боқмай, мис томон қоқмиш қанот,
Роҳатин излаб азобнинг, пурсароб ҳар чанқаши.
Ёш гупурган пайти қайнаб, ҳис кўпик бўлмоғи бор,
Ўлчамай ўртаб севишлар — кексаликнинг чангиши.
Пишдириб сўнг ихтирослат сен мудом Деҳқон қизи,
Юрса ҳирс қилвир қуюнлаб, бор ҳаётнинг хаскаши.

ЎТКИНЧИ УМР

Даврлар мақсадин айлаб ижобат,
Етаклар келмишин ўткинчи муддат.
Гулу гулюзлилар ўтгич латифдир,
Ҳусн-шабнамсимон кўчгич латофат.
Борар ёшлик тубан эсган шамолдек,
Аҳорин юлқалар йўлларда шиддат.
Қилолсак уддасин, бир дам умрдир,
Билолмас умрию вақтин қилар лат.
Яшашлар нася-ю, ўлмоғи нақддир,
Умр жорийлигин бўйлайли қудрат.
Бу ёндан кирсагу, кетсак у ёндан,
Фақат ўлмай қолар тил тиклаган қад.

Умр омадларин ҳеч кутма Деҳқиз,
Ўзингдан борланар ҳар лавҳи ҳикмат.

БУВИ БЎЛДИМ

Бугун беҳад жаранглар одми кулбам,
Қадирдон дўсту улфат ҳам жамулжам,
Уйимнинг устидан офтоб таралди,
Момо бўлдим, етиб иқболу хуррам.
Табиат тортиғин этган ўғилчик,
Унинг йиғлашларин қучмоқда хандам.
Дилим бўстонида гул очди раъно,
Ҳаётим илдизин бошлатди эртам.
Ақлтин чиқмайин бўлдим моможон,
Ҳамон турмушларимда маъни бир кам.
Жужуқнинг фазлидан уй тўлди қутга,
Қуёшдек бўлди бахт кутгувчи тонглам.
Ҳаётим топди энди ўз давомин,
Умрнинг меваси Деҳқиз у дийдам.

ОЙДИН КЕЧА СУКУНАТИ

Ой тўлиб, юлдузни сепгач коинот,
Сувда аксин ювди нур йўллар мурод.
Лол сукунат тилга киргач аллалаб,
Жон қулоғин тек тутибдир мавжудот.
Барг шивирлаб, ҳасратин айтар маҳал,
Алла қайдан дил эзиб куйлар баёт.
Субҳи денгиздан дурин излаб дилим,
Ички туғёнин овозсиз этди ёд.
Қайдасан умримни рўшно маҳри деб,
Интизор бағрим кутар сендан нажот.
Раҳм этиб Оллоҳ севолса Деҳқизин,
Ер юзин рўшноси бўлмиш барҳаёт.

ОТА

Падарнинг ўрни ҳар фарзандга дунёдир,
Ҳаётнинг манбаин бошловчи маънодир.
Жаҳон устозидан устун этиб таъсир,
Умрнинг ҳукми сўнмас қўрли фатводир.
Сифат илдизлатиб, япроқ кўкартганда,
Зафар пайвандларин кўргучи донадир.
Падар рафторидан фарзанд олиб маъно,
Юрар йўл сар-басар равнақли рўшнодир.
Халол меҳнат билан ободлагач маскан,
Ҳаловат мулкидан маҳсул муҳайёдир.
Агар ундан путур санқиб кетар бўлса,
Тароват маҳрининг бўстони саҳродир.
Унинг бир қисмисан ҳар ерда Деҳқонқиз,
Отанг ўз фазли лан ибратли сиймодир.

ИЛҲОМ ПАРИСИГА

Эй парийим боғлагансан сочларинг лан жоними,
Жилмаюрсан рўпарамда маҳлиёлаб оними.
Инқилоб бошлайди кўнглим, бир нафас
маҳталласанг,
Дил аро бир даста гулсан, фатҳ этиб паймоними.
Дард бериб дармон сўрайди, оқ қоғознинг ҳар куни,
Нурпарас парвона этган, тоблатиб жавлоними.
Ярқирар бошингда тожинг, муштарий айлаб мани,
Сифмайин кўксимга мадҳинг, бошлатар сайроними.
Талпиниб мастона ишқим, қўш чироқдир йўлингга,
Қўл бериб қимматга элтгин, арзимас арзоними.
Баҳраманд қилгин ҳамеша, восилу васлинг билан,
Бол кўшилган тилла Деҳқиз, шайласин девоними.

КАМОЛАТ

Ҳаётнинг лампасин ёққич камолатдир,
Кўнгиллар фахр этиб боққич матонатдир.
Муҳитнинг чеҳрасин ҳам у безаб нурга,
Одобнинг кўрklarин очгучи қудратдир.
Юғурмиш мавқидан илдизлатиб рафтор,
Самимий дил билан сийловчи улфатдир.
Эгилган шох солибдир мевасин мўллаб,
Итоат этдиарар салмоғи ибратдир.
Билимдан йўл ясаб, орасталар хасмин,
Муҳаббат-чун вафо тўплар назокатдир.
Бажолатгач элин ихлосларин Деҳқиз,
Бугундан келмишин топгич шижоатдир.

БОБО КАЙФИЙГА

Оловнинг сатҳидан ўтган, хумор ўртатса парвона,
Булут бурдин йўқотгандан, шамол судрайди ҳар ёна.
Учиб бургут, қўнар чумчуқ, нечук айтай нидоларни,
Майишат чет билан битгач, харобот ўнди кошона.
Бўлиб сархуш виқор айлар, сезиб қаддин чўзилгандек,
Алахлаб сўз гупургандан, путурлар бўлди вайрона.
Ҳазар сезмай шамоллардан, қуюн келгач иложсиздир,
Сиёғин кўргулик қолмай, асил дўст бўлди бегона.
Ароқ оқдир деган билмас, қародир у деяр Деҳқиз,
Бўлолмас майпарастлар жонга-жон боғлавчи жонона.

МИРИШКОРЛАР

Офаринкор бошлагач иш, ҳар қийин таслим бўлар,
Тилла қўллар кўзни кутмай, ўз-ўзин бурчин билар.
Зарни қадрин билса заргар, дид билан тоб режалаб,
Уфқи кенг, осмони ўлкан жабҳадан офтоб улар.

Ишни ярмин илми қилган, тошга гул солганда у,
Дид қалатгач, қор ловуллаб, газ симон гулгун ёнар.
Ул мусаввир чизса сурат қалбни ҳам тасвирлатиб,
Барча эл олқиш бажолаб, меҳнатин мангу билар.
Гар шифокор бўлса шоввоз, тиғ бераркан қайта жон,
Санъатин ёйган маҳорат, умрибод ўлмаи қолар.
Елканин ўтказса ҳар ким, сатҳи тўфон қаъридан,
Меҳнатин роҳатга пайванд айлатиб ялло қилар.
Касбини билганда собит, ул етукдир Деҳқизи,
Ул ишончлик покниятдан кўнглимиз доим тўлар.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Ер чечакдор мавридин этгач хумор,
Нор булутлар сув ташиб ювмиш ғубор.
Гулпалак ёйганда гулсоз жилвалар,
Қўш қучоқлаб этди қизғалдоқ нисор.
Бир туғулган — бир ўлар, деб ул сулув,
Ғурбатин чўктирди парварлаб миъёр.
Бағрининг доғин писандлаб турмайин,
Бир баҳор умрин этибдир сер виқор.
Милдироқ шабнам қадоҳин тўлдириб,
Тонг сабо ҳар кун қучиб нўшлар наҳор.
Барча тенг ул камтариннинг наздида,
Дилкушолик рангидан шайлаб аҳор.
Гоҳ унар чўғдек бўлиб бўстон аро,
Гоҳ маҳал қабр устидан айлар диёр.
Чўққидан парвонадек имлар маҳал,
Жар ичин ҳам хайри этмиш бахтиёр.
Чўл адирлар ташлатиб ундан гилам,
Тоғ тубин гулханлатибдир ҳар баҳор.
Ҳусни Деҳқонқиз дилин чертар эмиш,
Ул сулувдек бўлса деб ҳар устивор.

ТОҒ

(манзара)

Ёз келиб, давронларин этгач фароғ,
Оқ сочин пардозлатибдир кекса тоғ.
Салладор рангсиз булут ёнбош тушиб,
Дам олибдир хом туман рослаб сиёқ.
Бир-бирин мингашди дўнгла қувлашиб,
Қилга тош боғлатдириб харсанг равоқ.
Мушк таратмиш арчалар шаббодада,
Сурма қўйган каклигин айлаб сўроқ.
Ҳис йўқотган тош умрбод йиғлагач,
Кўз ёшин айлабди биллурлик булоқ.
Паст адирнинг серсабо қишлоғи бор,
Тоғ қизин оҳу демиш кўрган қароқ.
Шўх булоқ ўйноқламиш шалолалаб,
Баҳридан Деҳқиз олибдир зўр мароқ.

РОСТ ЭКАН

(Келин кўришида)

Эй суманбар таърифингдек ой жамолинг рост экан,
Даста гулдан ранг ололган лаъли олинг рост экан.
Ғунчадек гул фасли кутдинг, ушбу кун чапсар уриб,
Ойга юлдуз тўғнагандек, қуйма холинг рост экан.
Хўб ярашган сурмадор кўз қошларинг меҳробига,
Нимтабассум айлаган пайт, элда лолинг рост экан.
Тонг маҳал еллар тараркан сочларингнинг атрини,
Зулф илан боғлаб олувчи — бўз фаолинг рост экан.
Кўз қамаштирмиш қуёш ҳам мавжи сарпойинг кўриб,
Нур тўкиб ҳар бир саломинг, оқ рўмолинг рост экан.
Боқса Деҳқонқиз меҳр лан, қалқди ҳовринг шарм этиб,
Бахтли бўл умру абадлаб, соф камолинг рост экан.

ЖИГДА ГУЛЛАГАНДА

Кўк булут ечгач рўмолин, бўлди офтоб эрталаб,
Жигдагул мушкин уфуртиб, чиқди пешвоз эркалаб.
Тонг сабо излаб муаттар, кокилин селкиллатар,
Топса у бу жигда боғин, маст бўларкан баҳралаб
Бахс этар бўлган атргул, жигдагулдан енгилар,
Бир қучоқ гулдастадор ҳам, унга интилтирди лаб.
Гар висол топганда ошиқ жигда гуллар чоғида,
Умрибод эслаб юраркан, бу висол мушкин тилаб.
Деҳқизо, бол арилардек сийпадинг гул атрини,
Ҳар баҳор қишлоққа борсанг, севдирар у қайталаб.

БУЛБУЛ

Этиб булбул сарин кўкламни обод,
Чаманлар қўйнидан айлар музопод.
У боғнинг мадҳи чун бўлганда шоир,
Гулим тазкирасин айлайди ижод.
Саҳарлар завқ билан уйғотса гулни,
Уятчанг ғунча ҳам гул этди бунёд.
Атргул қоматин кўз-кўзлаганда,
Жўшиб сайрайди куй айлаб мукофот.
Сабо теккан маҳал тонг анбарига,
Ёниб рашкдан, бўлар илҳоми фарёд.
Вафосиз мушк насим лан кетса боқмай,
Чидолмай ёқавайрон бўлди бот-бот.
Кўриб даҳр оташин Деҳқиз бу куйдан,
Деди: бу ишқ аро ошиққа исбот.

БИОГРАФИЯ

Ғазал гулғунчасин севган зиёдурман,
Гулим анбарли бўлсин деб адодурман.
Баҳорим барқ урар пайт жанг эзиб ўтган,
Базўр тош остидан чиққан гиёҳдурман.
Очилган гулларим бўлган оёқ ости,
Куюк гулдастадан қолган гувоҳдурман.
Сўлим раънолигим қурбон бўлиб кетган,
Дилим лоланг симон, бағрим сиёдурман.
Баҳордан гул талаб қилсам, қўлим етмай,
Хазонрез барғни ушлаб интиҳодурман.
Тупим райҳон экан, рангин очолмайди,
Яқин келганга кўрсатмай ибодурман.
Чамандан ўрганиб гуллабди Деҳқонқиз,
Менам ёндан ўсай, деб жонфидодурман.

МЕҲНАТИМ

Иштиёқлар ишда тоблаб, этди бардам меҳнатим,
Завқу қувноқлик уфуртиб, ошди кунлаб қудратим.
Гоҳ шамол ўйнаб тегишгач, гоҳ ҳазил айлаб баҳор,
Ёз маҳал қайноқ башардан, ўнди хушнуд ғайратим.
Маҳсулин тўкмиш Зафарлар, суръатимдан ўрганиб,
Давру даврон айлагандир, ишда унган шавкатим.
Қўл қадоқ бўлганда кўнгил ойнадек силлиқ экан,
Навқирон айлатди шердек, элга теккан ҳимматим.
Иш яратган бахт лазиздир, бахтиёр Деҳқон қизи,
Унда ишхонам қароқлаб, топди ўрнин ҳурматим.

БИЛИМ

Билим кўнгилни дунёсин уфқсиз бепаён айлар,
Қоронғусин чароғонлаб, тафаккурдан жаҳон шайлар.
Асрлар тўплаган хирмон, бўларкан мулк илмдорга,
Унинг тажрибасин минг йил яшарлардек билиб яксар.
Билим олтинлидан кучлик, биров тортиб ололмайдн,
Кўрар кенг оламин кафтдек, ясаб ҳар жабҳадан минбар.
Сиғаркан жумлайи олам, билимдоннинг варағига,
Безаб ўз зиммасин доим, этар иқболидан ҳулкар.
Илмнинг сунъийин топмас, бозор бўйлаб қидирганлар,
Улуғ уммонидан ўтган бўлар сўзсиз асил гавҳар.
Билиб олгунча зилдай у, билар бўлсанг юкинг енгил,
Ўзингдан иур чиқиб Деҳқиз, ёруғдир учраган
йўллар.

НЕВАРАЛАРИМ

Беш панжа бир мушт, беш қитъа дунё,
Ирмоқ кўшилгач, солланди дарё.
Борийда борлиқ, бахтдир — саодат,
Мақсудда мақсад бўлмиш муҳайё.
Ширин туғилгач, тот кирди қалбга,
Хуршид билан дил порлатди рўшно.
Танҳо данакнинг беш мағзи ўнгач,
Бахтим хазина айлатди барпо.
Таркибда кўклаб, кўнгил оғочим,
Пайванд уланмиш жонимга гўё.
Умрим баёзин яшнатди беш гул,
Кўнглимни мулкин, айлаб мусаффо.
Шукрин баёнлаб, Деҳқиз Худо дер,
Бахтин тополсин, шамслар илоҳо.

АРИҚ БЎЙИДА

Эй ғуборин чўктириб оққич зилол,
Нимсабойинг ёз учун лаззатли бол.
Соҳилинг кўм-кўк пойандоз ташлаган,
Бўйларингдан елпиниб ялпиз рўмол.
Сувга чиққан қиз сулув аксин кўриб,
Кўнглидан чаппар урар дилбозли ҳол.
Баҳри жаннат серсўлум тол остида,
Шилдираб нозик оҳанг бермиш савол.
Ўлтирибман ҳеч жавобин топмайин,
Тулқинин тублашга дил излаб мажол.
Айтгудек ҳолин қаёқлардан олай?
Дил гумоним ювдириб кўрсат фаол.
Мавжларинг хотирлатиб Деҳқон қизин,
Кетди сайринг лан оқиб мовий хаёл.

ТИЛАК

Тилак пайдо бўлар эркан, агар орзу қанот қоқса,
Ўшандан бошланар мақсад, агар кўнгил чироқ ёқса,
Онаниг истар, болам толе билан тўлган бўлолсин деб,
Боланиг истар, тўсиқсизлик умидин айнидек кўрса.
Абитуриент кирай дейди, студентинг чиқиш истар,
Элатдан махфий иш қилган, бўлар шод истагин
қилса.

Улуғ ишнинг — улуғ кори улуғлайдир одамзодни,
Қаники ҳар тилак толеҳ билан ҳамкор бўлиб билса.
Ижобат бўлса ҳар истак, иярмиш унга бахтлар ҳам,
Агар туғдирса у армон, қулоғин айламиш поҳса.
Тилак бўлган экан доим, боболарнинг дуо сўзи,
Удир туннинг тонгин кутгич, қоронғу соясин солса.
Юрак ўзлаб кўмар эркан, ижобатсиз тилакларни,
Очар Деҳқиз, агар тақдир қулоқдан пахтасин олса.

АРУЗ

Кезар кўнгил аро мусиқ — арузхонлик борар чоғлар,
Юракнинг торларин чертиб, оқизмиш куйли ирмоқлар.
Навоий, Хофизу Ҳайём, овоз йўллайди мозийдан,
Ғазалиарвор бобом руҳин қилар шод назми мутлоқлар.
Бозилдоқ манқалин қуршаб, Мушоира бўларкан у,
Совуқ қиш ҳам юпун онин билинтирмабди ушшоқлар.
Бешик тебрайди дилларда Увайсийнинг тараннуми,
Ҳаланчак солдирар Зебо, севиб сайронларин боғлар.
Атрғулдир рубойимиз, ғазалдан жигдагул анқир,
Ясар ин дил аро булбул, севиб ёзганда чанқоқлар.
Бутун дунё экан мафтун унинг гулгун чиройига,
Буюк Гёте билан Шиллер суйиб қўшган экан байтлар.
Аруз томирларин нур деб, асрлар қаъри асрайди,
Бироқ биз болталаб шохин, қурибдир унда япроқлар.

ЛЎЛИГА

(юмор)

Тинглагин дардимни обдан лўлижон,
Ушбу дам қолдим забуну безабон.
Бераҳим чўғлар аро куймоқдаман,
Айрилиқнинг жабридан бўлдим хазон.
Мен билан ўйнайди бахт беркинмачоқ,
Қўл чўзиб қолмоқда дил айлаб фиғон.
У қилиб юрган хиёнат ростмикин?
Ўртатиб бормоқда кун-кундан гумон.
Синчалаб кўргин пешонам фолини,
Борми ёрнинг қайтаридан бир нишон?
Қай маҳал бўлгай висол тонг отари,
Бу шабистоним куёш топмиш қачон?
Бағридан Деҳқизга жой қолганмикин?
Яхшилаб кўр, лўлижон ҳолим ёмон.

ҚИЗИЛ ҚАЛАМ

Ўттиз-қирқ хил ранглик қалам бор,
Аммо қизил ғоят хислатдор.
Устоз тутгач, оқ йўл бошлайди,
Эргашганлар бўлғуси шунқор.
Ёзган чоғлар элнинг тақдирин,
У йўл очгич зўр светофор.
Баъзан ўхшаб оддий итларга,
Яхшига ҳам, ёмонга ҳам ёр.
Бюрократ тутган маҳаллар,
Яхшиликдан ёмони бисёр.
Амалпараст ишлар пайтларда,
Истеъдодлар бўлғуси хуншор.
Ҳар кимлар чун мосмас бу қалам,
У ишлар чоғ виждон ҳам даркор.
Шул сабабли огоҳ бўл Деҳқиз,
Нопок қўллар тутмасин зинҳор.

ЁЗДА

Ёз маҳал кўм-кўк табиат кўрки чексиз мухтасар,
Унда яйраб тўртта унсур, ўз жамолин кўрсатар.
Қўл чўзар боғлар қуёшга, чаппаронлаб гулшанин,
Мевалар шарбат шимийдир, уззу кун сийлаб қамар.
Эт қизартгачдан гилослар, эргашар моҳлар ўрик,
Илк узум узсак саватлаб, навбатин полиз кутар.
Турфа куш сайроқлашадир, бир-бирин олқишлашиб,
Боларим гулзорда санқиб, янги гул тотин терар.
Сув шошар тезроқ борай деб, сарҳовузнинг бўйига,
Чунки унда баҳри байтин баҳслашар Гулчеҳралар.
Тунда юлдузлар чўмилмиш, чашманинг ирмоғида,
Ой тўкар нур баргда ухлар, токи ўйғатмай саҳар.

Маҳлиё ҳатто табиат тонгда гуллар ҳуснига,
Андалиб этганда таъриф бўйи анбар янгратар.
Мисли жаннатдир диёринг шу маҳал Деҳқон қизи,
Жилмайиб кўнглингда ашъор куй булоғинг жилдирар.

ТОНГ НАСИМИ

Илк саҳар эсган шабода, тонгидан бермиш хабар,
Энди у анбарни излаб, гул маконин ахтарар.
Боғда гулзорлар оралаб, ҳар чечак кўркин қучиб,
Бир қучоқ тотлик муаттар тўплагач боз йўл олар.
Лол этар гуллар ифори, ғунча жилмайган замон,
На қилолсин унга қўнмоғин раво кўрмас сафар.
Сезса райҳоннинг ифорин, келмас асло кетгиси,
Сийпалаб у дилкушони, мушку-анбар яйратар.
У келар чоғлар атргул уйғатар ўз ғунчасин,
Андалиб рухсат демасдан, илк насим у лан бўлар.
Ёр ҳидин келтирди бир зум ўз дилимдан Деҳқизи,
Тебраниб қалбим оҳанги, кетди мудроқ ғуссалар.

ҚОВУН САЙИЛИ

Қийқириб қизлар келибдир, эл қовунин сайрига,
Хилма хил атлас либоси — кўрк бағишлаб жўрига.
Ўлка берган бу хазина бўлди армонсиз бугун,
Чеҳралар офтабни чорлаб, қилди меҳмон ҳоврига.
Ким умрбоқин кўтарган, кимда анқир оқнабот,
Кўкчаю Бегзод Амирий кирди Жонон бағрига.
Қиз қовунни ҳидлаган чоғ, қизни ҳам у ҳидлади,
Баракалло икки қанднинг қўшшалашган фаҳрига.
Ширинак бошланди завқ лан, ортидан шўх аския,
Баҳру байт, куй яллаларни чўмдиришди сеҳрига.
Ушбу кун полизда байрам, Деҳқизи мезбон бўлиб,
Хур табиат ҳам улар лан бўлди мамнун даврига.

ШЕЪРЛАРИМ

Ранг-баранг гулларга монанд шеърларимнинг турлари,
Оламимни у ёруглаб, олға чорлар нурлари.
Шилдирар кўнглим булоғи, пайкарим олдимда пайт,
Гоҳ баҳору, гоҳи ёзин сўйлатиб такбирлари.
Тил қониб айтолмаганда, у билан дер дардини,
Безабон гунгурт ситамлар йўқ бўлиб таҳқирлари.
Куйдирар ҳам суйдирар ҳам у эрур ҳар соҳада,
Таркибинда севги бор чоғ, ярқираб инжулари.
Тунда йиғлар дил ҳовучлаб, жилмаяр тонглар учун,
Ёр висолин кўрса манзур, ранг тарар эзгулари.
Баъзи дон, баъзан сомон у ялчимай озуқага,
Таркламай севдирса гар ишқ жовдирар биллурлари.
Шодлигим ҳам, ғамларим ҳам унга жо Деҳқон қизи,
Дардли дилга бўлди малҳам, тилгинамнинг дурлари.

ОТАСИЗЛИК

Қолдирар какку тухумин ўзга қуш даргоҳида,
Жўн данак-чи, тош қобиқлаб, зурриёт огоҳида.
Хилма-хил шарту шароит майсадек мурғак учун,
Беўкинчдир кўрса фарзанд нурни қиблагоҳида.
Ким туғилган ноиложлан, кимга байрам тантана,
Турса гар бут ота-она, у яшар ўз боғида.
Дашти-сахро, чайла ҳам жой, бўлса бузруквор бутун,
Бепадар қолганда ўсмир — лой қазир ботқоғида.
Бир суянчиқ елка излаб, талпинар бўшлиқ аро,
Минг балогардони она, қийналиб қийноғида.
Айтса дардин тил куяркан, айтмаса виждон ёниб,
Юз адолат ҳам босолмас, ота ўрнин гоҳида.
Энг яқин зотдан тегаркан бу алам Деҳқон қизи,
Бахтлидир тайрилмаганлар — йўқ ота тойгоғида.

МУҲИТ ТАЪСИРИ

Дўстларим, турлик тумандир ҳар муҳитнинг давраси,
Битта жой сурдирса даврон, битгасин битмас наси.
Нек муҳит мақсадга элгар, бадни ҳам обод этиб,
Ҳар адаштиргич муҳитнинг бор бўлар абгораси.
Тоғдайин улкан чинор ҳам бешароит кўкламас,
Бошда қийшайган ниҳоллик — умрининг ночораси.
Баъзилар тўлдирди коса, изланиб юрмай сабот,
Баъзи ер тиш синдирибдир, тиш қисиб дилпораси.
Бахт ўғирлар бўлса у жой, юқтирар ғурбатни ҳам,
Қиммат излаб бўлди арзон сохта ер дилдораси.
Иқтисод бор баъзи ерда, мазмунин тан олмайин,
Кесди у бошсиз бошин ҳам, бош бўлиб мафкураси.
Деҳқизо, бўлмиш отангдек эш жамиятнинг йўли,
Жисмига жойлаб садафдек, дур этар гуфтораси.

КЎНГИЛ

Уфқи йўқ дунёга монанд содда кўнглим манзили,
Унга сиғган элга сиғмай, чошланибдир ҳосили.
Боғу бўстонлар ҳисобсиз, гар эколса пайкалин,
Баъзи жой шудгорлатилган, ўнмагандан маҳсули.
Бир дарахт эккан тилакка — мева тугган юз умид,
Доимо ёнган турибди унда орзу қандили.
Чўктирар ғурбатни тез-тез бепаён уммониға,
У дуру-гавҳар атолар, бўлса шаккарлик тили.
Бир оғиз ранж дардлатаркан, беғубор оқ биллурун,
Ғайр суқар бўлгач тиконин, оғримоқ таомили.
Ёнса гар сув сепди кўздан, сўндириб олмоқ учун,
У қолар бўм-бўш макондек, босса бадбиннинг зили.
Кўзда турган суратидан бил уни Деҳқон қизи,
Оғриғингга арзимади баъзи дилсиз ботили.

ҚАЛБ

Қалб билан бўй кўрсатаркан ҳар одам бунёдлиги,
Ранги хил-хил, хил баҳолик ўлчаниб номзодлиги.
Кимда гулзор, кимда бўстон, кимда бир дардхона у,
Тақдирин барпо этибдир, қай сифат зурёдлиги.
У тиниқ бўлгач баҳосиз умр узар олам аро,
Зангласа чалғиб билолмай, зорлатар ҳайҳотлиги.
Қалби нозиклар сезаркан, бурчларин бир шарпадан,
У ҳарорат топмаган чоғ, қолмагай озодлиги.
Унда торлар бирда қилдек, бирда занжирдек чайир,
Қалби йўқ ҳар бир одамнинг — доғ эрур авлодлиги.
Дил кўзин юмган маҳаллар, бир қадоқ эт ҳар юрак,
Қалбидан қон томмагanning — йўқ эрур устодлиги.
Яхшилиқ томир ёйаркан қалб билан Деҳқон қизи,
У ила сархилланадир умримиз ободлиги.

ИНСОН БИЛАН

Боғу бўстону чаманзор, навбеҳишт инсон билан,
Гул ва гулзорнинг чиройин қадр этиш инсон билан.
Ҳар гўзаллик топди қиммат, юрса инсонлар аро,
Ганжу олтин зар жавоҳир, лаъл кумуш инсон билан.
Бўлмаган ерларда инсон, тошу тилло фарқламас,
Мўсиғу назму назокат, парвариш инсон билан.
Айримас ғолиб ва мағлуб, гар жамоат бўлмаса,
Ҳар ғаниматнинг баҳосин билдириш инсон билан.
Ишқ илан меҳру муҳаббат — баркамол кўнгил учун,
Одабу ақлу заковат, илм уқиш инсон билан.
Баски дўстим бу жаҳонинг халқу элларсиз ғариб,
Шод бўлиб Деҳқиз вафодан юксалиш инсон билан.

ТУРЛАР

Табиат тўрт амал бирлан яратгандир одамзодин,
Фасллардек қилиб рангдор камолоту фаросатин.
Ҳаёт сангдонидан чиққан — билар қай рангда

турмоқни,

Кўримлар туйғусин йиртган — билолмас ўзни ҳам
тотин.

Фариштам ёнглидир ҳиммат билан эл чун югурганлар,
Жамият юкларин у елкалаб оқлайди номзодин.

Самимийлар қуёш ёнглиқ, қоронғу пайт тўкиб ну-
рин,

Саховат сочқулаб тилдан, етуклар дилни ободин.

Биров бор шай чопон ичра аталмиш маънавий

ўприқ,

Этиб у дўппидан арзон табаррук бошининг ёдин.

Бировлар орқадан изғиб, билингирмай қурум суркар,

Биров қармоқ билан овлаб, берар ҳар содданинг

додин.

Ҳаёт минган бировларни, биров минган ҳаётини,

Ёмонликдан йироқ этсин, ҳаёт Деҳқизларин отин.

КУЛГИ

Кўнгли пок кулганда порлар ложувард, лаъл

ҳиммати,

У бўлар эл таъбирича ҳур ҳаётнинг зийнати.

Беғараз ҳар битга қаҳ-қаҳ — ўзга-ю ўз гулшани,

Дилга ой, тақдирга офтоб, чин кулишнинг лаззати.

Лаб гилосу, кўз чаросдир, кулса дўстлар давраси,

Кўнгли ёшдир кексанинг ҳам, тик бўлиб ундан қади.

Бағри гулзорлар куларкан, жабҳасин бўстон этиб,

Йўл очиб ҳар бир юракка, сертабассум хислати.

Кулги олам гавҳари-ю, ҳар умр чун бир безак,
Турса доим лабга қалқиб, одамийдир ибрати.
Кулгилар бирлан гўзалдир бу жаҳон Деҳқон қизи,
Ўз-ўзингдан кулма аммо, у умринг энг бади.

УРУШ ИЗИ

Дердиларки, қирқ баҳордан сўнг битар қирғин изи,
Бизда лекин битмагандир қирқ биринчи йил бези.
Кимнидир кўз ёшли буғзи бул кун ҳам муштдай тугун,
Ким этар у ёшни шудринг ўт олар чоғ сийнаси.
Ким йўқатгандир қуёшин, умрибод қўмсаб нурин,
Бахти қурбон бўлди кимни қолмай ўғлону-қизи.
Бор туғилмасдан буруноқ ниметим қолганлари,
У гўдакликдан бободек серажиндир чеҳраси.
Ким адашган эрди у пайт, то ҳамон топмай йўлин,
Ким боқиб мангу оловга, дилга сиғмас ғуссаси.
Тушга кирмиш таркламасдан шум Бухенвалд печлари,
Қанча инсонлар туғилмай, кетди пинҳонлаб сеси.
Ўқ қадалган умрибодга кексаларнинг бағрига,
Қонли излар то ҳамоно ҳар одамнинг афсуси.
Тикладик вайроналарни, қолди аммо дилдаги,
Тош эрур кўнгилда Деҳқиз, беваларнинг ноласи.

ГЎДАК

Меҳр аро юлдуз эрур ҳар бир гўдак,
Кўнглимиз гулбоғи бўйлик у чечак.
Тонг мусаффосин тарар туйғулари,
Хандасин кўклам кўриб чалган чапак.
Қий-чувин билмиш даво ҳар хонадон,
Бир-ярим сўз айтса қайғу чирпарак.
Кенг жаҳондан бир жаҳон ҳар қайсиси,
Тетаноя ҳар қадам дил чун тирак.

Ким очиб илгин сўрар кўкдан уни,
Ким билан у бўлди бахтсиз сар-сарак.
Гулни дуркун сақламиш ўз пояси,
Кутмасин «Оқ кема»син у эй фалак.
Дилни боғин мевадор айловчи у,
Ишқ-муҳаббат у билан топмиш безак.
Шоҳу япроқ бизга у Деҳқон қизи,
У билан бардам эрур ҳар бир юрак.

ЭЙ, НАЙ

Эй ҳазин най, не учун сен инграяпсан менсимон?
Ёки ажраб ўз бутангдан, бунда қилдингми фиғон.
Ё нигорингдан жидолаб, бердиму ҳажр тақдиринг,
Ёки номарддан хиёнат етдиму айлаб хазон?
Тунни бағрин тилди додинг, тинглагач чўли Ироқ,
Ул олов бағримни ўртаб, тўлди армондан жаҳон.
Сен билан жўрлаб сукунат, дерди гумро дардини,
Авжидан хотира чиқди, менга ном айлаб баён.
Кўл узатдим кўкка додлаб, ўхшадинг-ку оҳима,
Кўзларимдан ёғди селлар, нелигин топмай забон.
Ё Худоё бу нечук сир келди дардлар олдима,
Найдаин бағрим тешилди, Деҳқизин қоқшатса он...

ИСТАК

Дилбарим, барно қадингни жисм ила жондан суяй,
Қайри қош, ширмон юзингга бир нафас обдан тўяй.
Суратинг турмиш ҳамиша бағрими меҳробида,
Рози бўл, меҳримла чирмаб, ёру дилдоринг бўлай.
Доимо парвоз этарман ишқинги илҳоми-ла,
Бахт қулоч ёйганда боққин, мен унинг кўркин кўрай.
Жонгинам меҳрим сеҳргар, боқма унга беписанд,
Тушларимдан ўтганингда, таъбирин бахт деб билай.

Орзума раҳм эт нигорим, очдириб раҳминг юзин,
Кам эса дил қони бирла лолазор сатҳин бўй.
Минг иккинчи тунни кечдим, минг бир ўйловлаб сани,
Ноумид қолмай нигорим, бахтинги бахт лан улай.
Сайрасин бағримда булбул, чорласанг бўстониға,
Маст бўлиб васлинг-ла Деҳқиз, умрими даврин сурай.

ТЕЛЕВИЗОР

Худди Ёжужу маъжуждек якка айлаб дийдазор,
Ҳаммининг ақлин олурсан, устамон телевизор.
Кир бижиб, ачқир хамир ҳам, маҳлиё қилсанг мани,
Энг зарур иш қолди гоҳо, сен бўлиб серътибор.
Экранинга сиғди доим, сиғмаган ҳам маҳрига,
Денгизу осмонни кўрдик, кўрсатолсанг беғубор.
Найлайинки, ушбу кунлар айнидинг қилвир каби,
Кўзни алдар дурагайлик, айлатиб дунёни тор.
Рақс илан ношуд қўшиқдан бори кўнглим айниди,
Ҳеч ҳазим бўлмас мулоқот, қилди даркордек виқор.
Нотавон ибрат эгаллаб кўрсатар ўз ҳукмини,
Ортда қолдик, маънавий чўлтоққа ўхшаб бемадор.
Деҳқизо, очгин кўзингни, куй-ғазал бўлмоқда шал,
Ўлдириб ҳафсалаларни у бўларму устивор.

УЧУВЧИ

Уйғотиб мудроқ самони елдайин учмиш учоқ,
Силкитиб қўл ортда қолди оқ чопонлик тизма тоғ.
Бўлди гиргиттони офтоб, бошқарувчи ўғлими,
У бўлиб ўлкамни хусни, орзуйим топган мароқ.
Изларин этгач сомон йўл, боқди ҳайрон мис ликоб,
Соқчисин сафлаб фаришта, у учун тутмиш чироқ.
Кўрса эрди шоҳ Улуғбек, тожисар айлар эди,
Фаҳрисан юртимни ўғлим Алпомиш, Рустам сиёқ.

Вақтни ўздирмай ўзибсан, элт мени ҳам эй болам,
Сен учун юлдуз терайгин, айлатиб вақтингни чоқ.
Бахтгинанг пешвоз азизим, энди қайт кутмоқдаман,
Аэропорт Деҳқизни бағри, сен учун шайлаб қучоқ.

ВАФОДОРЛИК

Дилим ҳижронни тан олмас, ҳамиша биргасан ёрим,
Эрусан ўнгда офтобгоҳ, тушимда сарви рухсорим.
Хаёлат эргашар бесас, кетар бўлсанг йироқларга,
Мудом соянгсимондурман суюқлик шаҳди шунқорим.
Умид-орзуларим воқиф қуёш ёнглиқ ҳузурингдан,
Юриб ўтган кўчанг бўйлар сарин анбарли гулзорим.
Кулиб турган қиёфангдан, тўлиқдир кўзларим нури,
Дилимдан суратинг сўйлар, шириндан тотли болдорим.
Саболардан сўроқлайман, омонму зулфизар — ёр деб,
Самодан турналар ўтса, салом йўллайди хумморим.
Худойим қўлласин ҳар дам, сенинг меҳру вафойингни,
Йўналтиб Лайлатурқадрин, этолсин Деҳқизин борим.

БУЛОҚ БОШИДА

Булоқ бошин этиб маскан узун кокилли мажнунтол,
Ярашган қош билан кўздек, гўзаллик бирла айлаб лол.
Баҳор маржон тақиб унга, келинлик зийнатин мақтар,
Булоғи шилдираб тинмай, тилайдир унга истиқбол.
Оёғин сабзалар буркаб, турар бўлганда таъзимда,
Қуёш сийпар севиб кўркин, этиб сочпопугин тимсол.
Туну-кун саждалаб сувга, унинг эртакларин туйса,
Гўзалликдан яралган ой — келар ҳар тун бўлиб
иқбол.

Либосин илдириб шохга, чўмилмиш яйратиб жонин,
Булоқ шодлик билан шул чоғ, жамолин кўрсатиб дер
— қол!

Ювинган нур чиқар сувдан, кўниб ухлашга баргларга,
Булоқжон алласин бошлар, вужудин айлатиб мисқол.
Насим силкийди япроқни, қоқиб олмоққа маҳтобни,
Саболар эрса мудроқда, жаҳонин айлатиб ишғол.
Бориб ёт сенда Деҳқонқиз, руҳинг толган эса
кўркдан,
Тушингдан Сарвиноз болқиб, очар келмишларинг
чун фол.

ШАБНАМ

Ҳеч етолмай ойга шамси ёшлади шаҳлосини,
Милди роқ кўз ёшли ҳулкар унда кўрди нозини.
Севгию нафратни қортиб, тўкди осмон дурларин,
Барг олиб қувват у кўркдан, рослади раъносини.
Устидан маҳтоб сочиб зар — инжу маржон барқиди,
У зилоллар жавди роқлаб, ювди гул эъзозини.
Сийпалаб ҳуснин сукунат, алла айтди тонггача,
Майса ястиқ ушбу ондан ўйғатиб дилнозини,
Кўрмагач бу кечни ёри, ол атиргул йиғлади,
Унга раҳм айловчи чўлпон, сенди бор рўшносини.
Эрталаб шодона Деҳқиз, кенг чаманзор саҳнида,
Туйғулардан этди гунча, яшнатиб оросини.

ЁЗ ОҚШОМИ

«Бир этак юлдуз сепилган ҳовлининг осмонига»,
Жавди раб боқувчи ҳулкар руҳ бериб чўлпонига.
Барчасин айлаб канизин ой турар шоҳнозланиб,
Кўрки лан айлаб нурафшон, чулғаган эҳсонига.
Мен боқиб этдим саёҳат ул само бодроғини,
Чиқса олдимдан сомонийул бошлатиб арконига.
Шу маҳал эсан шабода этди ҳушёр тўхта деб,
Ён томондан катта гулзор чорлатиб жилвонига.

Худди юлдузлар сиёқли хил атиргул мўл эди,
Келди у гулдан муаттар сурими ҳар ёнига.
Алла айтгич барг бутوقда маст эди оҳанги лан,
Балқиган бағрим қуёши нур тараб бўстонига.
Файз эди ҳатто ҳашорат чур-чури ҳам шу маҳал,
Дил гулин очган гўзаллик эврилиб шодонига.
Деҳқизо қолмай алаҳлаб кайфидан бу кечанинг
Ёрни ҳам чорлат келинг деб, бу туним давронига.

О, ИШҚ

Э буюк соҳибқирон ишқ, икки олам тафтисан,
Ҳар умид орзу поёнин — зар нисорон рафтисан.
Сен учун қон ютди гунча сарви гулнинг ҳажрида,
Нозанин кўксин ҳовурлаб, ҳар йигитнинг аҳдисан.
Илк баҳоринг кўнглимизда гуллатар гулгун бодом,
Олд атргулнинг ифорин жўшдиарар дилбандисан.
Назди осмондек улуғвор умрибодинг мангулик,
Сенга интилган висол чун — хуштабассум сатҳисан.
Дилга деб шаббода бўлсанг, уйғанаркан гунг хаёл,
Эътирозу-роз кўпайтиб, кўзда гирдоб шартисан.
Тун ёришмас бўлса сендан, барча юлдуз йиғлади,
Бағри чандиқдор хатода — ҳажри-ҳижрон дардисан.
Бор юраклардан юракка, ўнгладиб омадларин,
Тоғласанг муштдай юракни, Деҳқизимнинг бахтисан.

ХАРИТА

Кекса ернинг ҳар ажинин айлагачдан лавҳаси,
Бўлди тил жуғрофиям чун хос харита нуктаси.
Бош-оёғин музлатибдир, пўм чиқиб офтоб билан,
Ўртасин кунгай намолар, жизғанақлаб елкаси.
Парчаланган жандадекдир қитъаларнинг келвати,
Хомталошланган заминлар ҳар элатнинг давраси.

Ким яшар эркин ва озод гашт суриб давронида
Ким етар-етмас ҳаётда умрибоднинг ташнаси.
Унда-мунда қип-қизил юрт, қон ютиб қолган симон,
Гулбаҳор ёнглиқ кўкатзор — бахтли ерлар туҳфаси.
Оғулаб инсон қаерин ўлдирибдир мангуга,
Кўздайн даркор Оролдан ажралибдир дийдаси.
Деҳқизо, асрат заминни — ер харобот бўлмасин,
Янгидан тўлган оролинг келмишининг жоиси.

ТАШВИШ

Ҳаёт аслан эрур ташвиш,
Ҳалол ташвиш — муқаддас иш.
Олов ҳам сув кечиб инсон,
Унинг чун терларин тўкмиш.
Қадоқ босган оёқ-қўллар,
Қимирлайдир демасдан қиш.
Жиловланган саман отдек,
Лаёқат ҳар маҳал жумбиш.
Жасорат туғдириб ғайрат,
Этаркан кунма-кун силжиш.
Ўсиб тошдан чиқар ўтдек,
Одам ташвишла осойиш.
Ишингдан қолмагин Деҳқиз,
Усиз ҳеч келмаган олқиш.

ИҚРОР

Бағри ғўр эрдик русизм йиллари,
Кўнглимиз ғовлаб, шишиқ шар сингари.
Олға кетдик — дер эдик, ортлаб юриб,
Ҳосилин айлаб сифатлардан нари.
Серқурол бўлдик, у тинчлик изми деб,
Ўлди ундан Ҳақ Таоло бовари.

Изладик оромни беором бўлиб,
Бахт қидирсак, бўлди пешвоз карлари.
Ерни қаздик алмисоқлар ахтариб,
Йитди аммо ўз бобомиз излари.
Қайда эрди маънавий бойлик аруз?
Кетди биздан чин мақомлар дилбари.
Ҳақ гапирганларни ур калтакладик,
Ўсди ундан элни лоқайд овсари.
Архаизм — деб буталган нутқимиз,
Ушбу кун аренда сўздир сўзлари.
Химикатлардан тўйиб ланг бўлди эл,
Тунд-тажанглар дори излаб сар-сари.
Хайрият қайтарди истиқлол келиб,
Энди Деҳқиз, бўл ҳаётинг раҳбари.

АЛЛА ҲАҚИДА

Муножотдан туғилгандир болам чун дейдиган аллам,
Қўшиқлар бошланиб ундан, яралган у билан яллам.
Эрийдир тоғу тошлар ҳам, бориб етганда овозим,
Қалам таъриф қилолмайли, унинг лан порлагач
шуълам.

Мароқ лан айтса нозик ҳис, сукунат ҳам келиб тинглар,
Экилмиш эзгулик ундан, бўлиб у дил билан ҳамдам.
Қоронғу чоғи рўшнодир, тўлиб айтганда кўнгиллар,
Маъюс бағримда дард бўлса, жаҳонин ёндираар нолам.
Бешик тебраб елар оҳанг — яратгандир жамиятни,
Унинг бирлан ўсар ўғлон — бўлар товфиқ билан
маҳрам.

Экан байналминал бу куй, жаме тиллар учун бирдай,
Агар янгралса юртимдан, пинак айлайди тўрт олам.
Ҳаётнинг боғу чорбоғи эрур у бирла оромбахш,
Муҳаббат мевасин тебрар, жўшиб дилларга нур шу дам.

Ғадир қалбларни сайқаллар десанг аллангни
Деҳқонқиз,
Майин сўзлар билан айтгин, этиб тингловчи-чун
малҳам.

ЮМШОҚЛИК

Жон болам юмшоқ бўлиб юр, юртда юмшоқлик —
ҳаёт,
Кеккайиб турганда лочин, кўк томон қоқмас қанот.
Сувда ҳам чўкмайди юмшоқ, ҳар оқим қўллаб уни,
Ғарқ бўлар қаттиқ ҳамеша, ўзлигин айлаб касод.
Ғар довул бўронни солса, зўр дарахт ҳам сингуси,
Ҳилпиरोқ юмшоқ кўкатлар — қолди ундан барҳаёт.
Ёш келиннинг ҳуснимасдир, кўрklarин сайқаллаган,
Ундаги юмшоқ латофат — айлагандир Шаҳризод.
Билки аммо ранги бордир юмшатар юмшоқни ҳам,
У илон ёнглиқ ўралса, айламишдир гирдибод.
Кўнгли юмшоқлар адашмиш, онгни эт йўл бошлагич!
Қанчалик бўлсангда юмшоқ, эгмасин қаддингни ёт.
Деҳқизо, юмшоқ енголсин меҳри лан порлаб нафис,
Ғар камолот балқса у лан, бахтли улдир умрибод.

БАҲОР ЁМҒИРИ

Йиртилиб сайёр булутлар, тўкди ундан бўз мадор,
Томчидан маржон тақиб гул, гирди бўлган майсазор.
Потраган пайкалда куртак, пок табиат коридан,
Бойчечак ювганда баргин, қон талашган лолазор.
Келди тўфон сел гуриллаб, синди қайсар зўр дарахт,
Ҳилпироқ бир тор ҳилол ўт бош эгиб ювмиш ғубор.
Томди айвондор бўғотдан томчилар «чиқ-чиқ»лашиб,
Чиқса «хўп» деб лой чувалчанг, этди ёмғир шармисор.

Яйрашиб гуллар симирмиш кўкка тутган жомини,
Кўкрагин чоклатди гунча, елга ройлаб ихтиёр.
Дил губорин ювди Деҳқиз, нур чарақлаб бағрида,
Кўкламай қолган кўрукдир, шундайин бўлгач диёр.

ҲАЁ II

Кўркидан олам гулистон барқ уриб тургач ҳаё,
Тонг ясар нурдек мусаффо ул табассумдор зиё,
Гулбаҳордек гул очибди шарми иззат чеҳраси,
Рухга озиқ — дилга ёзиқ, ҳур ният шайлар намо.
Ҳар самимий қалбли доим бастидан гулшан ясар,
Камтарин ожиз эмасдир, сунъийин қилгач жидо.
Тилга дард кирган маҳаллар, бир ҳаё тўсгай йўлин,
Йиғлаган гул тонг оқаргач, дебди «Мен шабнам аро».
Пуч бошоқ гердайса ҳар чоғ, бош эгибдир донлиси,
Пардалаб тўлган зуҳурдан, маҳсулин топмиш вафо.
Тилда айтмай, кўзда айтиш, беғаразлар маҳридир,
Ҳамма ҳолат тилга чиққач, қайдадир айлар садо.
Ошса қирғоқдан гуруринг дардлатар Деҳқон қизи,
Баркамол оддий ҳаёдан умрибод олгин шифо.

ТОМЧИ

Томчи доим мингдан бир зилол,
Завқу дарддан кўринган жамол,
Гоҳо бўлар ундан кўз ёши,
Гоҳо гулдан бўртиб турган хол.
Қатрасидан дур йўргаб садаф,
Ундиргандир бағридан билол.
Биров шудринг тўкиб манглайдан
Заҳмат мулкин қолдиргандир лол.
Биров ётиб жарроҳ столда,
Томчилардан сўрайди иқбол.

Вафо томиб юрган кезларда,
Кўзда томчи ёлборар савол.
Ҳар бир томчи олам ойнаси,
Биллур кўлдек уфқи баркамол.
Меҳрим томгач, кўргин Деҳқонқиз,
Дилдан томар бағримдайин ҳол.

ҒУРУР II

Меҳридан гулшан яратган қадру қиммат кориман.
Кўнглидан кўклам таратган сарбаланднинг ориман.
Ҳақ табиат қайтарибдир донга дону, хасга хас,
Ҳар куни меҳмон кузатган ўлканинг шунқориман.
Келмишим бошлаб бугундан барқарор йўлдан борар,
Бир кўришдан маъни уққан эртанинг болдориман.
Муддатин мендан кўриб вақт рослагандир соатин,
Чанқамай қазган ариқдан сув ичар гулзориман.
Яхшилик эккан суманбар терди меҳрим мевасин,
Меҳнатим берган камолнинг бахтиёр дилдориман.
Соялар қоплаб ололмас асли нурнинг сатҳини,
Ҳур жамият воя берган тез кўрар бедориман.
Ман-маним ҳақликка ҳамдам, пурзиё Деҳқонқизи,
Ҳар юракдан ях эритгич чуғ аруз ёдгориман.

ТЕНГЛИК

Хил билан фарзанд демай Одам Ато,
Туғди тенглаб қиз-ўғил Момо Ҳаво.
Биттасин ой кўрса, иккинчин қуёш,
Ўсди буғдойу гурунчдек хушнамо.
Гул тиканин ҳур табиат асради,
Мевазор бирлан терак қилмас низо.
Ул аёл эркакни кам билганда кўр,
Хонадоннинг маҳри бўлгай бедаво.

Рўдакийнинг кўзларин ўйган харис,
Ерга киргач, тенг бўлибдир жо-бажо.
Камситиб кўнгилга қор тўкгич — сўқир,
Мен буюк деб тошлигин айлар намо.
Босма Деҳқиз дилда ўсган майсани,
Биргалик, тенглик ҳаётин раҳнамо.

ИЛҲОМ ПАРИСИГА II

Рухий равоним, жисмингда жоним,
Тинглармикансан дилдан баёним.
Кўнглим кўрибдир кўнглинг жамолин,
Нурланди ундан борлиқ аёним.
Чалмиш навозинг бағрим дуторин,
Куй басталайди ундан фиғоним.
Ишқинг кишанлаб бандинг этибдир,
Нақшингда аксин топган забоним.
Кўркинг жафоми, ёхуд вафоми?
Сен деб жафокаш ҳар бир ниҳоним.
Меҳрингни англаб қулфин очолсам,
Бахшанда бўлгай борлиқ жаҳоним.
Толмас умидлик Деҳқон қизим деб,
Келсанг тасаддуқ этгум бу жоним.

ЭТДИ

Муҳаббат маҳбубин бир дона этди,
Садафнинг ишқидан дурдона этди.
Умид дарвозасин танҳо эгаллаб,
Жасорат тутдириб мардона этди.
Муродин бахтиёр этмакка орзу,
Садоқат тафтидан паймона этди.
Юракнинг шишасин синдирса радлик,
Талофат бастидек вайрона этди.

Тавалло айлатиб беркинмачоқлар,
Суюклик ўт учун парвона этди.
Санамнинг сўзларин кўзлар демасдан,
Увол Деҳқонқизин девона этди.

МАЪРИФАТ

Ҳар алифбо алмашарда — бўлди қирғин маърифат,
Икки салбий бир ижобий бўлган эрди унга лат.
Бир асрча сохта эрди ўрганар маънойимиз,
Катта уммондан сузолмай, қийналарди қадрият.
Тирмашиб чиқдик биз ҳар гал маърифатнинг тоғига,
Ушбу кунлар истаганча чошни берган ҳуррият.
Маърифат — дунё ривож, ва камолот озиғи,
Кимки ундан олса ҳосил, у умрбодлик сифат.
Истаган бир-бир тераркан махражидан суратин,
Қирралар сонсиз-саноқсиз, унда мазмун қатма-қат.
Маърифатда чашма кўпдир, матбуот, санъат каби,
Билмаганни ўргатувчи ҳар китобдир маслаҳат.
Қалб кўзин очгувчи қудрат ичра ҳеч доғ бўлмасин,
Чунки унда ғоя яшнаб, халқу эл олмиш мадад.
Деҳқизо, сев маърифатни, у қанотдир умринга,
Серхазина одамийлик — ориятдор манфаат.

ЕР

Тўрт фасл бирлан ўралган ерни собит курраси,
Гулбаҳор янгиртса сатҳин, кузда унган туҳфаси.
Ҳар туғилган ерда яшнаб « У онам » дер биз каби,
Тоғу тош, дарёю кўл ҳам ерга фарзанд ҳаммаси.
Сесканар у портлаган пайт бадният нотуйғудан,
Силкиниб дафлатди дардин, соғлиқ истаб орзуси.
Гар унутган бўлса тарих, у тутар ўз бағрида,
Ковласак ўтмиш аламдан арзу дод айлар саси.

Ким олов деб, ким қуёш деб, хуб сиғинган бир замон,
Талпиниб қўл чўзса ҳам у, ерга бўлган саждаси.
Қанча қон сирқиб одамдан сингди ернинг бағрига,
Асли алвон лолагуллар у аламлар лахтаси.
Ҳар кесакдан жавдирайдир сон-саноксиз дийдалар,
Кипригин этган қачондан кенг чаманзор майсаси.
Соппа соғ ўктам уруғ ҳам, ерга тегмай кўкламас,
Покният пешонатердан ярқирайдир сийнаси.
Оқлагин ҳар ерда Деҳқиз нон берар ер ҳурматин,
Гул экиб бағрин чаман эт, бўл заминнинг эркаси.

ҚОҒОЗ

Энг забардастдир бугун оддий қоғоз,
Энг тубан ахлатга ҳам у беқиёс.
У кўрар пайт кўрсатар кўрганларин,
Келмайин у бут эмас ҳар имтиёз.
Дилни тафтин сингдирар чоғ жисмига,
Кафтдайин бир бетда даҳр айтар баёз.
Илму урфон серривож эҳсонидан,
Гар пасод ёзгач ғаним бўлмиш аёз.
Гоҳ маҳал устун у инсон қадридан,
Бир очиб кўрсатмасанг, қўймас саёз.
Эътибордан қолса у шўрбахтлашиб,
Юз асрдан сўнгра ҳам бермиш овоз.
Экса ишқин унга ҳар Деҳқон қизи,
Унди ашъор жўр бўлиб ҳамришта соз.

ЁШЛИК

Қиз-йигитларнинг жамолин гуллаган бўстони бор,
Ақлу-одобдан хазина, орзудан достони бор.
Истагин Эрамга хослар, ишқидан андоз олиб,
Навбаҳор йўлдоши ёнглиқ, дил тўла сайрони бор.

Кўркидан порлар заковат, босса у шағдам қадам,
Келмишин парвозлатарлик навқирон имкони бор.
Гоҳ маҳал осмонни кўзлар, гоҳ кўриб ер сирларин,
Фикридан эртақ ясарлик устивор жавлони бор.
Соф муҳаббат бўлди ҳамро меҳрининг офтобича,
Доимо булбул ҳавасманд бўлгудек даврони бор.
Безабон тошлар эрийдир чўғ юракнинг тафтида,
Кўл бериб доим вафога аҳд ила паймони бор.
Деҳқизо, ёшлик чаманзор, доимо бўл унга гул,
Навқирон даврин аярнинг — барқарор шодони бор.

ИБНИ СИНО

Ибни Сино умрибодлик ўзбегим Гиппократи,
Жонга жон пайванди жонлар, жисму жоннинг

ҳиммати.

Кўрди у оламни дардин, рангидан ранглар олиб,
Дардланиб эл дарди бирла, кунда ортган заҳмати.
Илмининг ойнакларидан боқса у дард аҳлига,
Очди кўр кўзлар ҳижобин, нур бериб тиф санъати.
Оқ чопон кийганча тонглар — у ўқиркан дафтарин,
Гулга санчилган тиканнинг бўлмасин деб ғурбати.
У тутар пайт бўлди малҳам, ғайр илоннинг заҳри ҳам,
Оғуданда яхшилиқлар шайлагандир хизмати.
Кезса у елкан сиёқлик катта фан уммонида,
Рухни дардин ҳам даволаб, бўлди машҳур меҳнати.
Мангулик машғаллагандир — у деган нек нуктада,
Мевалар пишган дарахтзор — ҳар китобин неъмاتي.
Ер юзин мангу ёритди, нур тўкиб Алқонуни,
Қиррадор гавҳарга монанд, назм аро ҳам бор ҳади.
Деҳқизо, хуршид сиёқли у бериб кетган илм,
Юртинга ўлмас фахрдир, мангу ўлмас ҳурмати.

ФАРОБИЙГА

Хотирим таъзимда бул кун, эй жаҳоннинг дониши,
Тахти тарих сенга бўлсин, айланиб минг гардиши.
Нурлатиб юлдузни илмин, сен-ку зулматдан зиё,
Тошқину бўронни ожиз айлаган кашфинг иши.
Ўн аср ҳатлабди шамсинг, фош этиб мавҳум юзин,
Кўрди ҳақ ноҳақ сиёғин, сенла порлаб хониши.
Тилга кирган тоғу тошлар — сўзласанг етмиш тилин,
Ул Арестотел ўзинг деб, елди урфон болқиши.
Дас кесиб отдинг жаҳолат безларин узлатига,
Қўл чўзиб юлдузни уздинг, анг қолиб жоҳил ниши.
Билди гардуннинг сиёғин еру кўк сифган дилинг,
Қонуни тартибга солсанг, жўшди дунё олқиши.
Сўзларинг гавҳар сиёқлик, кўрк бугун юртим аро,
Берди Деҳқонқизни илмин, сен деганнинг мавжиши.

МАШРАБ

Риёдан ҳам зиё излар маҳал Машрабни ижоди,
Этиб меҳроб санам қошин қилибдир сажда фарёди.
Чалиб тамбур фиғон этган, замину осимон ўртаб,
Висолнинг йўлларин тўсган экан жоҳилни ифроти.
Ҳаётнинг дўзахин кўрган, у дунё дарчасин очмай,
Кезибдир ер юзин йиғлаб, ҳажрнинг заъфарон доди.
Чидамнинг туғларин ушлаб, жаҳондан излаган
шафқат,
Разолат дор тикиб кутган, этиб узлатни ҳайроти.
Кетибдир қимматим арзон қолиб олам аро уч ном,
Шоҳаншоҳ, шоиру дарвеш экан ул зотни ҳар оти.
Муҳаббат шоҳи ўз ишқин гадо айлабди Деҳқонқиз,
Илинган ишқ аро жулдур чопони дилни ободи.

ЮРТИМ БАҲОРИ

Гулдор сўзонасин ёйган юртим баҳори,
Бойчечаклар таъзим айлаб он бахтиёри.
Келинчакдек ясангандир боғу бўстонлар,
Гулхан бўлиб ловуллайдир қир лолазори.
Гуллар билан қувонч кирган ҳар хонадонга,
Булбул сайрар мадҳин ўқиб гул интизори.
Кўк сомса-ю ялпиз патир дастурхон тўла,
Дил ғуборин ювди ҳар кун ёмғир оҳори.
Боғу роғлар куртаклашиб, баҳру байтлади,
Ўрикзорин гуллатгандир кўк сабзасори.
Хурсандликдан йиғлаб кўклам гулзорин қучди,
Томчилардан тугма тўғнаб ғунчам ифори.
Шундай кўркам юртим бор деб шодман Деҳқонқиз.
Куртак йўргаб, гул очмоқдир ижодим кори.

НИГОҲЛАР

Кўзим тушгач, оловланмиш жамолинг,
Демасдан уқтириб ҳар бир фаолинг.
Дилимнинг торларин чертиб қарайсан,
Кўзингдан пайқалиб, ўйлар хаёлинг.
Ҳарорат қалқитиб ойдин юзингга,
Эритмиш ўйнашиб берган саволинг.
Табассум айласанг ҳолим забунлаб,
Қароқ равшанлатар тўлган камолинг.
Тасаддиф тўқнашар бўлгач нигоҳлар,
Қанотлик қошларинг айтар амолинг.
Латофат чеҳрасан Деҳқиз севарлик,
Нигоҳим аҳдидир доим висолинг.

ИСЁН

Жаҳоним деб севиб келсам, кўриб кўнглим бузилди,
Туйиб кўрмай ота-онам бу дунёдан узилди.
Тану жоним саломат деб шукур айтиб юрувдим,
Қаторлашган тахир дардлар кутиб навбат тизилди.
Чақирган чоғ сарин гулзор боғим бўйлар қувончга,
Ўтиб бир кун қилиб ҳайрон у гулчамбар тузилди.
Нигорим деб севиб эрдим дилим кўрган гўзални,
Қаёндандир кириб келган ғилай жонон сузилди.
Тилак мулкин буғиб боғлаб кулар эркан бу дунё,
Юмуш қилсам хато қамраб, унум нол деб чизилди.
Мукамаллик қаён кетган, аниқлаб айт Деҳқизим,
Баҳор завқин ёниб кутсам, қишим кетмай чўзилди.

ТАСКИН

Нени ўйлайсан суманбар, орият кор этдими?
Бевафо у сарвинозинг келмайин зор этдими?
Балки қармоқ ташлагандир сохталик найранглари,
Талпиниб ортингда юрган,энди ҳоксор этдими?
Сервиқор бойвучча қизнинг нозидан мастдир у шўр,
Бой-бадавлатлик умрбод ғўрни тождор этдими?
Андалиб райҳонни кутса, келди наргис ўрнига,
Сенга ҳам ундан дурустни Тангри инкор этдими?
Деҳқизо ёлбор Худога, бутласин пешонанги,
Бу жаҳон айвони кенгдир, у сўқир тор этдими?

СЕВГИ ВА НАФРАТ

Дил гулимни яшнатиб ёр, гуллатувдинг сен мени,
Боғларимда сайрагандинг, сен бўлиб гул мафтуни.
Кўзларинг термулса ҳамки, кўрмаган эркан дилинг,
Ушбу кун чўкдинг-ку бағрим, ғарб этиб айб тўлқини.
Ишқ жўшиб осмонга учган кўшқанотим синди-ку,
Мен тирикнинг бағри ўлди, сен бўлиб дард зомини.
Бахтгинам сен деб адашган, топмайин ўзонларин,
Ўчди меҳримнинг чироғи, битди офтоблик куни.
Севги лан нафратни қўшдинг, мағзи пуч ёнғоқ бўлиб,
Тушларимга кирма энди, бўл умрбод қувғини.
Деҳқизо, орзу кўп эркан, бу ёруғ ер устида,
Ости армондан тўлибдир, мен симонлаб дилхуни.

ҚИММАТ

Бу дунёда отам бирлан онам юрган давр қиммат,
Меҳр қортиб муҳаббатга кечар соғлом умр қиммат.
Адолат бирла ҳақликдан жудо этманг биродарлар,
Ишончлик маъни-ю мантиқ, фаросатлик ғурур қиммат.
Худойим эътиқод берсин, шаклдан мазмунин узмай,
Ҳаёт устоз, одам шогирд бўлиб шодон сурур қиммат.
Китобдан этмангиз ўзга, тилимнинг нархи ундандир,
Севинч кўзёшларин тўккич — қувонч шайловчи нур
қиммат.

Давр имкониятлардир, қилиб меҳнат олай ҳосил,
Бошимдан аурам кетмай, яшар қалбим эрур қиммат.
Худо обрўдан ажратма, у гавҳар исми-ю жисми,
Баҳолар бирла қиммат тенг бўлар порсанг турур
қиммат.

Ўзингдан ахтариб Деҳқиз, топиб ол ўзлигинг нархин,
Кўлинг куйганда ҳам машъал тутарлик ҳар ҳовур
қиммат.

МУҚИМИЙНИНГ ҲУЖРАСИ

Янграган куй чун бўлибдур, бонг Муқимий дафтари,
Маърифат гуллаб у ердан, халққа етган анбари.
Тўрт девор тошдан ясалган, сўридек тош ҳужрада,
Рақс этиб гап бирла сўзлар, нур ясабдир қайнари.
Муътабар дўстлар йиғилгач, бошланиб мушоира,
Шеърият наққошларидан рози бўлган пайкари.
Чашма бўлгандир у ҳужра куйчилар бўстонига,
Шунча нур қандоқ сифаркин, ҳеч топилмас бовари.
Қишда иссиқ ўт ёқилмай, шўх ғазаллар тафтидан,
Ҳужрасин ёргувчи қаҳ-қаҳ эрди даврин ҳулкари.
Сигди оламнинг зиёси ҳужрага Деҳқон қизи,
Тўрт фасл ҳам унда ўнди ҳур ғазаллар чамбари.

ИЛҲОМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Исламанг дўстлар мени, мен доимо жон ичраман,
Қалбингиздан барқ урувчи илму урфон ичраман.
Эзгулик бор ерни кўзлар ҳар маҳал ташрифларим,
Гоҳи гулзор, гоҳ чаманзор, гоҳда бўстон ичраман.
Мафтун этган умрибодлаб, гулбаҳорнинг гуллари,
Қишда қорбозлик қилувчи хайри хандон ичраман.
Қўл узатган чоғ самога, ерга таъзим қил деди,
Сайр этиб юлдуз маконин, гоҳда осмон ичраман.
Севгисин севганга боқсам, оҳ урар ҳижронлаган,
Термулиб ошиқни кутган чашми гирён ичраман.
Деҳқизо, илҳомни боғлаб банд этай деб ўйлама,
Мен кезиб офтоб мисоли, барча имкон ичраман.

ДУНЁ ҚОНУНЛАРИ

Устивор қонунлар ичра бу жаҳоннинг меҳвари,
Қаршиликлардан яралган ҳар тараққий турлари.
Даврага келмоғу кетмоқ — барчага тенг марҳамат,
Бу адоқсиз йўлда доим жонли жонсиз галлари.
Тепадан Олий ҳакамлик бизга низом кўрсатиб,
Ранги йўқ дунёни ранглаш бўлди бурчлар жавҳари.
Ризқу рўзу иқтисодни иқтидорлар борлатар,
Тадбири такбирга оид, одамизод йўллари.
Бизни Кажрафтор яратган «бахт яшаш ўзингга», деб,
Сезги устозу муаллим, бўлса инсон қўллари.
Энг биринчи тугма нотўғри қадалгач иш бузуқ,
Дид билан дил лан қаралмоқ — барча имконнинг
зари.
Деҳқизо, дунёни англа, моҳиятсиз йўқ ҳаёт,
Барча ҳолингдан хабардор Ҳақ таоло парвари.

АНГЛАШ

Муаммога калит бўлган тўлиқ англаш расоси,
Билиб олмоқ учун ишлар фаросатнинг намоси.
Ҳаёт устоз, муҳит шогирд дейиш бирлан ейиш чун,
Кўзин дил лан қўшиб боққан бўлар дунё хумоси.
Худо кўркам ҳаёт берган, қўшиш тажриба биздан,
Бўлиб таълим илоҳий нур, гўзаллайдир зиёси.
Ҳақиқат лан юрар мақсад бўлар доим ижобат,
Вақт ҳукмин бажо этган бўлибдир кун ризоси.
Само қаърин кўролган ҳам одам кўнглин кўролмас,
Узоқ юрганда шайтондан, кўрингай сир гиёси.
Учиб юрган қуруқ барг-чун шамол айбдор эмасдир,
Тугун толеҳ ечолмаслар, бу дунёнинг сувоси.
Бўлиб мамнун юмаркан кўз ҳаётин англаганлар,
Нишолданинг тагин бол бил, бўлиб Деҳқиз садоси.

МЕНДИН ЎРГАНДИ

Мендан ўрганганди офтоб нур тараш эҳсонини,
Нурга интилувчи куртак мендан олган жонини.
Гулсевар парвоналарга ўргатувдим ишқ йўлин,
Булбули нолон олувди менга ёд сайронини.
Ҳар хазонга кўрсатувдим, майсалаш тадбирларин,
Пуч садафдан дур ясатдим, ўргатиб имконини.
Оҳуларга сурма қўйдим, кўзларим кўзгу бўлиб,
Нечта ирмоқ бўлди дарё, сўйласам уммонини.
Кирди тирқишдан шамоллар, мен симон ёр кўргали,
Ёйдириб кўнгил қанотин айтди дил сўзонини.
Мен ғазал ёзган маҳаллар жўр эди тароналар,
Сас бериб синган сопол ҳам, куйлади шодонини.
Деҳқизо йўллар ёритдим, жисмими машғал этиб,
Шеърят шамшери кесди, дилқадоқ армонини.

ПОРСАНГ

Иззат этсам тақдиримни, у мени таҳқирлади,
Меҳрими ҳажр бирла қортиб, дардларин содирлади.
Гуллаган чоғимда тўфон бошлади селлар қуйиб,
Гуркираб ўсган гулимни қор ёпиб чодирлади.
Чанг қўнар бошимга тез-тез, асталаб юрганда ҳам,
Бўлса ҳам кўнгил мусаффо, қайғулар ғалвирлади.
Тирнаган тирноқ кўролмас, қон чиқарган ўрнини,
Бефаросат катта айтиб, сўнг тилим қилвирлади.
Вақtimi имконият деб, тинмайин одимладим,
У эса хизматни кўрмай, бир умр тазирлади.
Кўрс гурурларнинг ғубори парда бўлган йўл тўсиб,
Яхшилик излаб ёмондан, кунларим охирлади.
Деҳқизо, меҳру муҳаббат этди хор умрим бўйи,
Энди мен кулдим улардан, чунки дард жосурлади.

ДАРАХТГА

О дарахт, йил кўрди сенда ўз камоли келватин,
Соя-ю мевангни борлаб, берди элга ҳимматин.
Ёзди ҳеч қўрқмай кафолат сенга гардун қонуни,
У билан топган табиат тожисарлик зиннатин.
Ҳар баҳор сандиқ очиб вақт, кийдирар сарпо сенга,
Гул очиб зумрад либосинг, сернамолар санъатин.
Тоб бериб иссиқ совуққа, сен ишончлар оқладинг,
Тоқатинг поймол этолди шум довуллар суръатин.
Шохларинг қушлар макони кўркингга куйлар тўқиб,
Кун узун офтоб силайди, сенга йўллаб қувватин.
Илдиз отгандир ўзи ҳам, ким сени эккан эса,
Тўлди дастурхони қутдан, хилма-хиллаб неъматин.
О дарахт, тик бўл илоҳо, ётгулик кун келмасин,
Сен билан Деҳқон бадавлат боғу роғлаб элатин.

МЕҲМОНДОРЛИК

Келар меҳмон билар дийдор ғанимат деб,
Кўнгилнинг каъбасин айлай зиёрат деб.
Олис кўнгил яқинлайдир кириб келса,
Меҳр бирлан сеҳрланган ҳарорат деб.
Бугун ошу товоқ, қошу қовоқ менгзир,
Чиройликдан самимийлик шафоат деб.
Мудом мезбон драматург бўлар унда,
Тилин актёр этар, сўзин саховат деб.
Тўлуқ кўнгул тўкилмас этса меҳмонни,
Очилтиб дил гулин сўзлаш маҳорат деб.
Фаросат мулк жаме меҳмону мезбонга,
Зиёфат зўру ғўр бўлмай маёқат деб.
Меҳр куртаклашар дўст бўлса меҳмонинг,
Билар Деҳқиз одамгарлик садоқат деб.

ЎРГАНИШ

Менинг ёзган баёзимдир олов ишқнинг алифбоси,
Келиб ундан билиб кетган муҳаббатнинг Зулайҳоси.
У Лайли-ю Ширин келсин, битиб бергум сарафрозин,
Жаме, меҳру вафо чундир висол бахтин таманноси.
Юрак йўлин топиш истаб, қуёш ял-ял ёниб ишлар,
Совуқ ойнинг дилин тафтлаб, ўзаркан барча дунёси.
Кўнгилларга қанот боғлаб, учирмоқнинг йўлин

англанг,

Бўлиб бунёд жаме мақсад, кўринсин кўзга гўёси.
Бу дунёга ёруғ берсин ёниб севгич жаме ошиқ,
Бўлиб булбул жўшар чоғи ғазал бўлғуси иншоси.
Баҳорнинг гулларин менгзиб, севишлар бўлмасин

ўтгич,

У мангу умрибод гулдор одам умрин таваллоси.
Таоло менга ўргатди, сенга мен ўргатай Деҳқиз,
Ҳаётнинг гулшанин гаштин берар кўнгил мусаффоси.

ГУЛИМ

Пардасин очганда ғунчам, кўзга суртаркан қувонч,
Атридан шаббода термаб, мушкларин айлайди тож.
Ол дудоғин ранглатар у, шамсга хослаб суратин,
Рамзидан шодона йўрғаб, кўркларин айлар ривож.
Атласу кимхога ибрат, жўш урур мавжишлари,
Жом тутур бўлганда кўкка, бир ҳовуч нур бўлди бож.
Қўнса гар парвона унга, ранж этиб бош чайқатар,
Баргидан шабнам кулимсиб дейди мендек бўл хирож.
Бош эгиб айлар саломлар, олдидан ўтсам уни,
Қўймас асло кўз узишга, бўлса ҳамки эҳтиёж.
Баргидан дафтар ясоқлаб, ёзса шеър Деҳқонқизи,
Қизганиб хонқиз мисоли тегма деб ёйдим қулоч.

БОШҚА

Дилим масъум муродин дер, ҳавас зебзоридан бошқа,
Керакмас унга бўстонлик, гулим дийдоридан бошқа.
Кўзимдан нурланиб юлдуз, башар қўрлайди

қалбимни,

Кўролгач маҳвашим қаддин, ўдум гуфторидан бошқа.
Ясанган зар қаср завқин — севишганлар сўрашмайди,
Тиконлик масканин булбул кўрар ҳар хоридан бошқа.
Дилимнинг пешкасин энлар, у берган ёғдудор лавҳа,
Йўлим ундан нурафшондир, тўсиқ озоридан бошқа.
Очолмай гул кулиб боққач, ўшал анвойи райҳоним,
Муҳаббат ҳажру ҳижронин — кўрар атворидан бошқа.
Дилимнинг рози сайланган, ҳадик шайлатма

Деҳқонқиз,

Вафодор хуршидим улдир, элинг холдоридан бошқа.

КУЗДА

Хазонрез кўрпасин ёйганда боғлар,
Бунинг кўркин кўрар ким, деб сўроқлар.
Попуксоч қизчалар ундан ясаб гул,
Табиат рангидан йиғмиш бўёқлар.
Юракдек барг ёпиб бир олма шохда,
Беланчак тебратиб ҳуснин мароқлар.
Қилиб шўхлик шамол япроқ элар пайт,
Булутлар кўк юзин нурсиз қуроқлар.
Атиргул кенжасин очмай ютар қон,
Суюклик булбулин қувганда зоғлар.
Кўриб бағрим аро барглар тўкилди,
Нечукдир ғуссалар фикрим саёқлар.
Шамол ҳайдаб учар барглар мисоли,
Мадорсиз ҳисларим этмиш фироқлар.

Хазоннинг остидан кўргач кўкатни,
Деди Деҳқиз: тагин қайтар қароқлар.

ДИЛ

Қалб билан кўрганда тадбиркор қиёс,
Дил йиғиб билган нурафшонлик асос.
Меҳридан кўрсатса кўнгил мулкени,
Тош эрибдир айламасдан эътироз.
Нимнигоҳ ташлаш билан кўз айтадир,
Қўр териб, иқбол яратгачдан чарос.
Дилни алмашлаб тиколмас ул ҳаким,
Умрининг ярмин бериб ҳам илтимос.
Жонни тош деб, дил қоғоз бўлган бугун,
Чиздирар у ёзса бадбинлар аёз.
Қалби мажруҳ қўл тиқиб бағрим титар,
Қолса кўнглим зар билан келмайди боз.
Дил яратган меҳри моҳ офтобдидир,
Қўрни тафтин билса дилнинг амри соз.
Унда Деҳқонқиз исингач тобланиб,
Дил қуёшин сўндирилмас ҳар саёз.

МУШТОҚ

Бағри зорим бўлди муштоқ, ҳусн элин султониға,
Васлининг тонгин кутарман, зорланиб паймониға.
Ҳар минут соатни излаб, беқарор бўлган маҳал,
Тушди ишқим дур сўроқлаб севгининг уммониға.
Изларин этдим зиёрат, тўрт томондан ахтариб,
Ўйларим каптарга ўхшаб қўнди ёр айвониға.
Термулиб зайрар кўзимнинг оҳи гирдоб айлади,
Дил қоронғум бўлди муҳтож, давралар чўлпониға.
Чин гадо бўлдим висолин ҳар ўтар дамдан сўраб,
Ой юзин рўшноси ғавфо тақдирим даврониға.

Айланиб парвона шамдан, менчалик куйган эмас,
Йиртди кўксин гунча боққач кўзларим гирёнига.
Келмайин зор айламиш ул интизор Деҳқонқизи,
Ҳар сифинган илтижойим айланиб пайҳониға.

ГУЗАЛ

Сарвиноз очиб рухсор, лол қолибди гулмонлар,
Ҳуснидан қамашгандир кўз оларли чўлпонлар.
Сўзларимга сифмайдир кўркининг нурафшони,
Унга деб атай барқиб гул очибди бўстонлар.
Етти ранг етишмайди, таърифин баён этсам,
Танлаган табиат ҳам кўрса қолди ҳайронлар.
Кўзларин этиб жонбоз, ой симон тўлибдир у,
Нуктасин сабоқ айлаб, ўрганибди тобонлар.
Маҳлиё бўлиб офтоб, нурларин нисор этди,
Даста гул бўлиб пешвоз, мушк тарабди райҳонлар.
Гунчадек очолмай лаб, қолди лол бўлиб Деҳқиз,
Сарви қаддидан тўймай, термуларди мужгонлар.

ҚАЙТИШ

Музайян гулюзим ул пайт эдинг ишқимни дилдори,
Қарар деб термулар эрдим, жўшиб кўнглимни
гуфтори.
Бўлардим ёлқинингдан кўр, яқинлардан ўтар
бўлсанг,
Узоқлашсанг кўзим инграб, дилим айларди минг
зори.
Мудом нимсоядек таъқиб этиб юрган руҳим эрди,
Агар кўз ташласанг гоҳо, эдим орзуни даввори.
Қараб қалбимга бепарво, мунгин сезмай ўтиб кетдинг,
Кўзим ёшин қилиб халқоб, хароб айлатди озори.

Умидим маҳридан саҳро поёнсиз лолазор бўлди,
Чаманлар гунчасин менгзиб, юрак қонимни афгори.
Асир айлаб жамолингга, жунунлардек сиғинтирдинг,
Ёниб кул бўлди ишқимнинг чаман шайловчи гулзори.
Ўчиб бўлгач нечун келдинг, сўнуқ дардимни
тирноқлаб,
Ўшал Деҳқиз тугаб бул кун бўлибман севги ёдгори.

САНАМ

Эй табиат, қай хазинанг асраган бул корини,
Бўлди сурат жисми зорим бир кўриб рухсорини.
Оқди бағримдан оловлик лахча чўғ оташлари,
Дош беролмасдан нигоҳим, кўрди ўз афгорини.
Боқса кўзгу, кўзгу ундан кўз узолмай маҳлиё,
Гулга боққач гул тикилмиш ўхшатиб гулзорини.
Қошларин учмоққа тайёр айлантиб этган хатар,
Лаб гилосу, кўз чароси соғлатар беморини.
Сайд этар сайёдни мужгон бир қиё боққан маҳал,
Ой юзин рўшноси ғавго, этса гар гуфторини.
Тегмасин кўз деб гўзалга, солди исриқ Деҳқизи,
Ул санамни кўрса ҳар ким, эсламас холдорини.

АЙЛАДИ

Бир пари-пайкарни кўрдим, ҳусни ҳайрон айлади,
Ярқираб турган шафақдек хайри хандон айлади.
Чеҳрасин этган қуёшлик, ҳеч қараб билмас қароқ,
Зулфининг мушкин тароқлаб, элни бўстон айлади.
Кўзларин шаҳлоси нетсин, ўз жамолин кўрмаса?
Ўт қалаб бағримни доғлаб, мулки вайрон айлади.
Мунг топиб мустар юракка ўз оҳангин солди у,
Кипригин кўнглимга санчиб, амри фармон айлади.

Мен яқинлашган маҳаллар, келди тақдирдан йироқ,
Тотли гул деб қўнди қўнғиз, дилга армон айлади.
Вақт етишмай гул очилмас, деб хато қилган бошим,
Унга гул, мен-чун тиканлар ўзга паймон айлади.
Турфалаб эсган шамолдан сўнди қўнғим Деҳқизи,
Гавҳарин айлаб қадирсиз, тошни султон айлади.

ҚИШЛОҚДА ЁЗ ШОМИ

(манзара)

Намозшом етса кун ёнбош тушиб тоққа,
Нурафшон кокилин беркитди кенг боққа.
Насимдан тебранар райҳон хайр-хўш деб,
Муаттар сепди тун илгин тутар чоққа.
Ясанган кечки ол гуллар очиб рухсор,
Харир шом куйлагин кийдирди кўрмоққа.
Садолар шалдирар анҳорга жўр бўлди,
Қатор ғоз тенг сузиб ўрланди қирғоққа.
Сигирлар маърашиб тарқалди уй-уйга,
Кечиккан бол арим талпинди чорбоққа.
Чаманнинг файзидан осмони кенгайди,
Вақт тўхтал! Етишсин дидли кўрмоққа.
Қараб қол ёз тарар кўркларга Деҳқонқиз,
Намозшом кўркларин келтирди қишлоққа.

АКТЁР

Во ажаб, ўнлаб асрдан ҳатлаган бу қул гадо,
Эрталик суратда кўрсак, у бўлар даҳшатли шоҳ.
Бир ҳовуч ўтмиш ясабдир, куймаланган сўзлари,
Эски бадбахт, янги хушвақт унда топган муддао.
Сунъийин кўрмас нигоҳлар, бўлса Гамлету Широқ,
Сайқалин қайраб шижоат, чорлаган рангдор жило.

Ўлса гар чиндек ишончлаб, яшнаган равноғи у,
Санъатин миллийлагачдан, бўлди байналлик хумо.
Ишқи-ю илҳомидан ҳам бир жаҳон ўрнак ясар,
Сатҳи кенг ўрнин бутунлаб, ул башар ёймиш зиё.
Ҳамманинг меҳрин қозонмоқ нақд эмас Деҳқонқизи,
Ўлмагай актёр асрлаб, бўлса у оҳанграбо.

МОНАНД

Азизим, қоматинг ғулмонга монанд,
Хуморон кўзларинг чўлпонга монанд.
Туташган қош бўлиб учмоққа тайёр,
Сулув гул юзларинг ширмонга монанд.
Лабингдан ғунчалар андоз олибдир,
Табассум айласанг бўстонга монанд.
Муаттар сочларинг беморга ўхшар,
Баҳордек кўйлагинг давронга монанд.
Безаксиз ёмбидек олтин эурсан,
Деган шўх сўзларинг дostonга монанд.
Дилимнинг дарчасин очдинг-ку Деҳқиз,
Қараб қолмоқдаман бежонга монанд.

НАВО

Ситамнинг бодасин ҳўшлаб, наво куйлайди бедодин,
Аламлар уйғонар инграб, эшитган пайти ҳар додин.
Кўмилган дард очилмишдир, ўшал Лайловашин эслаб,
Қолиб орзу умид имлар, тирикман деб хароботдин.
Қувончининг кўзларин ёшлар, агар бузрук нидо этса,
Шифоланмиш синиқ кўнгил сарахбори муножотдин.
Ҳарир гўшангадан боқмиш, табассум айлаган
ушшоқ,
Эзилган қисматин тиклар тановар мулки ҳайҳотдин.

Кезиб чўли Ироқлардан қатор дардларни тортмиш
най,
Булоқлар тошга бош ташлаб, баёт айттирди
шаддоддин.
Уфқ қон йиғлаган пайтлар, муҳаббатдан наво
кутдим,
Сузиб тўфон аро кўнглим, кўринмиш ишқи
барбоддин.
Наво гулдан тикон узган, ҳаёт аслин бажо айлаб,
Дилимнинг дардларин юлсин, бериб Деҳқизни ободин.

ФАХРИЯ

Эй ҳаётим мулкининг дурдонаси,
Сиз билан бардам жаҳон шодонаси.
Лабзимиз асраб вафо эҳромини,
Бўлди оламнинг ёруғ нурхонаси.
Пок садоқат устидан этдик макон,
Бахт келиб бўлган унинг ҳамхонаси.
Яшнатар оламини рангин ишқимиз,
Соғ-омон сақлаб шафиқ паймонаси.
Этди дилбар севгининг сайқаллари,
Оқибатдан кўрк олиб кошонаси.
Меҳримиз доим поёнсиз нур каби,
Юрт билан дорул омон остонаси.
Ойни асратсак булутлар ранжидан,
Бўлди Деҳқонқиз элин фарзонаси.

ТИНЧЛИК

Урушлар бекафан этган маконин,
Одамдан шайлаган гардун хазонин.
Удир ҳижронлаган, кўзёш, етимлик,
Даволаб билмагич ўз заъфаронин.

Одам эркисизлигин қондан кечиргич,
Эшитмас у херосимлар фигонин.
Бахиллар гап тополмай ҳанграганда,
Топар ит қуйруғин қийшиқ томонин.
Умрбод қаршимиз бу хил ёвузга,
Элим тинчлик сўраб айтган баёнин.
Адоват хўрлагич дилсиз ўсалдир,
Адолат кенглатар эл ошиёнин.
Ўлимкор бомбадан афзал китоблар,
Кўпайтар у умрнинг тотли онин.
Жароҳат кўрмасин хушнудлигим деб,
Қўрир Деҳқонқизим шавкатли шонин.

ЎРГАНДИМ

Ҳаётнинг сарҳадин меҳнат берар нисбатдан ўргандим,
Фидокорлик аро бахтлар ишин ғайратдан ўргандим.
Меҳр топдим муҳаббатдан унинг офтобидан барқиб,
Олиб илҳом садоқатдан, сўзин ибратдан ўргандим.
Юзин очганда оқ тонглар, ғазал битдим бўлиб булбул,
Севиш расмин Зулайҳолар кечар гурбатдан ўргандим.
Матонатдан сабоқ олдим, китоблардан буюк ҳикмат,
Улар фазлин баҳор ёнглиқ жаме зийнатдан ўргандим.
Қалам айтган такаллумин жасоратдан билиб олган,
Кўриб ундан талаб мавқин керак журъатдан ўргандим.
Ичим йиғлаб юзим кулмиш ишончлардан тояр пайтим,
Қийин вақтнинг табассумин сабр-тоқатдан ўргандим.
Диёнат лан яшаб Деҳқиз қарайман тик ҳақиқатга,
Ғаниматнинг бу дунёсин қадр-қимматдан ўргандим.

ИШҚ

Қадин кўргач саводимни чиқарган ишқ алифбоси,
Деёлмасдан юрак дардин, бошимдан ошди ғавғоси.
Ҳавас қилдим мушоира қилар пайт Анвару Раъно,
Насиб бўлғаймикин ё Раб, ўшал кўнглимни мирзоси.
Кўринмайдир кўзимга ҳеч макону хона-ю хосим,
Биров кўз солса гар унга, бўлар жонимни яғмоси.
Хабарсиз у азобимдан, туну кун изтиробимдан,
Ўраб олган унинг кўнглин, китобатларни дунёси.
Бегим ҳеч кимга кўз солмаслигин билгач куйиб юрдим,
Ёшим ўттизга етгач ҳам, ҳамон битмайди иншоси.
Нетай Деҳқиз, иложсизман, умидим бахшу банд унга,
Қарар балким қиёматда, юрак бағримнинг танҳоси.

БАХТ ҚУШИГА

Не учун бегонадурсан менга қолгач бахт қуши,
Тўлди толеим саробдан заъфаронлаб оғуши.
Бир қатор кўкламда қақшаб, гул очолмай инградим,
Кўзларин айлатди ожиз тақдиримнинг чатнаши.
Раҳму шафқат қилмайин вақт юлди умрим кўркини,
Ҳақ гапирган чун гуноҳкор бўлди нуктам пешкаши.
Эътиборинг бўлмаган чоғ, гунг булутлар қоплади,
Елса бўрон қарши бордим, мисли тўфон беҳуши.
Шўразор қуршаб очилган якка гул бўлдим бугун,
Нечта Зайнаб бир Кумушдан тўкдиролгач кўзёши.
Бир келиб кўрсанг ўзинг ҳам, ҳолидан жунжир эдинг,
Бу хато сенданми мендан ёки дунё янглиши.
Э қушим, тезроқ учиб кел, қолмасин номардга кун,
Ишқ вафоси бирла бўлсин, эл безаб осойиши.
Топмасанг қўнмоққа маскан, ошиён қур бошима,
Токи Деҳқиз бахтга ялчиб, нур таратсин келмиши.

МУДДАТ

Баланд пастдан босиб тинмай ўтар муддат,
Ҳаётдан ҳақ сўраб елдек етар муддат.
Умрнинг қонуний ҳукмин бажо айлаб,
Ҳукумрон шиддатин «ол», деб тутар муддат.
Ясаркан янгилик қувғинлатиб эскин,
Бугундан эртанинг умрин битар муддат.
Вақтнинг кўзларин очган забардаст у,
Ҳақиқат айнигач дардин титар муддат.
Одамлардан синов олгач, баҳо айтар,
Садафнинг бағридан гавҳар этар муддат.
Улуш бер менга ҳам дер пайти Деҳқонқиз,
Жаме яхшингни кўрсат деб кутар муддат.

КАСБ

Одам ўз касби чун шайланса кўркам,
Адашмай ўрнаган касблар мусаллам.
Амал қилган маҳал орзу берар касб,
Топар ул касбидан нурларни одам.
Елиб толеҳ аро бахтнинг сабоси,
Ишин севган одамнинг тонги хуррам.
Ҳамеша завжадир заҳматга роҳат,
Билим лан дўст тутинган касб мужассам.
Ижодин кўрк этар ҳар бир мунаққид,
Сузушин билса, уммон унга ҳамдам.
Самодан таскинин топмиш учувчи,
Шоширган ғаллазор деҳқони бардам.
Касблар бир-бирин сийлайди Деҳқиз,
Жаҳонинг у билан ҳар ерда бирдам.

ВАФО

Вафо дилларга қувватдир, ёруғ айлаб нурафшони,
Юракнинг тинчлигин таъмин этар некбин чароғони.
Олову изғирин таъсир этолмас у жавоҳирга,
Қадин эгганда ҳам аҳдин эголмас радни тўфони.
Одамлик тоғи-ю кўзнинг қароғидир вафо қилмоқ,
Муҳаббат денгизин дурин бино айлайди паймони.
Удир кўркамлагич фатво ҳусунлар фарқлатиб юрмай,
Агар пешона ман этса, қолар кўкракда зайрони.
Вафо тарк этмайин ўлмоқ жаме тақдир учун қиммат,
Босиб у бахтимиз муҳрин, абад яшнайти даврони.
Муҳаббат орзудор ҳар дам диёнатлик вафодорга,
Ўлим ҳам ажратолмаслар асил Деҳқизни тобонин.

ОНА

Онажонлар жон атолаб, бор бўлибдир мавжудот,
Чўққисин инсон эгаллаб, бутланибдир бу ҳаёт.
Жисми нур куртак кўкартиб, ўстирар гултожини,
Алласин инсоният чун айлаган толмас қанот.
Тўрт томондан бахт терар у, жонажон фарзанд учун,
Бағримиз у деб бутундир, у билан яйраб мурод.
Шоиру аллома йўқдир, дардидан дард уқмаса,
Меҳридан дoston яралган, нур олиб ундан нажот.
Баъзи фарзанд шам бўлолмай қолса ҳам парвона у,
Бахту толеҳу муҳаббат, у яратгач топди тот.
Эртанинг дардин чекар у, йўлни Оллоҳдан сўраб,
Кўз тўёлмас онажондан, йўқ маҳал кунлар фарот.
Оқ сутин оқлаш туганмас, бил буни Деҳқонқизи,
Кенг жаҳон суйган чечаклар унга бўлсин умрибод.

ОДОБ

Ҳаётдан муддао бўйлаб ўрин олмоқ одобдандир,
Камоллик камтарин бўлмоқ, кўнгил кўзлар
тавобдандир.

Одобнинг қулфларин очмоқ учун даркор бўлар одат,
Ҳаёт гултожларин термоқ саховатдор китобдандир.
Ҳалоллик баҳраманд этганда, гул очмиш малоҳатлар,
Етилган боғ симон маҳсул беришлар айна тобдандир.
Умрбод ўрганар пайтлар одобсиз боққидек ибрат,
Фаросат, дид ибо бўлмай туриб савлат саробдандир.
Одобдан калталиқ бўлганда, тил сатҳин узун дерлар,
Ҳазилдан зил чиқарган чоғ заҳар ютмоқ жавобдандир.
Одамлик ичра қаддин рост тутиб манзур бўлиш
бахтдан,

Йиғилган қадру қиммат ҳам, одоб берган ҳисобдандир.
Кўлинг кўксингда Деҳқонқиз, бироқ манликни бой
берма,

Қариб қолганда эскирмай юришлар ҳам савобдандир.

БУРЧ

Оламин бурчлар такомиллаб турур,
Қадру қиммат ҳам у лан топмиш сурур.
Қўш қанот боғлар ҳуқуқ шайлатса бурч,
Ҳар юрак ундан олиб тотлик шуур.
Ул ҳаёт мазмунларин ташкил этиб,
Олганин қайтарса мард, қилмиш ҳузур.
Хастадир буйрак агар ёғ истаса,
Бурчи йўқнинг бурди йўқ дер ҳар қусур.
Ой билан офтоб ўтар пайт бурчини,
Ҳар данак жойлар шошиб сўнгакка дур.
Сабру тоқат бурч экан севмоқ учун,
Тилни сақлаш айтдириб юрмас узур.

Бурчимиз истакка бошлиқ доимо,
Эркини қўйсақ бахтимиз кўрмас зуҳир.
Бурч бажо этган маҳал кўнгил ёруғ,
Нон билан оқ сутни оқлашлар ғурур.
Ҳур Ватан посбонисан, Деҳқонқизи,
Номи-ю шонин қўриб юрмоқ зарур.

ЭЪТИҚОД

Ложуварддандир кўнгиллар эътиқоднинг фазлидан,
Йўлларин ундан кўриб у, устивор пайвастлидан.
Сел ёғиб харсангни эзган, тошга сайқал бўлди у,
Сув юзин чизмайди ҳеч ким, маҳри пок деб аслидан.
Эътиқод хасларча сузмас, ҳар шамол қувмас уни,
Бурч билан ҳамхона бўлган, қўрқмайин чаптастлидан.
У етилмай кўз кўролмас сиртларин рангловчини,
Бир замон бермас замондош, айрилиб дил фаслидан.
Шоиру олим қиличдир эътиқоддан юғралиб,
Шуъла излаб нур букилмас, зарб тегиб ҳам шастлидан.
Ҳар қароқнинг мавқи дунё, эътиқод жамлаб уни,
Ойга зулмат даф этолмас, дилсиёлар хасмидан.
У ёруғлатгич қамардир, нур севар Деҳқонқизи,
Тўғрининг аксин буколмас, келса ҳам рад қасдлидан.

ОЛИМ

Илму урфон бўлса денгиз, унда олим бўлди дур,
Зимзиё йўқликни борлаб, илмидан порлатди нур.
Сўнги йўқ дунёни кафтдек оқ қоғоздан кўрса у,
Сирли сандиқ очди мулкин, янгратиб бонгдор сурур.
Касбидан боққанда кўрган, уфқи кенг андозани,
Қазғилаб пасту баланддан, эзгусин олган чуқур.
Ёлғиз у бошқарди лангар, юзта нодон эпламай,
Елканин айлаб заковат, баҳри олқишдан сузур.

Гоҳ чиқиб осмонни кўрган, гоҳ қараб ер остига,
Қисқалатган барча йўлдан, ҳар азоб бўлган ҳузур.
Ишни ярмин илми қилмиш, боққин эй Деҳқон қизи,
Ул назар қилгач амал қил, ҳимматин айлаб ғурур.

ЁШЛАР ОРЗУСИ

Ҳур йигит-қиз кўнгли бўйлаб бошланар келмишлари,
Барқ урар ундан муродлар ранг тараб хонишлари.
Бағри гулзорларга монанд нек ният чаппар уриб,
Орзулар парвози доим толеин олқишлари.
Гоҳ баҳордек майсазор у, гоҳ учоқ осмон аро,
Баъзи пайт дарё бўлибдир, ғалт уриб мавжишлари.
Хуш сабодек елса истак, у ижобат ошиғи,
Қўл берар пайтлар ирода, чарчамас ташвишлари.
Ул тилақдир навқирон-чун кўкда Оллоҳ сермадад,
Чўққи кўзлаб интилишнинг бўлмаё осойишлари.
Ўзанин топганда орзу ойбулоқ ёнглиқ тиниқ,
Унга даркордир ҳақиқат чалғимаё тафтишлари.
Ишқ ҳамеша ёш ниятнинг ажрамас ҳамроҳидир,
Севганин осмонда ой дер, иштиёқ хоҳишлари.
Орзуйингнинг эҳтиёжин сўйладим Деҳқон қизи,
Қолмасанг ортлаб замондан, бор унинг болқишлари.

БОҒИМ

(манзара)

Равоним олдидир дилкаш сўлим боғ,
Туташган унга зумрат сабза қишлоқ.
Очилган ойнадан боқмиш атиргул,
Гулобин эслатар гул тожи япроқ.
Муаттар ҳид тарайдир садда райҳон,
Ўрик-шафтолилар сарғайма бодроқ.

Тушиб ол олмалар баъзан бутуқдан,
Кўкатлар устидан бўртиди дўмбоқ.
Ариқдан мевалар оққанда хиллаб,
Саҳардан андалиб толмавчи сайроқ.
Узумлар тобланиб офтоб симиргач,
Кўкатлар айламиш шудрингни мунчоқ.
Одам жаннат аро юрган мисоли,
Анорзор олдидан бошлайди сўқмоқ.
Табиат айлаган корхона боғдан,
Туну кун тинмайин рослайди салмоқ.
Келиб бир кўрса гар Деҳқиз бу боғни,
Кўнгил гулзори деб айларди ардоқ.

ВАТАНИМГА

Эй Ватан қўйнингда унган, толеимнинг талъати,
Бўй чўзиб бахтим бу кунлар, бўлди кўркам келвати.
Орзуйим айлаб ижобат, мустақиллик гуллаган,
Нурли бағримдир хаританг, элни энлаб шавкати.
Зар сочар бошингда офтоб, жилвакор шаффоф ила,
Бахтимиз топган қуёшдир, барқ намолаб омади.
Еру кўк ферузу зумрат, тоғларинг олтинга кон,
Боғи Эрамдир Вужудинг, мисли олам жаннати.
Олға бошлар қутли байроқ кенг фаровонлик сари,
Мадҳларинг айтиб туганмас, сўзга сиғмас шуҳрати.
Минг аср тупроғи ҳайрон, ушбу куннинг фазлига,
Бўлмаган ҳеч бир бу ёнглиқ эркчиликнинг зийнати.
Соф қаторлашган Тўмарису Широқ кўриқчийинг,
Бўлди Деҳқонқиз камарбаст, бўлса азминг даъвати.

ШУКРОНА

Минг шукурки, доимо бўлдим ҳалол,
Бу ёруғлик дил аро шайлаб ҳилол.
Қарз эмасман ҳақ, ҳақиқат олдида,
Танте андешам қадим этмайди дол.
Доимо чўздим оёқ кўрпамга тенг,
Вақт билан тенглаб қадам юрдим фаол.
Топтаган пайт ҳам ҳаёт боз кўкладим,
Босса ҳам тош, барг ёзиб, топдим камол.
Изғирину жизғирин енголмади,
Унга бардошим бўлиб ўткир қурол.
Дўстга ҳур, душманга дев қодирлигим,
Бир вафога ўн вафоли ҳар дам амол.
Йўл очиб бормоқдаман келгусига,
Эргашар фарзандларим менгзийди бол.
Эш жамият ичра ўрним белгили,
Тўқ тўкус авлодларимдир сержамол.
Жўнлигим енгган мураккаб оламин,
Деҳқизим номин ёзиб у безавол.

МУСАВВИР

Ҳар мусаввир етти рангинг юзталаб рангин топар,
Куй, ғазал куйловчилардек у яратган мухтасар.
Унда достон дер ҳикоя, турларин андозалаб,
Рафаэль дидин сўрайди, у чизиб қўйган башар.
Ранг билан ушшоқ яратган, чизмалар ҳангомаси,
Рамкадан чиқмоққа тайёр жон сўраб ҳар бир асар.
Этса гар офтобни тасвир, чиз деди ой ҳам нурин,
Қалбни-да айлаб намоён, қимматин айлайди зар.
Гуркираб турганга ўхшар, унда гулнинг анбари,
Тўзғитар инсон хаёлин, гар чуқур солсанг назар.
У билан ўтгич ғанимат, қолди мангу михланиб,
Энди бастин хил намолаб, кўп асрлардан ошар.
Деҳқизо Беҳзоду Аҳмар чизса эрди шаклинги,
Ҳайратин ҳайрон этарди, Монна Лиза кўрса гар.

ЁШЛАРГА

Аҳдингиздан ўлка обод, эй элим шунқорлари,
Зарбингиздан бўлди бунёд, юрту эл гулзорлари.
Ишқ ўт олган шуълангиздан доимо бир тан бўлиб,
Тафтингиз қайноқ ҳамеша, ҳур замон илғорлари.
Етти ранглик кўҳна дунё, сиз билан минг рангланиб,
Орзунгиз фавворалардек тип-тиниқ эл норлари.
Пок меҳрлардан муҳаббат йўргагансиз дил аро,
Бахтингиз ундан мужассам, севгининг боғдорлари.
Тоғии титратган шитобдир, мақсадингиз қудрати,
Топди ўзон еру сувлар, сиз бўлиб саркорлари.
Зарга заргар илму фан лан бурч ўтар ҳар қайсингиз,
Меҳримиз офтоби сизга, кўркимиз рухсорлари.
Чарчамай парвоз этинглар, келгусин гулбоғига,
Деҳқизингиздир дуогўй, оламим болдорлари.

ЗЕБИНИСО

Даври чарх Зебинисони толеин бадгирлади,
Хилма-хил ҳолатда хўрлаб, орзуйин шамширлади.
Бир томон маҳбус бобо-ю бир томон подшоҳ ота,
Бир томони ёри қурбон, ҳолатин таҳқирлади.
Турфа ўт бедоди ичра чўғ эди истаклари,
Шул сабабдан нас илондан бол сўраб ботирлади.
Тинмайин бобоси Бобир руҳидан истаб мадад,
Гулбадан бегимни нолон дил илан дастгирлади.
Зимзиёдан нур тарарди, лавҳалаб ашъорлари,
Кўз ёшин маржони айлаб, ҳусн элин тасвирлади.
Ўлтириб олтин қафасда, тортди зиндон дардини,
Тахтга шайдо шоҳи Авранг кўрмайин таъзирлади.
Берди у умрин никоҳлаб, яккаликнинг маҳрига,
Бахт кўролмай Деҳқизимдек кунларин охирлади.

ДЕҲҚОНҚИЗ

Бўлиб мен одми Деҳқонқиз, элим бўйлаб зиё экдим,
Сўлиб қолган аруз вазнин тағин ўс деб ҳимо экдим.
Навоий-ю Увайсийдан тилаб олдим уруғларни,
Бобирнинг бир ҳовуч назмин авайлаб жо-бажо экдим.
Замондошлашди мен бирлан Ҳувайдо-ю Атоийлар,
Элим халқим нафосотин кўпайтай деб фидо экдим.
Заковат сепди тинмасдан менинг деҳқончилик касбим,
Асо тутган ғазал мавқин қилиб ёш ифтидо экдим.
Замин тайёрлагач Деҳнав, ниҳол берган Қўқон
бўлди,
Қизилтепам қўшиб ҳосил, садоқатдан садо экдим.
Бу уч юрт Деҳи, Қон, Қизлаб, яралган бўлди
Деҳқонқиз,
Гулин кўрмай бўлиб булбул, матонат лан наво экдим.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ

(Мусаддас)

Аруз лан нурланиб сўзларни бўстони,
Алишер унда доим тахтни султони.
Фазалдан ранг олиб диллар гулистони,
Муродин излаган Мажнунни гирёни.
Ёрибдир тошни ҳам Фарҳодни нолони,
Бўлибдир шоҳу дарвеш мадҳи девони.

Мукаммал “Панжу ганж” бешликни шунқори,
Музайян “Чордевон” санъатни дилдори,
Шафақдор ҳар асар ҳикматни гуфтори,
Наволаб даврадан куйланса ашъори.
Қурилган қўш рабоб кўнгилни меъмори,
Қалам шамшеридан шайланди достони.

Қилич қайратсалар шаҳзодалар ёндан,
Қадаҳлар лим тўлибдир бегуноҳ қондан.
Чопилган пайти ҳам янтоқ ўсиб ондан,
Гулийдан айрилиқ етганда даврондан.
Навоий дафтари хуншори армондан,
Юракнинг шишасин синдирди пайхони.

Ҳужум қилган маҳал зулмат ошиб қаҳри,
Суякдан ўтказибдир бахтининг жабри.
Тутундан шам ёқар пайт умрининг қадри,
Унингдек дил тополмай яккалик маҳри.
Китобдан ҳамзабон дардкаш топиб сабри,
Сиёҳин келтираркан тунни гирёни.

Бугун дилларда гул очган унинг фазли,
Қадим илдиз билан яшнаб баҳор фасли.
Очилган дафтارين юртим ўқиб сасли,
Умидлар гуркираб яшнабди пайвадли.
Севар сиймоси Деҳқонқиз бўлиб асли,
Жаҳоннинг тўридан жой олди чўлпони.

АЙЛАГАЧ

А.Навоий газалига мухаммас

Ул санамдан нур таралмиш, ноз намоён айлагач.
Қош-кўзин кўзгуга мослаб, тийри мужгон айлагач.
Яшнатибдир лаъли олин, кўрки даврон айлагач.
Ҳусни ортар юзда зулфин анбар афшон айлагач.
Шаъми равшанроқ бўлур, торин паришон айлагач.

Бир қараб ўтгач алафдан сада райҳон айладинг.
Келди қимматлим, деган пайт, изми арзон айладинг.
Севгидан сиймо атолаб, бағри нолон айладинг.
Юзни гуллардан безабму, бизни қурбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар, бизни қурбон айлагач.

Ишқ олов ёққанда кирдим, берди бағрим унга тоб.
Зўр довонлардан ошиб ҳам, орзуйим бўлган сароб.
Ҳамма кўнгил хушлаган чоғ, менга кўзёшдир шароб.
Тиғ ила пайконларинг етди кўнгил бўлгач хароб,
Сув қуйиб тухм экди ул, кишварни вайрон айлагач.

Ахтариб кўргач дилимдан топди қилган нозини.
Унди қизғалдоқ адирдан, экса бағрим розини.
Эй, табиб келтир давойинг, дарди кўп дил созини.
Қон эмаским ёпди гулгун хулла жаннат хозини,
Ишқ мактулин шаҳид айларда урён айлагач.

Кўз қамаштирган чироқдек тунни ўлпон айлади.
Ул қаролан қош қорайтиб, кўзни чўлпон айлади.
Кокилин кўнглимга боғлаб, амру фармон айлади.
Ошикор айлаб юзин, кўзимни ҳайрон айлади,
Ёшурун олди кўнгил, кўзимни ҳайрон айлагач.

Аҳд илан онин безабдир тенги йўқ танҳо малак.
Этди дарвеш, ҳусни хоқон, раҳм этиб боқмас фалак.
Навқирон даврим гамингдан сарғайиб отмас палак.
Жонга қўйғоч нақди ишқин, қилди кўнглимни ҳалак,
Ўлдирур маҳрамни султон, ганжни пинҳон айлагач.

Сабру бардош йиғганимдан қатма-қатдир дил қати,
Бўлди, бас, деб кўз юмар пайт, ҳеч хаёлдан кетмади.
Энди Деҳқонқиз нетаркин, калта тақдир етмади.
Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ этмади,
Бас недурким қон келур, оғзингдин афғон айлагач.

БАҲОРДА

3. Бобур газалига мухаммас

Етиб Наврўз етилган дил табиатнинг баёнидур,
Дарахтлар остилаб нур рақс этар онлар аёнидур,
Мунажжим билмаган ҳислар юракларнинг жаҳонидур,
Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий шароби нобқим ишрат замонидур.

Гаҳи офтоб булут ўйнаб, улуғ нурдан ясар тўлқин,
Гаҳи биллур ёғиб ҳиммат яратгач, қолмаган сўлғун,
Гаҳи кўркин тараб оққан булоқлар шилдирар дуркун,
Гаҳи саҳро узору лола шаклидин эрур гулгун,
Гаҳи саҳни чаман гул чеҳрасидин арғувонидур.

Ифор ялпиз ўзолгандир бугун анбарли чаппардин,
Саҳарнинг шабнамин Настар сепиб ювган экан гардин,
Этаклаб гул сўрар бўлсам, унар кўкламли кунлардин,
Яна саҳни чаман бўлди мунаққаш рангли гуллардин,
Магарким сунъининг наққошига ранг имтиҳонидур.

Ёйиқ зумрад гилам бўйлаб қизибдир гулни бозори,
Дарахт ундан олиб тақмоқ учун бўлган харидори,
Гулин ҳидлаб очар рўза, муҳаббатнинг умидвори.
Юзинг эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Ниҳол ол-ишқимиздан дер муқаддас мавқи ҳозирнинг,
Соғинган гул кутар ёрин, тиканлаб оҳи нодирнинг,
Кўзим йўлларда Деҳқонқиз, насибми васли моҳирнинг?
На ерда бўлсанг эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххум айлагилким анда жонидур.

СЕНИНГ

Лутфий газалига мухаммас

Гул очиб ҳар бир чамандан тотли гуфторинг сенинг,
Лол этибдир гулбаҳордек у сеҳр коринг сенинг,
Ғунчадек ютсамда қонлар, келмаган оринг сенинг.
Эй, азалдан то абад кўнглим гирифторинг сенинг,
Чора қилким, бўлди жоним асру афгоринг сенинг.

Меҳридан гулдаста этган истагим бўлгач фидо,
Олдириб бағримни шавқин, дарду ғам этдим ато.
Кўзларим Жайхун бўлар чоғ, берди уммонлар садо.
Дилбаримнинг масҳабида йўқ турур расми вафо,
Эй кўнгил не ерга етгай нолайи зоринг сенинг.

Гар Зулайхо кўrsa қаддин, айлагай юз бош эгим.
Маҳлиё бўлгач Юсуфлар, ўт олиб ёнмиш чеким,
Дарди йўқдан дард етишгач, келди кўнгилдан дегим,
Жон берар чоғда қошимга тангри чун келгин бегим,
Бори кўрмиш бўлғамен бир лаҳза дийдоринг сенинг.

Айланиб товланди товус, мисли кўркиндек кибор,
Хуршидинг боққанда чўғдек, ёғдуйим этдим нисор,
Меҳрим офтобин писандлаб кўрмадинг эй, пурвиқор!
Шар ичинда бўлса учруқ, сўзига йўқ эътибор.
Қонима бергай тонуклик икки айёринг сенинг.

Найлайин ўчмайди асло ўтларинг йиғи ила.
Жонни ўрнин бир ҳовуч кул айладинг оҳи ила.
Бўлди Деҳқонқиз мутейинг нурга зор моҳи ила.
Ҳар қачон Лутфийни ўлдирсанг жафо тиғи ила,
Онда ҳам бўлгай менинг руҳим мададкоринг сенинг.

МАНДИН ЎРГАНДИ

Увайсий газалига мухаммас

Булоқлар гулга даврон шайламакни мандин ўрганди,
Очилган ғунча бўстон сайламакни мандин ўрганди,
Сабо кўрмакка имкон пойламакни мандин ўрганди.
Ки булбул нола-афғон айламакни мандин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мандин ўрганди.

Дилим парвар этиб гуллар аро суйган гулим дуркун,
Булут чақмоқ чақиб осмон тилинган пайти бўлдим хун,
Насиб сайд айлаган орзум умидлаб уйланар ҳар тун.
Бориб саҳрога қон бағримни изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мандин ўрганди.

Нетай ёр шамъидин гир айланар парвоналар бўлса,
Қани кўзёш билан оҳим аро ёнган олов сўнса,
Ҳисобмас давру давронлар висолин олдириб ўнса.
Шафақ хун бўлгуси дил, ёр меҳри гар ниҳон ўлса,
Само гулгуни доман айламакни мандин ўрганди.

Соғинч офтобларин кўрган чаман ўхшар камолингга.
Кутар моҳтобда мажнунтол бўлиб муштоқ висолингга.
Муножот кўкда инграр мен каби зор лаъли олингга.
Кўриб абру камонинг жон фидо қилдим жамолингга.
Ул ой ҳуснига қурбон айламакни мандин ўрганди.

Фанимат кўкламин кўзлаб гулу гулзор келиб етди,
Менинг гул очмаган оним уқубат лан ўтиб кетди,
Гуноҳкор бўлмаган бошим Таоло лутфига нетди?
Фигонким ғам тароғи хаста кўнглим решу-реш этди.
Санам зулфин паришон айламакни мандин ўрганди.

Дилимнинг тафтидан қайнаб тошар чоғ мавжи
юзларда,

Жамолинг беркитиб нозлан туширдинг парда
кўзларда,

Етолмай менга най ҳам минг тешик бағрила
бўзларларда,

Сени изларман андоғким, қуёш дийдорин изларда,
Кезиб тун-кун шитобин айламакни мандин ўрганди.

Етишгач гулга булбуллар топаркан муддао базмин,
Етолмай мен сўнар пайтим, умид узмас экан азмин,
Сабр қил энди Деҳқонқиз Увайсийдек бўлиб вазмин,
Қаноат қилди Васий, топди дилдан гавҳари назмин,
Садаф ҳам дурри ғалгон айламакни мандин ўрганди.

ХОТИР

Нодира газалига мухаммас

Тақдиримдан чин тополмай, қисматим бўлган сароб,
Чатнаган кўнгил битолмай, хасталик айлар хароб,
Уфқи йўқ ҳижрон азобин хотирим этмиш тавоб,
Тийрадир субҳи нишотим, соқие келтир шароб,
Шоми ҳижрон зулматида жоми майдур офтоб.

Қоматин эслатса шамшод, ўйга фарқ айлар мени,
Ҳеч гиёҳсиз дашт хаёллар қоплаган энлаб эни,
Ўрни покинг бўш қолибдир, қўйсалар ҳам ҳар нени,
Моҳи тобон юзлигим ҳар лаҳза ёд этсам сени,
Дуди бағримдан чиқар, ўт ичра тушгандек кабоб.

Кўкламин қилган хазонрез навмаконлаб кетганинг,
Дилни ўрнин бир ҳовуч кул қилди боқмай ўтганинг,
Вақти хушлар ичра маъюс айламаклик нетганинг?
Банд этиб зулфинг аро кўнглимни озод этганинг,
Қуш учургандек эрур боғлаб оёғига таноб.

Косайи толеҳ тўкилди, қай гуноҳ чун бу саза.
Айрилиқ берган жароҳат энди дардин найласа?
Кўз ёшимда мавжли нуринг, мен нетай фарёдласа?
Кошки оҳимнинг насимидин тахаррук айласа?
Ёриким рухсорига гул баргидан солмиш ниқоб.

Эй бахил бахт, не яратдинг бедаво даҳр ишидан?
Тоғ қулабдир бўл тамал деб, тақдирим келмишидан,
Бўлди зилдек кўнгли зорим ғусса тош ортишидан.
Ҳажри ошуби балодурким ани ташвишидан,
Қатрайи сиймоби ёнглиқ кўнглим айлар изтироб.

Дилни меҳробин эгаллар суратингдир дилгирим.
Гулни кўрсам шу заҳоти гул ёноғинг ҳозирим.
Ҳайкалинг бағримга тиклаб, қайга кетдинг эй, пирим?
Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,
Айш давронига солди даври гардун инқилоб.

Тутди ҳижрон тақдиримдан, энди қўймоқ ўйламас.
Қўлда турган жоми равшан ул қоронғун бўйламас.
Кўрса Деҳқонқиз фиғоним, ўз азобин сўйламас.
Бевафолардек сени ҳаргиз фаромуш айламас,
Нодира ёдингни айлар то дами явмул ҳисоб.

МЕНИНГ

Фурқат газалига махаммас

Дил ёнар ўтдан исингач, сарви тобоним менинг,
Кўз ёшин кўкракка маржон этди туғёним менинг,
Тотди бағримнинг кабобин оҳу-афғоним менинг,
Келди ҳажр андуҳи бирлан оғзима жоним менинг,
Бир тараххум айламас ул шўхи жононим менинг.

Найлайинки ой малакнинг йўқ қарори ишқида,
Ул қуёшсиз жон қоронғулик дучори ишқида,
Алп қаноат ҳам чидолмай қилди зори ишқида,
Гунчадек дарду фироқида баҳори ишқида,
Қилди ул гул хун дилимни хори мужгоним менинг.

Даври дардсиз этди дарднок, бўлди ҳижронлар
юким,
Сарғайиб тўкдим хазоним, жабридан бошим эгим,
Кес дилимнинг изтиробин илтифот айлаб ҳаким!
Ул пари мажнунлигимга бовар этмас гарчиким,
Тифли тошидин ушолур жисми урёним менинг.

Эсласам ойдин жамолин, чиқмади офтоблар.
Васлисиз отмайди тонгим, дил ютиб зардоблар.
Сел ичимдан ўтса зарбин кўз этар гирдоблар.
Ўлдириб ташланг мени куйиға эй, ахбоблар,
Итлари тирноғиға бўлсин хино қоним менинг.

Банд мудом у деб хаёлим, не қилай боз ўйламай,
Дил майиб бўлмоқда буткул, элга дардин сўйламай.
Ҳеч иложи қолмагандир энди қандай дил ямай?
Ул ситамгар ишқиди найлай яқо чок айламай,
Бўлса олуда бало лойиға домоним менинг.

Бўзласам дунёга сифмай, оҳларим олам бузар,
Ёзгудек бўлсам ўкунчин, бу қалам қандоқ тўзар?
Э Худо, девона айлаб, этди у жондан узар.
Розиман, ўлсам мазорим сори бир айлаб гузар,
Десақим ушбу шаҳиди—чашми гирёним менинг.

Тинглангиз Деҳқиз фифонин, пурхазон кўнглим учун,
Этди у ишқин ҳамиша қасди жон кўнглим учун.
На қилайки, тору тангдир бу жаҳон кўнглим учун.
Қўймади кўзга оёғин нотавон кўнглим учун.
Кўз била кўнглимда Фурқат қолди армоним менинг.

СЎРА

Фузулий газалига мухаммас

Муҳаббат нелигин муштоқланиб афгор ўландан сўр,
Машаққат нелигин ўз ишқидан иқрор ўландан сўр,
Жасорат нелигин ёр дарди лан гуфтор ўландан сўр,
Шифойи васли қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулолу завқи-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Абас толеҳ жафолар пайт, умидин асли толдирма!
Юрак ёнган маҳал ўртаб, насибин дудда қолдирма!
Севиш нозиклигин парварламай ғафлатга олдирма!
Лабинг сиррин чекиб гуфтора бандин ўзгадин сўрма!
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Муҳаббат кўз солиб ўтган—бўларкан ожизу ботил,
Вафодор васли чун зимдан жафокашлайди у бетил,
Фироқ ўртанса ҳукм истар тиниқликдан дилу одил,
Кўзи ёшлуларин ҳолин на билсин мардуми ғофил,
Кавокаб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Ҳарорат бирла йўғрилган—сўрар дил хайри дилбардан.
У гулнинг завқи деб булбул макон излайди хорлардан.
Раҳм эт, истагин асраб пароканд эл деганлардан.
Хабарсиз ўлма фаттон, кўзларинг жаврин
чекканлардан.

Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Олов айланди парвона бўлиб тасвири тимсолим,
Кўраркан деб умид қилдим диловар қадди ниҳолим,
Нетай бағрим иложсизман, хуноб кўнглимда дард
лим-лим.

Ғамингдан шаъмдек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон банимла ёр ўландан сўр.

Умидим топди-ю аммо яқинлатмайди иқболим,
Айирган у висолингдан чаман юз зулфизар болим.
Қуёшнинг олдидан шаъмдек ўтарлар мисли аҳволим.
Хароби жоми ашким наргиси мастинг билур ҳолим.
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Ҳаётнинг асли деб аҳду-вафо этганда ҳар бир дил,
Сўнимсиз ишқидан ўнгай қувончлар яшнаган восил.
Фидойи ёғдусин солган маҳал ҳам Деҳқизу покдил,
Муҳаббат лаззатидин беҳабардур зоҳиди гофил.
Фузулий ишқи завқин — завқи ишқи вор ўландан сўр.

СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРМАН

Э. Воҳидов газалига мухаммас

Орзуйим барқиб чечакдек излагач ишқдан қувонч,
Шуълатаб парвоналардек сен томон ёйдим қулоч.
Талпиниб шаъмингга бағрим, бўлса ҳам нурингга бож,
Сенга бахтдан тахт тиларман, толедан бошингга тож,
Мулки ҳуснингга омонлик, тожу тахтингга ривож.

Дилёзар маъсум сабодек эҳтиром лан мен етай,
Айланиб юз бор бошингдан, садқайи қаддинг кетай.
Равзайи лаълинг лиқодир, бош эгиб таъзим этай.
Тожу-тахт ташбеҳидан сен кўҳна деб кулсанг нетай,
Сен ахир шоҳи жаҳоним, мен қулингман не илож.

Изтиробим беадатдур, омадим отмай палак,
Ложуварддек бўлса ҳам дил, тақдирим келтирди шак.
Йўл тополмай ҳимматингга хастадурман эй, малак.
Не иложким давлатим йўқ ганжу меҳримдан бўлак,
Бул эваздин кўз тўлайдир қатра-қатра дур хирож.

Этсам эрди бахтлилардек нақди йўлдошлик сенга,
Қатл этардим қилса кўнглим панду калложлик сенга,
Майли этсин жисми зорим бир умр божлик сенга,
Кўзларим айлар ҳамиша арзи муҳтожлик сенга,
Айт-чи жоним, борми сенда кўз ёшимга эҳтиёж.

Сен билан ободу мумтоз дилрабодир шавқи ишқ,
Боқмасанг бечора бу деб, бенаводир мавқи ишқ.
Этма Деҳқонқиз умидин ноумид эй, завқи ишқ.
Кўп насиҳат тинглаб Эркин, қилмади ҳеч тарки ишқ,
Бор масалким, иш юришмас соҳиби гар бўлса кож.

МУШОИРАЛАР

ДЕГИН

Ҳазрати Навоийга таъсиб

Э, сабо, ул Алпни кўрсанг, сенга у шайдо дегин.
Сочларим мушкин уфуртиб, унда у танҳо дегин.
Сийпалаб очгин авайлаб, ўртамизнинг пардасин,
Қимтитиб кўнгил ҳижобин, унга сен рўшно дегин.
Қайрилиб боқ ортинга деб, қайри зулфин тортқила!
Кўнгли ортингдан иярган, ҳар маҳал ҳамро дегин.
Илк саҳар сурган хаёлим аллалар сиймосини,
Ишқидан маҳсул кутиб у тонг маҳал Зухро дегин.
Сен латиф гул истаган пайт, рашкла у парвона де!
Қалбининг торин садолаб, унга бўл дунё дегин.
Қон симирган ғунча янглик очмадим лаб бунгача,
Мисли Деҳқонқиз сиёқлик бўлди у Лайло дегин.

БЎЛМАСМИДИМ

Ҳазрати Фузулийга таъсиб

Э, Худо, бахт майсалатсанг, мен баҳор бўлмасмидим,
Гунчалатсанг ёрни кўнглин, лолазор бўлмасмидим.
Найлайинки, ол чечак у руҳими саҳросида,
Ишқими райҳони этса, мен ифор бўлмасмидим.
Йўлларин доим ёритди жисми зорим жон ёқиб,
Боқса у ёнганларимга, тафтнисор бўлмасмидим.
Чирпарак бўлмиш хазоним минг шижоат қилса-да,
Тоғидан тош отмаса у, сербарор бўлмасмидим.
Мевасиз улкан дарахтлар менга офтоб бермади.
Қувса Оллоҳим булутни, беғубор бўлмасмидим.
Хўб элаб кўрмиш Таоло лаҳзалар ғалвирида,
Бахtimi бахтига қўшса, устувор бўлмасмидим.

Деҳқизо, кўнглимга боққан ой яримланмиш бугун,
Ошиён топганда нурым, шоҳсувор бўлмасмидим.

СОҶИЙНОМА

Ҳазрати Ҳайём билан мушоира

Хумордурман қадаҳингга диловар соқийи даврон,
Агар тутсанг мурод жомин, этардим борлигим қурбон.
Ўзинг қутқаз этиб беҳуш аламлардан қилиб фориг,
Тикан олсин дилимдан у, ҳароратлар қилиб жавлон.
Лабим чўгин тегизган чоғ қадаҳинг дарз кетар бўлса,
Чақир Ҳайёмни бир кўрсин, фиғонимдан қолиб ҳайрон.
Шаробингдан кўринмиш ёр, умрбод хайру-хўш айтиб,
Тўлуқ жомим яримланмиш жудолик айлатиб вайрон.
Чироқ излаб фироқ топдим, қоронғудир умидхонам,
Ёруғлик сипқариб жомдан, этай сўзонлигим пайҳон.
Бўлиб сархуш пинаклансам, ҳануз уйғотма Деҳқонқиз,
Қиёмат кун тутиб бошим сўрай толеҳ этиб исён.

СЕНГА

Ҳазрат Фузулий билан мушоира

Кун ва тун банд бўлди умринг, он керакмасму сенга,
Ружжулаб ашъор ёзурсан, жон керакмасму сенга.
Қарз олиб етмишта йилни, бир Аруз чун сарфладинг,
Меҳнатинг бир бор кўрингич – шон керакмасму сенга.
То Навоийни билиш чун ярми умринг кетди-ку,
У Увайсийдек бўлар имкон керакмасму сенга.
Нодира, Бобир, Фузулий эрдилар ҳамсуҳбатинг,
Сўзларин рақс этдирар даврон керакмасму сенга.
Ўрганиб мозийни доим, куйладинг ҳикмат аро,
Тарихин ҳурмат қилар сарбон керакмасму сенга.

Элтганингда ёзганингни, ажнабий деб билдилар,
Қимматингга боқмагач, арзон керакмасму сенга.
Деҳқизо, кўз нури кетди, тинмайин чин ахтариб,
Экканинг ҳосилли бўлгич дон керакмасму сенга.

БАҲОР АЙЁМИДА

Фурқатга тазмин

Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,
«Булоқлар шилдираб» себарга узра мавжизан
бўлса».

Ариқдан барралардек шохлашиб сувлар оқар чоғи,
Кўкатзор соҳилин бегим шинам деб танлаган бўлса.
Шу кун илдиз отиб кўнгил, чиқарсак ишқ аро куртак,
Ёноқлар лоладек яшнаб, нигоҳлар серсухан бўлса.
Қадоҳин тутса ол лола, хуморон андалибига,
Дутордан парпираб тўрғай, муаллақ сайраган бўлса.
Табиат маст бўлиб аввал, этар пайт чеҳрасин гулгун,
Қилай деб унга булбуллик, шуурим қайнаган бўлса.
Ғанимат ҳар баҳор Деҳқиз, тизилган турна умрингга,
Ҳамеша шул сарафрозлик йўлинг бўйлар ўзан бўлса.

ОҲУГА

Фурқатга таъсиб

Бир қараб кўрдим кўзингдан сирларинг айлаб аён,
Ички дунёингни маъюс кўзларинг этган баён.
Тутди у қасдингни айлаб, аҳдидан қопқон олиб,
Кўрмайин босган назокат, сен учун бағримда қон.
Дашту саҳродан елардинг, лутфи кенг мавқингда сен,
Гул чаманлар ичра султон, маҳри мулкинг бепаён.
Йўлларинг йитган ҳаётдан, янгилаш онсон эмас,
Занжиринг олтин бўлиб ҳам, қайғу-ҳасрат ёнма-ён.

Жуфти мардинг йўқ ёнингда, минг фидолик қилгали,
Ҳийлаю найранг аросан, рангу рўйинг заъфарон.
Умрибод эккан садоқат ўрнидан унган қамиш,
Энди чақмиш юз пушаймон, нишларин айлаб чаён.
Битта жон ханжар деган пайт, юзтасин ҳижрон сўрар,
Сен учун жоннинг закотин елкалаб борсам қаён?
Эт жасорат занжиринг уз, қўл берар олам эли,
Ҳиссамиз тенгдир ҳаётда, қўрқма ҳеч Деҳқиз симон.

САМОЛЁТДА

А. Ориповга тазмин

(Дугонам Анна Гисановна Мўминовага бағишлайман)

*Чарх урар эрдим ҳавода, юлдузим йўлдош эди,
Юлдузимга термилиб, юлдуз кўзимда ёш эди.*

А. Орипов

Талпиниб елган умидим ёр билан издош эди,
Орзумиз юксакни кўзлаб, интилар тенгдош эди.
Шамига парвона эрдим, шукр этиб мамнун бўлиб,
Ойсимон ойдин таратган — кўнглимиз сирдош эди.
Нас жаҳолат берди ҳижрон, ўт қалаб тақдир ёқиб,
Энди сўзон бағри зорим — ор этар бардош эди.
Тўқнашар бўлдик рақибдек, тасвирин топмай ҳануз,
Қалбидан сўл йўл очолган — мен учун кундош эди.
Ушбу кун учсам самолаб, ён салондан чиқди у,
Кўзларим оламни кўрмай, зим-зиёлик чош эди.
Тўрга тушган ғўр балиқдек, бағри зорим титради,
Меҳри порларкан нигоҳдан, кўнгли ундан фош эди.
Ташла осмондан ўзингни бағри доғ Деҳқон қизи,
Синдирилган дил уланмай, кўзларимда ёш эди.

ИЗҲОР

Чулпон билан мушоира

Муҳаббатнинг забони кўп экан зайлин йўқотдим-ку,
Қаёқдан кўрдим ул ойни, ширин-аччиқни тотдим-ку.
Чиройин шаъмига парвонадек интиқ бўлиб қолдим,
Сабр-бардошни билмасдан, юрак чўғин тутатдим-ку.
Бўлиб офтобпарастлардек боқар чоғ у томон кўнглим,
Чидамнинг косасин ушлаб, юрак-бағрин қонатдим-ку.
Ишончим-чун бўлиб ғаввос, депинганман муҳаббатга,
Бўлиб ҳижронга ястиқдош, ўзимни ўтга отдим-ку.
Қаники етсам эрди дил гулимга бир тикан ёнглиқ,
Умид торин узолмасдан, оролиқ йўлда қотдим-ку.
Кетиб шодликларим бул кун, ғаму ғурбатдаман
Деҳқиз,
Бу дунё дардидан ортмай, у дунёйимни сотдим-ку.

ГҶЗАЛГА

Увайсий билан мушоира

Ой юзингни кўрган пайт, шарм этибди бўстонлар,
Қоматинг у шамшодга келтирибди армонлар,
Икки хол лабингданму, ё ўшалму посбонлар?
Сўзласанг назокатдан, ўрганибди тобонлар,
«Қилгали томошасин саф чекибди мужгонлар».

Жодуйинг камарбастлаб боғлаган хаёлимни,
Лол этиб шоширгандан, топмадим саволимни,
Боқмадинг келиб бир бор, ўйламай уволимни,
Кимга айтайин зорлаб, бедаво фаолимни,
«То чиқарди оҳимдан кўнглим узра сўзонлар».

Лоларанг хинойинг-чун гул очар гирибонин,
Боғ аро кириб борсанг, ул берар боғистонин,
Ўзгалар тикилган чоғ, ичди жон юрак қонин,
Сабри битди Деҳқизни қўмсаниб нигоронин,
«Тишладим адаб тошин, токи синди дандонлар».

ТЎРТЛИКЛАР

(жаноб Кандрашовга)

РАҲБАР

Раҳбарларнинг касби доим бўшни тўлдирмоқ,
Агар тўлиб кетган бўлса, озроқ олдирмоқ,
Кимларнингдир елкалари қичиган бўлса,
Қашлаб қўйиб, роҳат кунин қайта бўлдирмоқ.

ҲАҚ

Сут устига қалқиб чиқар унинг қаймоғи,
Битга йўлдан юрибдир ой, демай яйдоғи,
Тингламаган болангизни кир демангизлар,
Неварага қолар экан уни чаймоғи.

ТОЛЕҲ

Дўзахлардан ўтар экан жаннат йўллари,
Ундан бахтин ололмайди умр қўллари,
Ўзи келмас толеҳларни қидирманг асло,
Пешонадан наригиси қатор ноллари.

ХИЁНАТ

Баъзан эркак кўз бўяш-чун ёлғон сочади,
Бу ҳунар лан аёлининг кўзин очади,
Жанжалларнинг сабабчиси кўринмас одам,
Бироқ шўрлик бу жуфтликдан иқбол қочади.

ВАҚТ

Вақт одамни тарбиялаб воя беради,
Унинг учун эринмасдан зийнат теради,
Афсусларки, ўз хизматин ўзи яксонлаб,
Тупроқ қилиб одамзодин кўкрак керади.

БИЛИМ

Билимлининг кўзи доим саккизта бўлган,
Ҳар бири лан боққан чоғи кўнгиллар тўлган,
Тушунмасдан ёдлаш билан ишлар битмайди,
Келиб чиқиш иш бермаса, у бўлар сўлган.

ЎҚИТУВЧИ

Ўқитувчи ўқувчисин яхши билади,
Улар билан тил топишиб суҳбат қилади,
Афсусларки, ўзи туққан азиз боласин,
Вақт топиб ўргатолмай тутқунланади.

ФАЛСАФА

Фалсафалар тушунчадан тушунмас этган,
Сўзин ўйнаб, кичик гапдан йириклик битган,
Биладиган маънойимни обдан уқтириб,
Иқтидорнинг ўлчовларин бутунлаб ўтган.

МЕДИЦИНА

Адашишлар макон этган медицинани,
Билар-билмас ковлар баъзан ёпиқ сийнани,
Яхши дори аҳил бўлган оиламиздир,
Жонни қийнаб, санчиб юрманг аччиқ игнани.

ҲУШЁРЛИК

Қўлларимдан Худо тортиб, раҳматга қортди,
Худди шу пайт шайтон келиб оёқдан тортди,
Ҳаёт ўхшаб кетар экан гугурт қутига,
Ҳушёр бўлиб юрмаган дер фиғоним ортди.

МУҲАББАТ

Севги экан ҳам дўзаху, ҳам сўлим жаннат,
Келма десанг ўз-ўзидан тақилгич зиннат,
Эркак доим севар экан юрак-юракдан,
Аёл эса келмишидан тиларкан қиммат.

ЙИЛ

Ўн икки ой янги режа чорлар ўзингни,
Бошлама иш, уқтиролмас бўлсанг сўзингни,
Бутун бўлсин юрагингнинг зинапояси,
Худо берган ҳар битта кун очар кўзингни.

ОИЛА

Оилада эркак болға бўлиб юраркан,
Аммо ургич темирчиси хотин бўларкан,
Жанжал чиққан чоғи эркак ўз тилин ютиб,
Хотинининг сўзларида афтин кўраркан.

СЕВГИ

Эркак аввал йирикларкан муҳаббатини,
Аёл ўйлар келар куннинг оқибатини,
Мақсадини йўлга қўйиб олгандан сўнг эр,
Майдаларкан севгисининг тароватини.

АЛДОВ

Аввал эркак катта айтар муҳаббат сўзин,
Вафоларга подшо қилиб кўрсатар ўзин,
Ишонтириб ишончларин бажо айлагач,
Аёл доим артиб юрар ёш оқар кўзин.

ТЕНГСИЗЛИК

Муҳаббатим дея эркак аввал чопаркан,
Кейин уни севгилиси зўрға топаркан,
Меҳрларни баробарлаб бергин Оллоҳим,
Катта-кичик бўлган меҳр итдек қопаркан.

РИНДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

(Ҳазрати Хайёмга)

1.

Бугун майлар тақикдир менга,
Чидаб кўнглим, юролгин кенгга.
Кўниб бардош берганинг учун,
Лимиллар жом мукофот сенга.

2.

Энди ҳеч бир ичмайман бўлди,
Айшу ишрат плани тўлди.
Рестораннинг олдидан ўтсам,
Аҳду-паймон бир зумда ўлди.

3.

Оқдан ичдим ҳузур қилай деб,
Дедим: эркам, фурбатимни теп.
Мен-ку ундан қониб тинарман,
Уним қонгай одамликдан еб.

4.

Таним сиҳат, мучалларим соғ,
Азроилинг келолмасдан доғ,
Бир бурчакда пойлаб турибди,
Қутилиш-чун қилайин қандоқ?

5.

Тангрим мени нечун этдинг паст,
Бахтим ҳар дам чаи берар пайваст,
Толеимдан эконоом қилиб,
Не қилардинг бериб бўю-баст.

6.

Сўроқ эдим, ундавинг этдинг,
Нуқтанг қўйиб, боқмайин кетдинг.
Ўгаймидинг менга Оллоҳим,
Вергул қўймай, мазмунни нетдинг?

7.

Уруғ пишгач хазон бўлган гул,
Одам ақлан пишиб ул ҳам шул.
Келар куннинг аҳдин билолмай,
Ахир бир кун тупроқмиз буткул.

8.

Дўстим ҳар кун тинмай кутийди,
«Арақ бир кун еб қўяр», дейди.
У еяр бўлгач, бизлар ичайлик,
Парвардигор ўзи ғам ейди.

9.

Доим тақдир шафқатсиз тўнар,
Шўрлик бошим бардошлаб кўнар.
Айтганларим барпо бўлмади,
Тупроғимдан мақсадлар унар.

10.

Шайтонингни не деб яратдинг,
Банданг юзин ерга қаратдинг.
Ато қилиб пушаймонмисан?
Оқдан бериб чоҳга нуратдинг.

11.

Гўзалликдан экан омадим,
Бунча латиф қадду қоматим.
Оллоҳ севиб яқин тутганда,
Нечук ақл сўраб олмадим?!

12.

Ол-ҳа, ол деб, кўлларим терди,
Қайтарар чоғ, қалтираб берди.
Ўлар пайтим назар ташланглар,
Кафтин очиб, қулочин керди.

13.

Юракларнинг сир деган сасин,
Билмас айтиб, билган тингласин.
Яширмасдан инъом берайлик,
Элтолмаймиз гўрга бир хасин.

14.

Дўстлар кетгач, дод солиб қолдик,
Душман кетса қарсақлар чалдик.
Кўмилган пайт бахил тупроққа,
Унинг мулкин тупроқдан олдик.

15.

Қафас берган булбулга туғён,
Зоғлар эркин сайлар ошиён.
Маҳсул берган боғлар калтак ер,
Инсоф қани, қочайлик қаён?

16.

Дунё юзин кўрай деганман,
Келиб қолгач афсус еганман.
Чиндан ўлиш кўлимдан келар,
Чин яшаш-чун ожиз эканман.

17.

Ҳаёт онсон чаққон ва шерга,
Мен қийналдим кўп ботиб терга.
Келди-кетдинг йўқлик деманглар,
Тўрт ҳовуч хок орттирдим ерга.

18.

Юзларимни ажинлар босди,
Чуқур кўрсанг, музейдир ости.
Ёшлик чоғлар ўткинчи ёлғон,
Мункайган пайт бўларкан рости.

19.

Ҳаёт дам-дам заҳмат тердирар,
Яхшим кетгач, ёмонлик кирар.
Фаросатлаб билиб юрмасам,
Пишмасимдан думча бердирар.

20.

Қадаҳ ушлаш — товус хироми,
Бироз ичгач, маймуннинг роми.
Маст пайтимда арслон бўлдим мен,
Энг сўнг теккай тўнғизнинг номи.

21.

Гоҳо майдан яшнайди диллар,
Тўй кунлар бу эмас ой-йиллар.
Меъёр кетгач бўлар қадрим хор,
Чўнтаклардан шамол ҳуриллар.

22.

Ер олдим ман девдим бир жойни,
Ул оларкан бир кун мен бойни.
Ўтгич куннинг қадрин билайлик,
Биздан қормиш дунёнинг лойни.

23.

Тушунмаган сўзларим хордир,
Кўзларимдек қиёфам бордир.
Тилим чиқиб югурмасин деб,
Лабу тишим икки девордир.

МУРАББАЪЛАР

ГИНА

Нигоро бўлсин у зайрона дебсанда,
Соғинчдан инграсин сўзона дебсанда.
Дилим ол гулсимон ҳажрингда хуншордир,
Этайгин булбули нолона дебсанда.

Умидим қадларин эгдинг дутолардек.
Тунимнинг тубларин овахтавор жардек,
Саҳар кўз ёшидан шудринг ясарлардек,
Этай ўз дардиладан гирёна дебсанда.

Алаҳлар дард аро ташлаб ўзинг кетдинг,
Кўзимнинг ёшидан жисмимни фарқ этдинг.
Бурун дил забт этиб, бул кунларин нетдинг?
Муҳаббат шоҳини девона дебсанда.

Вафосин ҳажр аро ўртай деддинг чоғи,
Жароҳат берди ишқ беҳудланиб доғи.
Деддингми рад эрур дунёда турмоғи,
Удир Деҳқиз симон бегона дебсанда.

БЎЛАЙ

Суйганим суйкумли жононанг бўлай,
Дил аро ардоқли дурдонанг бўлай.
Ҳар маҳал қалқиб турайгин кўнглинга,
Эрта-кеч ёнингда шодонанг бўлай.

Кўркларинг боғлаб ололгандир мани.
Ўсма-сурмам севдирай — дейдир сани.
Аҳдимиз бўлсин вафодорлик тани,
Айланиб бошингда парвонанг бўлай.

Сўйласанг тушмай тилингни шавқидан.
Куйласанг янграй куйингни завқидан.
Ўйласанг чиқмай хаёлинг мавқидан,
Деҳқизингдек якка фарзонинг бўлай.

БИТТА

Жаҳон хуршидининг яйдоғи битта,
Ияртган моҳининг сўқмоғи битта.
Замини биттаю, осмони битта.
Жами жон умрининг юрмоғи битта.

Пешона биттадан ҳар пуркўламда,
Бўлар бир эътиқод ҳар муҳтарамда,
Ажал акт тузса гар аҳвол чидамда,
Умрининг сўнг бўлиб сўнмоғи битта.

Ватан бирлан ота-она ягона.
Ўрин топмай одам етмас макона.
Экиб Деҳқон, ўриш бўлсин тўёна.
Туфилмоқ биттаю, ўлмоғи битта.

ГУЗАЛГА

Эшит мадҳимни эй, моҳим малак сиймо,
Сенинг ҳуснинг бутун олам аро танҳо.
Жамолинг нуридан ой чорлатиб ҳамро
Узун кун термулар чеҳрангга бўз байзо.

Навоий куйлаган дилбар сенинг наслинг,
У Беҳзод ишлаган сурат асил аслинг.
Чамандек яшнаган бул кун баҳор фаслинг,
Юзингнинг шаъмидин диллар бўлиб рўшно.

Кўрар бўлганда Фарҳод ҳам ёнар эрди,
Жунун кўргач у Лайлодан тонар эрди.
Нурафшонинг билан юлдуз сўнар эрди,
Яқинлашсанг қуёш келган бўлиб гўё.

Кулиб боқсанг намозшом пайти тонг отган,
Қадинг кўрганда кўзгу тош бўлиб қотган.
У ҳофиз холгинанг чун қўш шаҳар сотган.
Қолибдир Деҳқизинг кўргач бўлиб гумро.

УХЛАДИ

Кўкда минглаб шам ёқилгач, кекса даввор ухлади,
Фалвасин дўконга қулфлаб, ерда бозор ухлади.
Алла айтиб чашма унга кенг чаманзор ухлади,
Оқ тўшакдан қалқиниб кўрк, зулфи хуммор ухлади.

Яктагин тоғ узра ташлаб, ой кетибдир ётгани,
Ухлаёлмай ағнагандир бўлса виждон ботгани.
Дарди йўқ осуда эркан уйқунинг донг қотгани,
Эртасин ўйлаб ётолмай, тикка тулпор ухлади.

Ухлаган элдан йўқолган ҳақ-ҳақиқатнинг саси,
Унда мард уйғотса ҳамки, уйғонолмас нораси.
Битталаб у элни ўглин ухлатар ёт алласи,
Мангу ўт ёққанда пушмон, кўкси хуншор ухлади.

Кун ва туннинг фарқи бўлмас, уйқуларнинг пандига,
Партўшак ҳам жой бўлолмас дарду ғамлик бандига.
Уйқупарвар бўлса кўнгил, кирди дашт монандига,
Бевафо домида Деҳқиз бахти абгор ухлади.

ТИНЧЛИК СЎРАНГ

Уруш ҳар чоғ хазон этган одамзодни,
Мудом кул айлаган ҳар изми озодни.
Эшитмас у қилинган оҳу-фарёдни,
Сўранг тинчлик яратмай у хароботни.

Одамлар қимматин жанг айлаган арзон,
Табиат зийнатин этган мудом яксон.
Етимлар у туфайли доимо гирён,
Сўранг, тинчлик тўратмай у аросатни.

Чаманнинг ўрнидан ўқ шўразор айлар,
Умрнинг гулшанин маъюс мазор айлар.
Замонин оқсатиб дардлар дучор айлар,
Сўранг, тинчлик асокаш этмай ободни.

Қиринг ўз ўқилан бахт ўғрисин жангин.
Урушқоқ аҳдидан кўрсин абас чангин.
Туюб ташланг урушнинг ғудда харсангин.
Сўранг, тинчлик ғаним йиғлатмайин шодни.

Кўкарсин доимо тинчлик маконларда.
Кўпайсин тўю-базм ошиёнларда.
Осойиш гулласин Деҳқон замонларда.
Сўранг, тинчлик уруш ютмай нафосатни.

МАҲОРАТ

Севса касбин ҳар мукамал, тез билиб иш хобини,
Ранг ясаб нур сатҳидан ҳам кўрсатар ноёбини.
Дидлидан елган маҳорат акс этиб офтобини,
Ишқи дунёсин ёритгай, шуълалаб ҳар бобини.

Санъатин кўрсатса наққош, гул солиб ёзгай асар.
Оқ ҳалат кийгач шифокор дарду-ғам айлар ҳазар.
Ҳар қалам суртган қурумдан мисли йўқ машъал ясар.
Бир маҳорат забт этибдир коинот меҳробини.

Бастакор бўлгач миришкор минг даво диллар учун,
Ҳар билимдон сепса илмин, боғ унар эллар учун.
Янги ишларнинг ҳисоби режадир йиллар учун.
Қалби оппоқ ишсеварлар — топди дил шодобини.

Етти кўрк лан қут атолаб нур тарар ҳар қайсимиз.
Битта диддан юз маҳорат шайлагандур файзимиз.
Ҳусни бирлан яшнагандир тотли турмуш тарзимиз.
Бўлди Деҳқонқиз миришкор қўшса ўз одобини.

МАЖНУНТОЛГА

Офтоб ҳар кун кулиб боқмоқда,
Кўклам зардан попук тақмоқда,
Кокил юв, деб сувлар оқмоқда,
Кўтар бошингни.

Олам зумрад кўйлак кийгандир,
Муаттарлар анбар уйгандир.
Қушлар сен деб боғини суйгандир,
Кўтар бошингни.

Ол гул жомин ушлаб турмоқда,
У деб булбул маскан қурмоқда.
Чашманг яшнаб мавжин урмоқда,
Кўтар бошингни.

Чорбоғ ёйган кўрк бозорин кўр,
Шодликлардан қувнаб даврон сур.
Деҳқон келгач кокилларинг ўр,
Кўтар бошингни.

ФАРЗАНД

Умримиз очган чечак фарзанд эрур,
Қиз баҳору, ўғлимиз пайванд эрур.
Ул жиломиз кўрсатар сарбанд эрур,
Нур тараб турган башар монанд эрур.

Ҳар падар-модар етук ул бахт ила,
Ҳар бирин оламга тенглар аҳд ила,
Кўрки бордир қўр тўколгач нақд ила,
Халқу эл маъқуллагач хурсанд эрур.

Бир миёр эгган дарахтдек бўйласа,
Икки тинглаб бир забондан сўйласа,
Бахт заказ олмаслигин ҳам ўйласа,
Туз-шакар фарқин қилолган қанд эрур.

Қай сифат берсак ҳаёт шу — деб билар,
Қўлга қўнган қушни ҳар ким ҳам силар.
Зўр оёқ йўл босмагач ардоқ шилар.
Пок дилин лойқатса бир кун панд эрур.

Умримиз бўлмиш бутун ул қад ила,
Сувда сузган сол бўлурмиз бад ила.
Пишмаган дон ҳеч унолмас ҳад ила.
Экканин Деҳқон ўриш лан банд эрур.

МУНОЖОТ

Муножот ишқининг дардин баён айлайди дилпора,
Юрак қўмсаб қаро кўзин, фиғон айлайди дилдора.
Ёқилган қалбидан айтиб, оловлик севгисин тора,
Фироқнинг дастидан инграб, нажот излашда овора.

Куюк бағрин топиб куйдан, эритмиш музли дилларни,
Қадимий ҳасратин деб ҳам, билар бул кунги тилларни.
Тўкиб мунг бирла кўз ёпин, камайтар дилда зилларни,
У саснинг кўксидан қонлар сочилган эзгу гулзора.

Навонинг оҳу-фарёди дилим кошонасин бузди,
Шамолдан тебранар гулдек, чидамнинг риштасин узди.
Ҳарорат торларин чертиб, ситамлар бастасин тузди,
Севарнинг андуҳин тинглаб, юрак ўт олди якбора.

Хаёлот даштидан бўзлаб, мақомнинг дардларин
билдим,
Муҳаббат ҳирсидан унган унингдек ишққа интилдим.
Қариш келганда Деҳқонқиз, кўнгил эскирмаган
қилдим,
Муножот хотирин тирнар экан денг сарвиноз ёра.

ЛОЛАЗОРДА

Ҳижрон отган ўқлардан толеим оқсоқ,
Озор бузган кўнглимнинг ҳар они қийноқ.
Иқболимдан жудолик шайлатди қурфоқ,
Найлай абгор юракнинг аҳволи носоғ.
Лолалар, о лолалар сиздек бағрим доғ.

Дийдам тўккан ёшлардан таққансиз шода,
Жомингиздан сув ичсам, қонланди бода.
Доим ақлу-хаёлим ўшал барнода.
Ҳажр солган кишандан бўлдим афтода.
Лолалар, эй лолалар, сиздек бағрим доғ.

Ўз хоридан қонланган хуншор раъноман,
Ишқ уммонин кечувчи беҳис гумроман.
Ул дилбоздан дил узмас, ошиқ шайдоман,
Ёнган чоғим, Деҳқиздек ашборга жоман.
Лолалар, о лолалар, сиздек бағрим доғ.

НЕВАРАМГА

Ҳаёт ўткинчию, турғун ҳижоси,
Умр ўлчовли-ю қисмат низоси,
Шу пайт йиғганларинг келмиш зиёси,
Йигит қадрин аят, жоним хумоси.

Баҳоринг гулларин қийғос очибдир,
Қуёшинг барқ уриб нурин сочибдир,
Кўриб дийдам қувончлардан ошибдир,
Бу дам такрорламас жоним хумоси.

Шошиб олдинласанг, ортинг бўлишмас,
Баҳоринг селлагач софлик тўлишмас,
Қароқсиз иштиёқ кўрдан қолишмас,
Баҳор қадрин аят, жоним хумоси.

Бугундан эртанинг измин кўролгин,
Фурур лан қоядек маҳкам туролгин,
Ҳаётнинг ролларин ушлаб буролгин,
Бу дам қадрин аят, жоним хумоси.

Ғанимат ёшлигинг умрий наҳордир,
У фазлинг мулкидан ўтгич баҳордир,
Умидвор Деҳқизинг орзунга ёрдир,
Бу дам такрорланмас жоним хумоси.

ИЛҲОМ

Жўш урар пайтларда илҳом — чашмадек туйғуга хос,
Мовий осмон, ерда гулзор, гул очар орзуга хос,
Дилда гул боғини кўкартган — мавж урар эзгуга хос,
Кўнглидан гулшан намолар — сарви қад гулрўга хос.

Чимчилаб қўймайди келгач, пайравин айлаб намо,
Бағридан топмиш олов сўз, айтганин қилган фидо,
Мисралар қушдек чуғурлар, унга берсак рўкушо,
Нур олиб кирмиш юрак чун, у бўлиб ёғдуга хос.

Ойбулоқларнинг оҳангин жилдиратмиш жонида,
Муттасил гуллар чарақлар мангу кўк бўстонида,
Сабза урган майсалардир, гул ифор эҳсонида,
Кўз сузиб жонларни олгич, кўзлари жодуга хос.

Дил чигил бўлганда ёзсак, у ёзаркан ғуссасин,
Эверест чўққисидан ҳам чўнг этаркан ҳиссасин,
Ўзни хону, ўзни беклаб, айтдираркан қиссасин,
Қўл узатган пайт Худо деб, ҳайқирар ёҳуга хос.

Бодасин тутгач муҳаббат, бошлар у гуфторини,
Эзфилаб жиз-жизлаган дард эркалар рафторини,
Тинмайин ҳеч изламиш у, ўз севиқлик ёрини,
Кўрсангиз Деҳқизни у пайт, сўзлари мангуга хос.

ЭЙ, ТАБИБ

Эй табиб, рангимга боққин, заъфарондир қат-қати,
Ишқ адаштирган гадо деб, бўлди бу хил сийрати,
Буқсиниб бағримни дуди — кўзларимни ёшлади,
Кўкламим келмай, куз айлаб, дарду ғам оғушлади.

Боқмади ҳолимга сарвим, раҳм ила шафқат этиб,
Бош эгиб қолмиш умидим, қайданам ҳижрон етиб,
Лоладек кўнглим жароҳат севгидан омад кетиб,
Дард бўлиб бағримдан оғир, оҳу-зор арз чошлади.

На қилай, бемор муҳаббат берса кун-тунлаб йиғи,
Ихтиёр ўлмасдан олдин, ўлса бағрим мантиғи,
Толеим кўр бўлди Деҳқиз, тикка санчилгач тиғи,
Ёр олиб ақлу ҳушимни, энди бағрин тошлади.

Умрбод булбули нолон бўлиб эрдим чиройинг чун,
Хизирдан ҳам сўратганман, санинг бирлан бўлар
гардун,
Ўзимданда кечиб ақлим, олов олмоқдадир бул кун,
Саботим қолмаган жоним, жамолингдан жидо этма.

Қилибдир эътироз розим, ҳимоя айлатиб зорин,
Кўзим сабру-чидам қилмай, тўкиб қўймоқда хуншорин,
Бугун ҳайқирди Деҳқонқиз, айирманг, деб унинг
ёрин,
Муҳаббатдан гуноҳ излаб, висолингдан жидо этма.

ТОШКЕНТИМ

Сенда офтоб кўркларин шайлаб шинам,
Нурли кўйлак ичрасан Тошкент онам,
Тинчлигу дўстликни айлаб муҳташам,
Жумла олам ичра бўлдинг муҳтарам.

Ошиён этган сени бахтлар қуши,
Гул жамолинг ҳуснининг йўқ ўхшаши,
Боғларингдир чорчаманнинг дилкаши,
Унда нурлар рақс этар куйлаб ажам.

Кунда тўй гавжум бўлиб тўйхоналар,
Фестивал, кенгаш, сайил хандоналар,
Хилма-хил оқу қаро жононалар,
Севги келган пайт садоқат сенда жам.

Неча миллионлаб жамоат мухлисинг,
Хизматингда барча ўғлону қизинг,
Тундан ҳам зурёд олиб шод кундузинг,
«Инга»лар ҳар кун баҳодир у санам.

Шавкатинг таржимаи ҳолим юзи,
Ўзбегим бирлан ловулар юлдузи,
Сен илан равшан бу Деҳқизнинг кўзи,
Булбулингдек у ғазалхон субҳидам.

ГУЛИМГА

Гулим нечун этиб мафтун, менга хуммор илан боқдинг?
Нигоҳинг бирла жон ўртаб, дилим гулханларин
ёқдинг,
Ўзингдан ҳам нафис севдим, десам банд узмасин у деб,
Табассуминг таманнолаб, бўлиб бошимга тож
аҳдинг.

Қаний ишқ боғидан узсам сени гулзор аро сайлаб,
Рақибим бўлса булбулар, дегич мадҳингни рашк
айлаб,
Тегишган пайти шаббода, тўсайгин йўлларин найлаб?
Ачом қилган маҳал офтоб, нечун нурларга қош
қоқдинг?

Олиб созингни баҳримдан, сеҳрнинг куйларин чалдинг,
Муносиб бўлмаганлар чун пойандоз майсалар солдинг,
Силаб-сийпавчи меҳримдан қасоснинг қасдларин
олдинг
Висол деб талпинар чоғим, тиканлик мен учун вақтинг.

Урилмиш илтижом тошга, умиддан ноумид қайтиб,
Ишончим хонасин буздинг, муҳаббат қавмидан дайдиб,
Харобот бўлди орзуйим, тамоман сўнганин айтиб,
Элимнинг Деҳқизин кўрмай, ҳаёт гирдобилаб
оқдинг.

НИМА

Дам олиб турган вагонни сургалаб кулган нима?
Нессида Лох номи бирла доврүгин солган нима?
Қор одамлик НУЖ тушибдир юртимиз осмонидан,
Мис ликобин пирпираклаб галма-гал қўнган нима?

Думли юлдузлар билармиш дашту Устюрт шаклини,
Ўйнашиб Юнусободда енгди инсон ақлини,
Ҳар замон дўкиллаган том—унга тўнкар дахлини,
Қашқадарёсин кўрай деб, қўрқмайин келган нима?

Бунча бетоқат бўлибдир коинотнинг сирлари,
Ё тўлиб тошган гуноҳнинг вазниму содирлари.
Ёки кўз юммас уволлар аҳдиму қай бирлари,
Одамизод умри ёнглиқ бир ёниб сўнган нима?

Ё хатолардан яралган серсароб тақдирми у?
Ёки зиндон ичра ўтган — беқиёс нодирми у?
Ёки эрк излаб юрувчи — менсимон дилгирми у?
Ойдаги «Оллоҳу акбар» жумласин билган нима?

Балки у Халлоқни истаб, умри чун толеҳ тилар,
Балки зўр илгин чўзиш лан, истагин барпо қилар,
У талаб қилган матони, балки келгусим билар,
Гар дуосин билса Деҳқиз, бош эгиб турган нима?

УДИР

Кўрки гулшандек суманбар сарви қад жонон удир,
Навбаҳордек дилга кошин маҳлиқо тобон удир,
Қайратиб қош, сурма созлар дилнавоз мужгон удир,
Ишвасин давруққа солган нимнигоҳ чўлпон удир.

* * *

Лаълийин мезони ойдаи яйратиб моҳтобларин,
Тийралаб тоблар ҳарорат, балқитиб офтобларин,
Ўтса муддат сўндирилмас, ул жавоҳирнинг зарин,
Ҳуснидан маъбуда шайлар дилкушо ғулмон удир.

* * *

Кўзгудан акс этса ул шўх, барқарор зеболари,
Ул табассум айлаган пайт, нур тарар рўшнолари.
Ўтса гар гулзорли боғдан, бош эгар раънолари,
Орзуйимдан барқи унган дилрабо бўстон удир.

* * *

Дил қушим учмоқчи бўлгач, зулфи чандиб боғлади,
Ихтиёрим сайд этиб у банди этмоқ чоғлади,
Ёнганин кўрмай дилимнинг, интизорлаб доғлади,
Айтса Деҳқонқиз фиғонин жилмаяр шодон удир.

ТАБАССУМИНГ

Баҳордек дилкушо боқмиш табассуминг,
Наҳордек навчечак тақмиш табассуминг,
Дилимнинг торларин зимдан тутиб чертиб,
Юракнинг дарчасин қоқмиш табассуминг.

* * *

Юзингдан шуълалар порлар у зийнатлаб,
Момиқдек сўзларинг оламни рағбатлаб,
Қароқлар дард давоси дейди қимматлаб,
Солар бағрим аро хониш табассуминг.

* * *

Мусаффо нур эрур чеҳрангнинг офтоби,
Кўнгилдан ой чиқар болққанда маҳтоби,
Кўрар пайт жилмайиб росланди дил тоби,
Умидим шамларин ёқмиш табассуминг.

* * *

Кулиб турган жамолинг дер маҳал бандим,
Бўлиб парвонадек лавҳингда айландим,
Бугун орзу дилим айтмоққа шайландим,
Раҳим эт, Деҳқиза нолиш табассуминг.

ТУЮҚЛАР

* * *

Келди бул кун янги совчи қошима,
Шодлигимдан ўсма қўйдим қошима.
Жонгинам севганлигинг ростданмикин?
Алдасанг сўнгдан бошингни қошима.

* * *

Меҳру-ёдинг ўртатиб қўйгач бу куй,
Тирналар ҳар гал юрак бағримни куй.
Жондан ўтди битмасак ҳижронларинг,
Энди куймам, навбат айлаб сенда куй.

РУБОИЙЛАР

ПЕДАГОГИК ТҮРТЛИКЛАР

(Болаларимга)

Камтарликлар нурлик кундайдир,
Ношудликлар кўрмас тундайдир.
Ҳар бир инсон айнан бир дунё,
Қандай бўлсанг, дунёнг шундайдир.

* * *

Пишмай қолган донлар унмайди,
Бурчи йўқнинг — бурди бўлмайди.
Ибратликка итоат кўпдир,
Ҳақиқатлар мангу ўлмайди.

* * *

Ёшлиқ олтин, гавҳар ҳам лаълдир,
Олмай қолсанг, суртилган ҳалдир.
Маъно бермай ўтган йиллардан,
Мазмун берган кунлар афзалдир.

* * *

Силлиқ ўсган чўп ёқилмайди,
Маҳкам бўлгач, мих қоқилмайди.
Кўркам хулқнинг олтин қалби бор,
Унга асло айб тақилмайди.

* * *

Жасоратсиз умид ўнмайди,
Машаққатсиз зафар қўнмайди.
Мазмун камлик қилган чоғларда,
Сен кўнсанг ҳам, қалбинг кўнмайди.

* * *

Ҳушёр бўлгин зидлик юрганда,
Олчоқ ўртаб ўйсиз ҳурганда.
Жанг ўлдирган ободликларни,
Жон киргандир тинчлик турганда.

* * *

Билим кўшлар буюкликларни,
Одоб кўшлар суюкликларни.
Гўзалликдан хабардор бўлган,
Кўрар тезроқ хунукликларни.

* * *

Баҳор пайтлар гулдан пойандоз,
Булбул сайрар чертиб хуш овоз.
Умрбодлаб завқин суришга,
Табиатнинг кўркин кўриш оз.

* * *

Даврон завқин куйлар чоғ булбул,
Бурчин оқлар дашномдан буткул.
Ердан олган қарзин қайтарди,
Куз келганда баргин тўккан гул.

* * *

Сочдан ҳар хил турмак тарашган,
Қош бўяшлар зебо ярашган.
Сунбий кўз ҳам айбдан мустасно,
Аммо қалбнинг аслин қарашган.

* * *

Ватан сатҳин нурлаб турган бор,
Латиф йўллар топиб юрган бор.
Одамлардан яроқсиз йўқдир,
Бироқ қалбин емиртирган бор.

* * *

Самимийнинг шифодир боли,
Одобдорнинг кулар иқболи.
Ширин тиллар тўсиқ кўрмайди,
Адолатлар қуёш тимсоли.

* * *

Келин таққан назокатдан зеб,
Илм, ахлоқ бўлиб улкан себ.
Умид қилган жаме қайнона,
Ширин тиллик келин кўрсам деб.

* * *

Дилкаш куйдан табиат ташкил,
Мунг сеҳридан жўшар доим дил.
Ундан чинлаб баҳраманд бўлсанг,
Қирқ бир тарам — идрок кесган қил.

* * *

Мавқинг пайдо бўлган рафтингдан,
Бир наф қилсанг, қайтар наф мингдан.
Меҳнат пешвоз айлар иқболни,
Сайқаллангай дунёнг тафтингдан.

* * *

Ҳунар билган — туганмас конлик,
Тугун чиққач ечар имконлик.
Уқувлардан сулувлик чиққан,
Меҳнат билан унган бўстонлик.

* * *

Ҳиммат ҳар дам ёғду сочаркан,
Ҳурмат толеҳ кулфин очаркан.
Кенгашганга кенг дунё дерлар,
Худбин тушкур бахтдан қочаркан.

* * *

Янглишган пайт айтгин дафъатан,
Ибрат айлаб, ҳар бир лавҳадан.
Яхлитланган бахтлар бўлмайди,
Термоқ даркор ҳар бир жабҳадан.

* * *

Ҳаёт танлар мудом мардини,
Номард тортар берган дардини.
Ёмонликлар кўрмаган билмас,
Яхшиларнинг қиммат қадрини.

* * *

Ҳар бир муҳит берган ўзга там,
Унинг ҳолин кўрганлар баҳам.
Қурбон бўлган ҳатто Улуғбек,
Ундан устун турган бўлса ҳам.

* * *

Бир ҳаққоний оқар жилгадир,
Тўрт-бешлашгач, сузгин дарға дер.
Қўл ушлашган чоғлар жамоат,
Енгиб бўлмас метин қалъадир.

* * *

Муҳаббатлар ясар дур дона,
Деёлмасдан ёнар пинҳона.
Ишинг тушгач, ўзинг ўлчай бил,
Камин кам дер, кўпин бачкона.

* * *

Севгинг келгач, ташвиш уйдирар,
Кўзсиз кўнглинг кўрмай севдирар.
Ёшлик ўртаб, билмасдан борсанг,
Қайноқ ишқинг сўнгин куйдирар.

* * *

Бардам бўлгин баъзан толганда,
Таъбсизликлар таъбинг олганда.
Андешангдан ойдин порлайди,
Зулмат йўллар чиқиб қолганда.

* * *

Офтоб келгач, зулмат фошланган,
Камтар бўлгач, ҳурмат чошланган.
Обдан синчиб боқсанг кўргайсан,
Юксакликлар пастдан бошланган.

* * *

Томгачдан сув, тошдан жой олди,
Асфальт қуйсак, ўт ҳам ўсолди.
Гардун аслан тинмай тортишмоқ,
Урнаб турган — олдинлай олди.

* * *

Тинглаш бир хил, уққан ҳар хилдир,
Билмоқ зилдай, билгач енгилдир.
Орсиз қолмас истаб ўрганган,
Онгнинг вазнин кўрсатган тилдир.

* * *

Камтарликлар камлик эмасдир,
Ҳурмат юксак, гердайган пастдир.
Мардлик келгач, кўрслик бош эгди,
Хушчақчақ дон, енгилтак хасдир.

* * *

Минг-мингларнинг бир-бир хоси бор,
Кўнгилларнинг танлар моси бор.
Шахсий диддан бирлик ўлчанмас,
Ҳар бир жоннинг ўз дунёси бор.

* * *

Жиддийликлар етгач қош керар,
Кўз ҳар ердан мазмунлар терар.
Тинглаш ўзмас онгнинг ҳажмидан,
Тил ҳам сийпаб, ҳам дашном берар.

* * *

Қувнаб кулган ҳар кимдан кулмас,
Чин айтганлар — юзсиз букилмас.
Ёшлигингдан орлик бўл ўғлим,
Теран турган обрў тўкилмас.

* * *

Дилдан нур бер, диллар сўлганда,
Қўрқмай айтгин фикринг тўлганда.
Синган пайт ҳам нархин сақлайди,
Чиндан мавқинг олтин бўлганда.

* * *

Эсдан чиқмай бурчинг қарзлиги,
Ҳурмат қилмоқ доим фарзлиги.
Умринг бўйлаб ўрган тинмасдан,
Битмас асло дунё дарслиги.

* * *

Илм денгиз, илмдор дурдир,
Билиб олсанг, ёритгич нурдир.
Кичикликдан қониб ўргансанг,
Умр бўйлаб сўзинг манзурдир.

ОҒИЗ

Оёқ-қўллар гердайиб кўзғалон қилди,
Бунга кўзу қулоқ ҳам келиб қўшилди.
Оёқ дерди: — Мен юриб давлат топувчи,
Ҳеч иш қилмай ўлтириб оғиз қопувчи.
Қўллар эса, Биз тутсак, у ейди, — деди,
Яна деди: У юлғич, йўқ экан бети.
Кўз айтарди: Мен кўрсам, у олиб қўйди,
Мен тўйишни ўрнига, тўйишни суйди.
Қулоқ, диду бурун ҳам берганин айтди,
Барчасининг ихлоси оғиздан қайтди.
Бу таъналар оғизнинг орин келтирди,
Шу бугундан емаслик аҳдин билдирди.
Бир ҳафтада оёқлар юролмай қолди,
Қўллар эса ишламай, ётиб ҳам толди.
Кўзлар хира тортганди, қулоқ шанғиллар,
Сўз айтмаган боши ҳам, дарднок лўқиллар.
Тилу тишни ишсизлик эзиб ташлади,
Ақл туриб жойидан, бошин қашлади.
Тавба қилинг дўстларим деди уларга,
Қошни териб, кўз ўйиш — ношукурларга,
Улар энди ялинди оғизга е деб,
Ютмаса-да зўрлашди бўғизни ҳа деб.
Минг ишчига бир бошчи оғиздек экан,
Гапирмангиз Деҳқонга, бўлса ҳам еган.

УДУМ

У замонлар бурканиб келган келин,
Сўнгидан юз очдилаб кўрган элин.
Гиж-баданг чилдирмалар осмон ёриб,
Қиз-жувон ёр-ёр деган чарчаб ҳориб.
Дилбарой бундан насибдор бўлмади,
Ич киёв келгач, бу одат тўлмади.
Юз очар чун унга ҳожат йўқ эди,
Ҳовлидан чиқмай келин таъзимлади.
Йил ўтиб кўз ёргудек пайт чорлагач,
Ул азоб бўрон билан бошланди каж.
Икки жон кутган киёв фарёд этиб,
Чақди бағрин терс ажал дарддан етиб.
Тоғ қулаб тушган симон тўфон эди.
Гуллаган пайт боғ ёниб вайрон эди.
Розилик айтай — деган чоғ алвидо,
Шум удум дебдир: у бурч этсин адо.
Очмаган юз умридан беруҳ эмиш,
Бул увол чун минг савоб макруҳ эмиш.
Очдилар тобутгача юз пардасин,
Токи Дилбар тингла деб ёр-ёр сасин.
Чалдилар қўш дойралаб фарёд қўшиб,
Юз очиб қўйгач фиғон ҳаддан ошиб.
Тобутин чўғдек ясаб зар ёпдилар,
Шу маҳал Дилбар тирик деб топдилар.
Бул удум зулматни тун этган эди,
Юз очиб Дилбар тўкис кетган эди.
Ҳар келин тушганда гап бу дил қадоқ,
Қилди Деҳқонқиз зимистонин адоқ.

* * *

Қалам доим қурум суртар,
Тушунган «Нур бу» деб айтар.

* * *

Китобдан бўлмасанг ўзга,
Биларсан бир қараб кўзга.

* * *

Десанг нон бўлмасин зое,
Элинг берганни билгач е.

* * *

Тилаб олганда бахт софмас,
Қараб ўлтирсанг у топмас.

* * *

Кутиб олгувчимиз гулдир,
Кузатган нарса ҳам шулдир.

* * *

Кўниб билмас билан юрсанг,
Бўларсан унга тенг порсанг.

* * *

Оёқ қирқ беш бўлар бир чоқ,
Бироқ даркор билиб босмоқ.

* * *

Яқин кўнгил бўлар зардан,
Узоқ бўлганда қайсарсан.

* * *

Ривож — қалбинг билан порсанг,
Келар яхшинг билан борсанг.

* * *

Йироқ елкан бўлар кўркам,
Ўзинг сузсанг, сезарсан кам.

* * *

Олар обрў суюқданмас,
Тўкилган бўлса йўқдан мас.

* * *

Гулинг булбулга завқ берган,
Туянг янтоққа тенг терган.

* * *

Тилингнинг истагин айтма,
Қовундек ёрдириб қайтма.

* * *

Асов мастлик уят йиртар,
Бориб бир кун ҳаёт йиртар.

* * *

Тилингдир катта дастурхон,
Мудом тингларни бил меҳмон.

* * *

Ҳаётдан бос мудом олға,
Туриб қолганда у — орқа.

* * *

Отанг йўқ бўлса тик юрган,
Одамлардан сўраб ўрган.

* * *

Либосдан кўрма инсонни,
Қараб бил унда пинҳонни.

* * *

Деманг, пешонамиз солган,
Юриб ҳар ким териб олган.

* * *

Ҳаёт бўлмайти асфалт йўл,
Баланд-пастликда ҳушёр бўл.

* * *

Деманг: «Чеҳрам ажин босди»,
Чуқур кўрсанг музей ости.

* * *

Бўлар чоғлар ситам ёшда,
Гуноҳ энг каттакон бошда.

* * *

Қадр-қимматни этмай кўл,
Ақл нархлашда ҳушёр бўл.

* * *

Қилар ҳасратни ўз-ўзла,
Уялтирмаслигин кўзла.

* * *

Ҳаётдир зиддият кони,
Жасорат гимнидан жони.

* * *

Экан исроф зиён кони,
Чироқ тошгач, ўчар они.

* * *

Ҳаёт шамдон, ишинг ёғдир,
Тафаккурдан ёниб соғдир.

* * *

Қилич кесганда толмайди,
Бироқ гапдан ўтолмайди.

* * *

Саман от юрса кенг йўлдан,
Қулун йўл танламас сўлдан.

* * *

Эриш халқинг севар номга,
Қўшиб бермайди дипломга.

* * *

Жаме қасблар одоб истар,
Одобсиздан биров қистар.

* * *

Мукаммал кунларинг кўп дўст,
Заиф кун қайси ташлар пўст.

* * *

Ўсиб янтоқ ўзин боғ дер,
Такаббурлик ўзин тоғ дер.

* * *

Бўларкан улфатинг чапдан,
Бошинг чиқмайди кўп гапдан.

* * *

Йилинг тўртлик симон тусда,
Жамин айтиш — бўлар кuzда.

* * *

Ҳаёт аслин кураш дерлар,
Тўкис турмуш — сўрар терлар.

* * *

Ғуборсиз бўлса виждонинг,
Бўлар дилхушли ҳар онинг.

* * *

Йигит пайтинг қўруқлар оч,
Бўлар қадринг оқаргач соч.

* * *

Агар зидлашса бир юрган,
Унинг ахборларин ўрган.

* * *

Қулоқ, кўз жуфтдир инсонда,
Қилолгин ишлатиб монда.

ЛУҒАТ

1. Аркан — давлат
2. Атолаш — пайдо қилиш
3. Андалиб — булбул
4. Аҳбоб — улфат
5. Абас – йўқлик, беҳуда
6. Айсберг – денгизда сузувчи муз тоғи
7. Ашқ – кўз ёши
8. Аъмо – кўр, сўқир
9. Бад – ёмон
10. Бадил – кўнгилдагидек
11. Бадкор – ёмон иш қилувчи
12. Байзо – оқ нур
13. Баста – тўплам
14. Барор – омад
15. Бисмил – сўйиш
16. Беҳуд – ўзидан кетиш
17. Бож – солиқ
18. Бўташ – аралаш
19. Басир — кўзсиз
20. Бовар — ишонч
21. Баззоз — сотувчи
22. Виқор – катталиқ, жиддийлик
23. Восил – етишиш
24. Гардун — фалак
25. Дол — эгилган
26. Дилгир — кўнгил олувчи
27. Дут — тутун
28. Дуто — букилган
29. Даввор — осмон
30. Довот — сиёҳдон
31. Доман – этак
32. Жумбиш — ҳайратланиш
33. Жовидон – абадий
34. Забун — иложсиз

35. Зухур — пайдо бўлиш
36. Завол — жавобгар
37. Зевар — зийнат
38. Зайрон — интизор
39. Зиллат — хўрлик
40. Зоҳид — тарки дунё қилган одам
41. Ибтидо — бошланиш
42. Интиҳо — тугаш
43. Ифрот — нобуд
44. Илги — қўли
45. Ияртиш — эргаштириш
46. Ийд — ҳайит
47. Исқот — ташландиқ
48. Йитиш — йўқалиш
49. Йўраш — йўналтириш
50. Каж — эгри
51. Кибор — улуғлик, устунлик
52. Лош — меваси йиғиб олинган
53. Лаъли оли — гўзал юз
54. Ложувард — тиниқ
55. Мухтасар — якун
56. Мозий — ўтмиш
57. Малах — чигиртка
58. Музайян — безатилган
59. Мансуб — тегишли
60. Музопод — турар жой
61. Манқал — оловдон
62. Маҳри — тегишли ҳақи
63. Мустажо — мақсадга етиш
64. Махоба — арава, туя устидаги хона
65. Менгзийди — ўхшайди
66. Маҳзун — ўйчан
67. Меҳвар — таянч ер
68. Мезона — миноранинг тепаси
69. Мавқи — ҳолати
70. Мозандарон — чангалзор

71. Мозий – ўтмиш
72. Мор – илон
73. Муассо – келишиш
74. Муҳобат – ошириб гапириш, лоф
75. Нисвон — аёл
76. Ниҳон — яширин
77. Нуфуз — мартаба
78. Нас — касофат
79. Нек — шарофат
80. Насок – номи қора
81. Нисор – ҳадя қилиш
82. Норас – вояга етмаган
83. Нуктадон – доно
84. Он — вақт
85. Ол ранг – қизил ранг
86. Очун – дунё
87. Пароканда — режасиз, сочилган
88. Порсанг — ўлчов тенглиги
89. Порам – ёқимли
90. Раҳна — тўсиқ
91. Рафти — йўналиши
92. Раҳнамо — етакчи
93. Риё — ёмон руҳ
94. Рафти кенг – дунёқараши кенг
95. Ринд – ичувчи, қайсар
96. Сарин — нафис
97. Сўзон — куйиниш
98. Сийрат — ички қиёфа
99. Сўзанда — куйдирувчи
100. Сарафроз — улуғлаш
101. Собит — барқарор
102. Сарбаст – боши боғли
103. Соният – охири
104. Турфа — ҳар хил
105. Тамуғ — дўзах

106. Тар — сўлмаган, ҳўл
107. Тардум — фалак
108. Термочлаш — берилиб териш
109. Тўратдим — пайдо қилдим
110. Узлат — четлатиш
111. Урфон — илм, билим
112. Унсиз — овозсиз
113. Устивор — барқарор
114. Утсав — ҳинд фестивалининг номи
115. Фарзона — мард
116. Фатво — буйруқ, рухсат
117. Фаттон — қора кўз, фитнали кўз
118. Хасми — тобелиги
119. Хоби — йўналиши
120. Хуншор — оқаётган қон
121. Хобгоҳ — ётоқхона
122. Чек — тегишли ер
123. Чаппар урган — ёппасига гуллаган
124. Чош — хирмон
125. Шамс — қуёш
126. Шуур — руҳланиш
127. Ях — муз
128. Яхти — ёруғ
129. Ўзан — оқим йўли
130. Қароқ — кўриш
131. Қамар — қуёш
132. Қамол — тутқунлик
133. Қўра — яшил девор (изгрив)
134. Ғофил — анқов
135. Ғулом — қул
136. Ҳад — ҳолат
137. Ҳад — обрў чегараси
138. Ҳилол — янги ой

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
МУАЛЛИФДАН	5

ФАЛСАФИЙ ВА ПЕДАГОГИК ҲАЗАЛЛАР

Ўзбекистоним менинг	7
Диёримга	7
Сабоқ	8
Вақт	8
Ҳаёл	9
Таъсир	9
Йўллар	10
Меъёр	10
Ҳаёт	11
Кулгилар	12
Поезда	12
Андиша	13
Ҳаёт ҳақиқатлари	13
Табиат	14
Биргалик	15
Ҳунар	15
Фарқ	16
Кўнгил	16
Э, дунё	17
Неварамга насиҳат	17
Ҳаёт ташвишлари	18
Умид	19
Ҳаётга	19
Инкор	20
Маслак	20
Ғурур	21
Ҳаёт ранглари	21
Истиқлол	22
О, шеърият	22
Қизлар гулзори	23
Сенсиз	23
Тунги дард	24
Табиатга	24
Мани	25
Атиргул	25
Гулбаҳор	26
Ёз	26

Паришонлик	27
Китоб	27
Кўзлар	28
Муҳит	28
Муҳаббатга	29
Ибо айлаб	29
Уруш нима	30
1945 йил 9 май	30
Қиш	31
Тонг	31
Юргим баҳори	32
Шоҳимардон ёзи	32
Гап	33
Олам дарди	33
Отам хотири	34
Хослик	35
Туташлик	35
Сўқмоқда	36
Рашк	36
Тошкент zilзиласи	37
Қиёс	37
Момақаймоқ	38
Нон	38
Йўлларда	39
Инсон	40
Бахт	40
Юқар	41
Тасанно	41
Келинчак	42
Тош	42
Дунё	43
Андуҳ	44
Гамлетга	44
Одам	45
О, инсон	46
Кимдир	46
Э, фалак	47
Қаламга	47
Ашъорим	48
Бўлса бас	48
Инстинкт	49
Кўрмадинг	49
Мажнунтолга	50

Ёз шомида	50
Жавзода	51
Қиз бола	51
Тошкент	51
Тошкент гуллари	52
Фаввора	53
Тил	53
Зебунисога	54
Қизимга	55
Виждон	55
Илк баҳор	56
Яна баҳор келди	56
Баҳор шамоли	57
Тенгдошларим	57
Уруш ветерани	58
Кексалик	58
Кўкчам	59
Ингилиш	59
Ўзбек аёли	60
Онам хотири	60
Интиҳо	61
Сурагинг	61
Репрессия	62
Баҳор келди	62
Наврўз	63
Шудринг	63
Ёшлик эҳтиёжи	64
Ҳаётга талаб	64
Метро	65
«Баҳор» қизлари	65
Раққоса	66
Янги йил тилаги	66
Орзуйим	67
Ёмғирдан сўнг	67
Бил дилим	68
О, илҳом	68
Жононлар	69
Шишагул	69
Ҳазрати Ҳайёмга	70
От	70
Ҳинд фестивали	71
Айрилиқ	71
Гулзор	72

Муҳаббатдан	72
Ўзбек	73
Қўқонда	74
Аёл	74
Бўлиб	75
Баҳор завқи	75
Ўзимга	76
Тинчликда	76
Ғазал	77
Мангу олов	77
Ҳаё	78
Ажралиш	78
Олтин куз	79
Нафосат	79
Соғинч	80
Телефонисткага	80
Сир	81
Топмадим	81
Акам хотири	82
Асаб	82
Тунда	83
Ҳажр	83
Илон йилига	84
XX аср	84
Мунтазир	85
Аёл қўли	85
Қўллар хили	86
Келин тушганда	87
Висол	87
Бахт қушига	88
Пушаймон	88
Тарих	89
Мақом	89
Дид	90
Диёрга	91
Бозор	91
Тўрт унсур	92
Баҳор	92
Бибихоним	93
Кўз	93
Ватан	94
Маънавият	95
Пул	95

Хина кечаси	96
Улуғбек	96
Айлаб	97
Унсиз	98
Омад	98
Сабот	99
Илҳом	99
Сувга	100
Толеймга	100
Исён	101
Хаёлим	102
Мевали дарахтга	102
Муסיқа	103
Орзу	103
Қатралар	104
Орзулар	104
Умр	105
Ҳақиқат	105
Ҳирс	106
Ўткинчи умр	106
Буви бўлдим	107
Ойдин кеча сукунати	107
Ота	108
Илҳом парисига	108
Камолат	109
Бобо Кайфийга	109
Миришкорлар	109
Қизғалдоқ	110
Тоғ	111
Рост экан	111
Жигда гуллаганда	112
Булбул	112
Биография	113
Меҳнатим	113
Билим	114
Невараларим	114
Ариқ бўйида	115
Тилак	115
Аруз	116
Лўлига	116
Қизил қалам	117
Ёзда	117
Тонг насими	118

Қовун сайили	118
Шеърларим	119
Отасизлик	119
Муҳит таъсири	120
Кўнгил	120
Қалб	121
Инсон билан	121
Турлар	122
Кулги	122
Уруш изи	123
Гўдак	123
Эй, най	124
Истак	124
Телевизор	125
Учувчи	125
Вафодорлик	126
Булоқ бошида	126
Шабнам	127
Ёз оқшоми	127
О, ишқ	128
Харита	128
Ташвиш	129
Иқрор	129
Алла ҳақида	130
Юмшоқлик	131
Баҳор ёмғири	131
Ҳаё II	132
Томчи	132
Фурур	133
Тенглик	133
Илҳом парисига	134
Этди	134
Маърифат	135
Ер	135
Қоғоз	136
Ёшлик	136
Ибни сино	137
Фаробийга	138
Машраб	138
Дўст	139
Тақдиримга	139
Юртим баҳори	140
Нигоҳлар	140

Исён	141
Таскин	141
Севги ва нафрат	142
Қиммат	142
Муқимийнинг ҳужраси	143
Илҳомнинг айтганлари	143
Дунё қонунлари	144
Англаш	144
Мендин ўрганди	145
Порсанг	145
Дарахтга	146
Меҳмондорлик	146
Ўрганиш	147
Гулим	147
Бошқа	148
Кузда	148
Дил	149
Муштоқ	149
Гузал	150
Қайтиш	150
Санам	151
Айлади	151
Қишлоқда ёз шони	152
Актёр	152
Монанд	153
Наво	153
Фахрия	154
Тинчлик	154
Ўргандим	155
Ишқ	156
Бахт қушига	156
Муддат	157
Касб	157
Вафо	158
Она	158
Одоб	159
Бурч	159
Эътиқод	160
Олим	160
Ёшлар орзуси	161
Боғим	161
Ватанимга	162
Шукрона	163

Мусаввир	163
Ёшларга	164
Зебинисо	164
Деҳқонқиз	165

МУСАДДАС ВА МУХАММАСЛАР

Ҳазрат Навоий (мусаддас)	166
Айлагач	167
Баҳорда	168
Сенинг	169
Мандин ўрганди	170
Хотир	172
Менинг	173
Сура	174
Сенга бахтдан тахт тиларман	176

МУШОИРАЛАР

Дегин	178
Бўлмасмидим	178
Соқийнома	179
Сенга	179
Баҳор айёмида	180
Оҳуга	180
Самолётда	181
Изҳор	182
Гўзалга	182

ТЎРТЛИКЛАР

Раҳбар	184
Ҳақ	184
Толех	184
Хиёнат	184
Вақт	185
Билим	185
Ўқитувчи	185
Фалсафа	185
Медицина	185
Ҳушёрлик	186
Муҳаббат	186
Йил	186
Оила	186
Севги	186
Алдов	187

Тенгсизлик	187
Ринднинг айтганлари	187

МУРАББАЪЛАР

Гина	192
Бўлай	192
Битта	193
Гузалга	194
Ухлади	194
Тинчлик сўранг	195
Маҳорат	196
Мажнунтолга	196
Фарзанд	197
Муножот	198
Лолазорда	199
Неварамга	199
Илҳом	200
Эй, табиб	201
Илтижо	202
Жидо этма	202
Тошкентим	203
Гулимга	204
Нима	205
Удир	206
Табассуминг	207
ТУЮҚЛАР	208

РУБОИЙЛАР

Педагогик тўртликлар	209
----------------------------	-----

МАСНАВИЙ ВА ФАРДЛАР

Оғиз	216
Удум	217
Луғат	223

Адабий-бадiiй нашр

МАТЛАББЕКА УЛУҒБЕК ҚИЗИ ДЕҲҚОНҚИЗ

АРУЗ БЎСТОНИ

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Гавҳар МИРЗАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 06.10.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 7.375. Шартли босма тобоғи 12,39.
Гарнитура «LexTimes Cug+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 200 нусха. Буюртма № 198.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

Ҳамкоримиз: *kitobxon.uz*

Аруз бӯстони



بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه
بدره ایامه و گشت تنگه ایامه



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-08-641-8



9 789943 086418